Егер, миллетлераралық байланыс мәдениятының еки тәрепин салыстырсақ, байланыстың әдеп-икрамлылық тәрепи көбирек әҳмийетке ийе екенин көриўимизге болады. Бирақ, миллетлераралық байланыс мәдениятының ишки тәрепи, ишки бейимлилиги қатнасықларды орнатыўда шешиўши қәсийетке ийе болса да, миллетлерара байланыс мәдениятының сыртқы көринисине ийе болмаған шахс, өзиндеги ишки ҳәрекетке келтириўши күшлерди әмелге асыра алмайды. Сол себепли, инсанның миллетлераралық байланыс мәдениятының еки тәрепи де, ажыралмас ҳәм өз ара даўам етиўши байланыс саналады.

Тилекке қарсы, көплеген изертлеўлер эмоциональ жағдайлар (кеңпейиллик, уялшақлық, кирисимлилик, қәўетер, ашықлық ҳәм басқалар) менен байланыслы болған жеке өзгешеликлердиң консерватизмин дәлийлейди, себеби сезимлердиң мазмуны психиканың рационал элементлери менен салыстырғанда анағурлым консерватив есапланады.

«Миллетлераралық байланыс мәденияты» түсиниги, өзге миллет ўәкиллери менен туўрыдан-туўры ҳәм ортақластырылған байланыс процесинде, инсан дүньяқарасын, интернационалистлик, әдеп-икрамлылық пазыйлетлери ҳәм исенимлериниң пүтинлигин көрсетеди. Шахстың әдеп-икрамлылық ҳәм халықаралық дәрежеде раўажланыўының нәтийжеси сыпатында миллетлерара байланыс мәденияты еки социаллық функцияны әмелге асырады: а) өзге жағдайда өзин тутыў модели ҳәм оны баҳалаў көрсеткишлерин усынады; б) модельге сәйкес ҳәрекет етиў тилегин күшейттиреди. Бундай ўақытта, миллетлераралық байланыс мәдениятын жоқары дәрежеде ийелеўге ҳәрекет етип атырған адам төмендеги қәсийетлерге ийе болыўы шәрт.

- интернационал сана ийеси болыў, бирден-бир мәмлекетке тийисли болыў пикирин сезиў;
- өзге инсанлардың миллий қәдир-қымбатына, миллий мәдениятына, үрп-әдетлерине ҳәм дәстүрлерине ҳүрмет пенен қараў;
- псевдо-миллий түсиниклерден ўаз кешиў;
- миллетлераралық байланыс мәдениятының тәртиби ҳәм қағыйдаларын әмелде қоллаў ушын тәбийий зәрүрликке ийе болыў;

- миллетлераралық байланыста әдеп-икрамлылық қағыйдаларын билиў;

- адамды миллий стереотиптен тысқары баҳалаў қәбилетине ийе болыў;

-миллетлераралық байланыс тиллеринен пайдаланыў ушын билим ҳәм көнликпелерге ийе болыў.

Миллетлераралық байланыс мәдениятын раўажландырыў, ҳәзирги ўақытта, мәмлекетимиздиң бүгинги күндеги жағдайын ҳәм келешегин белгилейтуғын ең әҳмийетли машқалалардың бири.

Ҳәр бир миллет өзине тән тәкирарланбас мәдениятқа ҳәм бай тарийхқа ийе болып, өзине тән менталитет тасыўшысы болып есапланады. Өзге халықлардың мәденияты, жәмийеттеги миллий стереотиплери хаққындағы билимлердиң кемлиги инсанлар арасындағы айрықша жағдайлардың келип шығыўына себеп болады.

«Миллетлераралық байланыс мәденияты» -бул ҳәр қыйлы этникалық жәмәәт ўәкиллериниң миллетлераралық байланыслары ҳәм өз ара тәсиринде көзге түсетуғын, тез ҳәм қыйыншылықсыз бир-бирин түсиниў ҳәм келисимге келиў имканиятын жарататуғын арнаўлы билим ҳәм көнликпелер ҳәм оларға сәйкес келетуғын ҳәрекетлер жыйындысы [2].

Бул анықламаға тийкарланып, миллетлераралық байланыс мәденияты дегенде өзге миллет ўәкиллери менен байланыста нәзиклик, кеңпейиллик, ашықлық пенен сәўбет жүрите алыў қәбилетин түсинемиз. «Миллетлерара байланыс мәденияты» түсиниги жүрис-турыс нормаларының пүткил спектрин өз ишине алады, булар: нызам, әдеп-икрамлылық, динниң әдеплилик көрсетпелери [1].

Соны да айтып өтиў керек, миллетлераралық байланыс мәдениятын раўажландырыўда шахс тийкарғы рольди атқарады. Белгили болғанындай, ҳәр бир инсан өзге инсан, миллет, халық, өзге материаллық ҳәм руўхый мәдениятқа қаратылған, шахстың искерлик ҳәм қатнасының дәстүрин белгилейтуғын өзгешеликлерге, миллий, руўхый ҳәм әдеп-икрамлылық пазыйлетлерине, яғный, қәдриятлар бағдарына ийе.

Әдебиятлар

1. Хасанов Н.Н. Миллетлерара байланыс мәденияты хаққында. // Жәмийетлик-сиясый журнал. 1997. № 3. 232–237-б.

2. Крысько В.Г. Этническая психология: учебное пособие для студентов высших учеб. заведений, обучающихся по специальности 031000 – Педагогика и психология. 4-е изд., стер. -М.: Академия, 2008. –С.313.

3. Хайруллин Р.З. Формирование культуры межнационального общения и толерантности в молодежной среде. // Мир психологии. 2009. №3. -С. 85–93.

4. Интернет сайт: https://www.ncfu.ru/export/uploads/imported-from-dle/op/doclinks2017/Metod Kultura_mezh_nac_obchenia_220301_2017.pdf.

РЕЗЮМЕ

Мақолада миллатлараро мулоқотнинг шакллари, тузилиши, мазмуни, жамоат ва шахсий алоқалар, турли миллат вакилларининг ўзаро муносабатлари, ҳам моддий, ҳам маънавий қадриятларнинг алмашиши, уларнинг ижтимоий фаолият жараёнида ва кундалик ҳаётидаги қарашлари, ҳиссиётлари кўриб чиқилади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются формы, структура, содержание межнационального общение которые представляют собой общественные и личные контакты, взаимосвязи людей разных национальностей, обменивающихся как материальными и духовными ценностями, так и взглядами, чувствами, эмоциями в процессе их общественной деятельности и повседневной жизни.

SUMMARY

The article deals with the forms, content, structure of interethnic communication, which represents social and personal relations of various nations, more over it exchanches both material and spiritual heritages, and also with views, feelings, emotions in the process of social and every day life activities.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТАРБИЯ ИШЛАРИНИ ТЕХНОЛОГИЯЛАШТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

А.А.Бекимбетова – *педагогика фанлари номзоди, доцент*

Р.А.Ибраймова - *магистрант*

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: педагогик технология, таълим, технологик йўналиш, усуллар, психологик тарбия.

Ключевые слова: педагогическая технология, образование, «технологическое» направление, методы, психологическое воспитание.

Key words: Pedagogical technologies, education, «technological» specialty, approaches, psychological education.

Бугунги кунда мактабгача таълим тизимидаги модернизация жараёни ушбу соҳада илғор технологияларни самарали қўллаш, тарбиячиларнинг инновацияларни чуқурроқ ўрганишини талаб қилмоқда. Бу муаммоларни ҳал этиш учун таълим ва тарбияни технологиялаштириш, технологик ёндашувни ўзимизга мос ҳолда қайта ишлаб чиқиш зарурлиги, ҳозирги кунгача шаклланиб келган таълим-тарбия соҳасидаги назарий ва амалий тажрибаларни мукаммал ўрганишни тақозо этади.

Педагогик технологиянинг таълимдаги амалий ҳамда ташкилий-услубий имкониятларини амалга оширишга йўналтирилганлиги, унинг аниқ воситалар ёрдамида ҳаётга татбиқ этилиши бутун жаҳон педагогларининг унга эътиборини кучайтирмоқда. Бу йўналишга турлича қарашлар мавжуд булиб, баъзи педагоглар педагогик технологияда таълимни табақалаштириш воситасини кўрмоқдалар, бошқалари ундан кам меҳнат сарфлаб юқори натижаларга эришиш имкониятлари, педагогик технологияда барча таълим олувчиларни олдиндан белгиланган билим, кўникма ва малакалар даражасига етказиш мумкинлиги қизиқтирмоқда. Таълимни "технологик" йўналишда кўришнинг умумий мезони унинг аниқ ва батафсил белгиланган мақсадга йўналтирилганлигидадир. Бу ҳолатда ҳар бир мақсадни амалга ошириш учун алоҳида қонуният, жараён, кетма-кетлик ва унга мос амаллар мажмуи мавжуд бўлиши асос сифатида олинади. "Педагогик технология" нинг воситавий йўналтирилганлиги унинг турли услублар асосида турли таълим тизимларини кўришдаги кенг имкониятларини белгилаб беради. Бунда таълимнинг ташкилий жиҳатлари олинади. "Педагогик технология" - таълим ва тарбиявий ишларнинг максадига мувофик тарзда сифатнинг самарадор булишига олдиндан кафолат бера олади.

Мактабгача тарбия муассасаларида тарбиявий ишларни амалга оширишнинг педагогик технологияси лойихалаштириш, амалга ошириш, назорат ва тахлил килиш каби харакат кетма-кетлигидан иборат. Бунда асосан педагогик максадни туғри белгилаш мухим хисобланади, бунда тарбиячи ва тарбияланувчи нимага эришишлари керак? деган саволга жавоб олиш зарур. Шунингдек, педагогик махорат (аник ишларни

утказиш, тарбиявий жараённи ташкил этиш, болаларни қизиқтириш, ижодий ишлаши учун турли метод ва техникалардан фойдаланиш), натижаларни назорат ва таҳлил қилиш, умумлаштириш (болалар нималарни ўргандилар?) жараёнларини туғри ташкил этиш зарур. Демак, тарбиявий ишлар технологияси – мактабгача таълим ташкилотлари шароитида қўйилган мақсадларни амалга оширишда ҳар бир аниқ тарбиявий ишни утказиш ва таҳлил қилиш учун қўлланиладиган услуб ва шакллар йиғиндисидан иборат. Тарбия жараёни тарбиявий ишнинг аниқ мазмуни ва шакли арқали амалга оширилади. Тарбиявий ишнинг таъсирчанлиги ва самарадорлиги – уларни тайёрлаш ва утказиш, тарбиячиларнинг укувчилар билан жамоавий фаолиятни ташкил қилиш тарбиявий ишлар технологияси тизимига боғлиқ бўлади. Демак, тарбиявий технологиялар – бу конструкция қилиш, мазмунни амалга ошириш, услуб, шакл, усул ва воситаларни, таъсир этиш йўлларини аниқлаштиришнинг методологик, ташкилий-услубий кўрсатмалар, қонун-қоидалар мажмуйи хисобланади. Тарбиявий ишлар одатда жамоавий ва ижодий ишлар сифатида, иш ва уйин, ижод ва ҳамкорлик, ҳаётий умид ва хурсандлик билан тулдирилган тарбия жараёни ташкил этилади. Тарбиявий ишлар фаол ва мажмуавий ёндашувлар орқали амалга оширилади. Фаолиятга оид ёндашувда тарбия йуналиши белгиланади, мажмуавий ёндашув унинг мазмунини белгилайди.

Мактабгача таълим ташкилотларида ўқув тарбия жараёнининг ҳар қандай қисми унинг лойиҳаланишига технологик жиҳатдан ёндашилганда педагогик технологиянинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқадиган унинг методикасига қўйиладиган талаблар, принциплар мавжуд. Педагогик технологиянинг принциплари:

- педагогик жараённи лойиҳалашда педагогик тизимнинг оптималлиги, мақбуллиги;
- таълим-тарбия натижасининг кафолатлиги;
- педагогик жараённинг бир бутунлиги ва таркибий қисмларнинг ўзаро боғлиқлиги;
- ўқитувчи ва ўқувчи фаоллигининг уйғунлиги, тарбияланувчи фаолиятини ташкил қилиш;
- инсон ва техника ресурслари, оптимал воситаларни қўллаш;
- педагогик жараённи моделлаштириш кабилар.

Болаларнинг фаолиятини, борлиқни билиш йўлларини белгиловчи кўргазмали, амалий ва сўзли методлар қўлланилади. Мактабгача таълимда қўлланиладиган этиладиган кўргазмали методлар гуруҳига қуйидагилар: кузатиш, расмларни томоша қилиш, кинофильм ва диафильмларни намойиш қилиш, шунингдек, айрим ҳолларда мустақил методлари вазифасини бажарадиган баъзи усуллари: вазифа-намунаси, ҳаракат усулини кўрсатиш ва бошқалар киради.

Ўргатиш методлари - педагогикада қабул қилинган таърифга кўра қўйилган масалани ечиш учун танланган ягона йўл сифатида таърифланади. У машғулотдаги боланинг ва тарбиячининг бутун фаолиятини ўргатиш усуллари - айрим ёрдамчи восита бўлиб, машғулотдаги фаолиятнинг хусусиятини аниқламайди.

Мактабгача таълим муассасасида тарбиявий ишларнинг асосини ўйин ташкил этади ва бу ўйинлардан турли методлар ичида фойдаланиш мумкин. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар билан олиб бориладиган ишда расмлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Расмлар асосан болаларнинг атроф-муҳит ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш учун ва тасвирий усулларини, воситаларини тушунтириш учун хизмат қилади. Педагог ва психологларнинг тадқикотлари шуни кўрсатадики, болалар расмни предмет тасвири сифатида тушуниб етадилар. Лекин расмдаги персонажларнинг ўртасидаги боғлиқликни, яъни ҳаракатларни тушуниш мактабгача ёш давриида юзага келади. Масалан: 2 ёшли бола расмдаги ҳайвонларни «турибди» дейди, 4-5 ёшлигиси эса «гапиряпти», «юряпти», «келяпти» ва хоказо дейди.

Шунингдек, мактабгача ёшдаги болалар билан оғзаки метод ва ўргатиш усулларидан самарали фойдаланиш зарур. Суҳбатнинг мақсади болалар хотирасидаги аввалги идрок қилинган образларни қайта эсга олиш ва машғулотга бўлган қизиқишини уйғотишдир. Болалар ўз тасавввурлари асосида ижод қиладиган машғулотларда суҳбатнинг роли каттадир. Суҳбат қисқа, мазмунли ва хис-хаяжонли бўлиши керак. Тарбиячи асосий диққатини машғулотда қилинадиган ишга қаратади. Болаларнинг мавзу бўйича ёки янги тасвирлаш усуллари хақидаги тасаввурларини аниқлаб олишдан аввал, суҳбат мобайнида ёки, суҳбатдан кейин тарбиячи керакли предмет ёки расмни кўрсатади. Топшириқни бошлашдан аввал эса, иш усулини болаларга кўрсатади.

Болалар боғчасида таълимнинг амалий методлари гуруҳига машқлар, ўйин методлари (дидактик ўйинларни қўшган ҳолда) элементар тажрибалар ва моделлаштириш киради. Бунда болаларнинг билиш фаолияти оғзаки мантиқий тафаккур билан ўзаро алоқадаги кўргазмали-ҳаракат ва кўргазмали-образли тафаккурга асосланади.

Машқлар - бу берилган мазмуннинг ақлий ва амалий ҳаракатларини бола томонидан кўп мароталаб такрорлашдир. Машқлар моҳиятан билимларни амалга татбиқ этилиши бўлиб, у билимларнинг ўргатувчи ва ривожлантирувчи аҳамиятини белгилайди: болалар машқлар ёрдамида турли ақлий усулларни эгаллайдилар, уларда ўқув ва амалий кўникма ҳамда малакалар шаклланади: ақлий ва амалий заминдаги билимлар бирмунча мустаҳкам ва онгли бўла боради. Натижада болаларнинг билиш қобилиятлари мустаҳкамланади.

Мактабгача таълим узлуксиз таълимнинг бошланғич қисми ҳисобланади. У боланинг соғлом ва ривожланган шахс бўлиб шаклланишини таъминлаб, ўқишга бўлган иштиёқини уйғотади, тизимли ўқитишга тайёрлаб боради. Шундай экан, бу тизим фаолиятини янада кучайтириш, мактабгача таълим ташкилотларида таълим-тарбия ишларини амалга ошириш учун ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратиш, инновацияларни киритиш, давр талабига мос равишда технологиялаштириш, уларга мактабгача ёшдаги болаларни кенг жалб этиш ёш авлоднинг баркамол ва етук шахс бўлиб шаклланишида муҳим ўрин тутади.

Адабиётлар

1. Азизхужаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик махорат. –Т.: 2003.
2. Ишмухаммедов Р. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. –Тошкент: 2017. 368-б.
3. Bugatov V.M. Pedagogicheskie tainstva didakticheskix igr. Ucheb.-metodicheskoe posobie. 2-e izd. – M.: «Flinta», 2003.
4. Бекимбетова А.А. Тарбия ҳәм оны технологияластырыў.(Окыў-методикалык колланба). –Ташкент: 2019. 50-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада мактабгача таълим тизимида тарбия ишлари, педагогик технологиялар, тарбиячи маҳорати, психологик ёндашув ва методлар кўрсатилиб ўтилган. Мактабгача таълим ташкилотларида болаларни тарбиялаш мақсадида бир катор методлар келтирилган. Тарбия жараёнини туғри ташкил этишда технологик ёндашувнинг педагогик асослари ўрганилган.

РЕЗЮМЕ

В статье описаны воспитательная работа, педагогические технологии, педагогическое мастерство, психологические подхо-

ды и методы в системе дошкольного образования. Также говорят об их психологическом воспитании и о том, как мы можем применить эти методы.

SUMMARY

The article describes educational work, pedagogical technologies, pedagogical skills, psychological approaches and methods in the system of preschool education. They also talk about their psychological upbringing and their applying methods.

ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВ СИМУЛЯТОРЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

А.К.Бижанов - *ассистент ўқитувчи*

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Таянч сўзлар: педагогик дастурий таъминот, ахборот-таълим ресурслари, компьютер технологиялари, симуляторлар.

Ключевые слова: обеспечение педагогической программы, информационно-образовательные ресурсы, компьютерные технологии, симуляторы.

Key words: pedagogical program support, information-educational resources, computer technologies, simulators.

Кириш. Таълим тизимидаги фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилар тез суръатларда ривожланаётган ахборот технологиялари ва замонавий компьютерлар билан бирга интернет тизимидан ўқув жараёнида фойдаланишни билиши жуда ҳам катта аҳамиятга эга. Буни муваффақият билан амалга оширишнинг муҳим омилларидан бири таълим муассасаларида ўқитиладиган ўқув предметлари бўйича дастурий таъминотларни, яъни симуляторларни яратишдир.

Таълимни компьютерлаштириш муаммоси педагогика фанида тахминан ярим аср олдин пайдо бўлган замонавий йўналиш ҳисобланади. Унга бағишланган адабиётлар йилдан йилга жадал суръатлар билан кўпайиб бормоқда. Францияда 1987 йилда информатика бўйича янги миллий режа қабул қилинган ва режанинг асосий йўналиши юқори сифатли педагогик дастурий таъминотларни яратиш, бу муаммони илмий ҳал қилишнинг янги имкониятларини излаб топишдан иборат деб белгиланган. Шу жумладан, АҚШ, Англия, Германия, Япония, Канада, Австралия, Жанубий Корея, Россияда шу йўналишдаги психологик, педагогик, дидактик, услубий, техник ва технологик изланишлар кенг кўламда олиб борилмоқда [1].

Олий таълимнинг электрэнергетика йўналишларида ўқитиладиган мутахассислик фанларнинг электрон таълим муҳитини ташкил этадиган замонавий таълим манбаларини яратиш ва ундан фойдаланиш долзарб масалаларидан биридир.

Бугунги кунда электрон ахборот-таълим ресурсларини амалий дастурий воситалар ёрдамида тайёрлаш ва ундан ўқитиш жараёнида самарали фойдаланиш ҳар бир ўқитувчи учун муҳим вазифа ҳисобланади.

Олий таълим тизимида ўқитиладиган ўқув материалларини замонавий дастурий воситалар ёрдамида тайёрлаш ва ундан фойдаланиб ўқитишни ташкил этиш талабаларнинг имкониятларини кенгайтиради [2].

Замонавий педагогик дастурий воситаларга қатор илмий тадқиқотчилар томонидан таърифлар берилган. Жумладан, педагогик дастурий восита – бу муайян фан соҳаси ёки мавзуни у ёки бу ўқитиш технологиясидан фойдаланиб, фаолиятни ҳар хилда амалга оширишда шарт-шароит яратиб берадиган дастурий воситадир [3].

Педагогик дастурий воситалар – компьютер технологиялари ёрдамида ўқув жараёнига қўйилган мақсадга эришиш учун қисман ёки тўлиқ автоматлаштиришга мўлжалланган дидактик восита ҳисобланади [4].

Педагогик дастурий воситалар таркибига ўқув фани бўйича аниқ дидактик мақсадларга эришишга йўналтирилган дастурий маҳсулот яни симуляторни ишлаб чиқиш учун махсус дастурлар комплекси, техник ва методик таъминот, қўшимча ва ёрдамчи воситалар киради.

Таҳлил ва натижалар. Ўқув жарёнида ўқув симуляторларини қўллашнинг самардорлигин оширишнинг яна бир тури бу намойиш этувчи дастурлар ҳисобланади. Намойиш этувчи дастурлар – ўқув материалини кўргазмали тақдим этиш учун ҳамда ўрганилаётган қонуниятларни, объектларнинг ўзаро алоқасини виртуаллаштириш ва визуаллаштириш учун мўлжалланган. Визуаллаштириш – бу тасаввурлар тасвирларини кўринарли ҳолатда яратишдир, Виртуаллаштириш эса (лотинча virtualis-эҳтимол) – аниқ мавжуд бўлмаган маълум бир шароитларда содир бўлиши мумкинлиги ҳисобга олинган объектнинг кўринишини компьютерли ифодалаш бўлиб, бунда шу объектнинг барча қирралари ҳисобга олинади [5]. Ўқитишнинг саморадорлигин ошириш, ўрганилган материалларни такрорлаш ва мустаҳкамлаш орқали малака ва кўникмалар шакллантириш учун мўлжалланган дастурлар булар тренажёрлар ҳисобланади. «Тренажёр» сўзи XX асрнинг охирида пайдо бўлган неологизм (грекчадан, янги сўз), маданият тараққиётининг бошланғич босқичида қўлланила бошланган тушунчанинг ўзида инсонни ўқитиш ва унда муайян кўникмаларни яратиш учун қурилма маъносини беради. Бу жараён «мен каби бажар» принципи бўйича амалга оширилади [4].

Электрон таълим муҳитини ҳосил қилувчи электрон ахборот-таълим ресурсини яратиш қўйидаги босқичлардан ташкил топади [6]:

- бошлаш жараёни;
- мақсадни аниқлаш;
- мундарижа тузиш, режалаштириш;
- дастурий маҳсулотни тайёрлаш;
- тайёрланган дастурий маҳсулотдан фойдаланиш ва самарадорликни аниқлаш.

Олий таълим электрэнергетика йўналишлари учун мутахассислик фанидан тайёрланган методик таъминотни, яъни симуляторни амалий ва лаборатория машғулотларининг самарадорлигини бир нечта кўрсаткичлар бўйича таҳлил қилиш мумкин. Олиб борилган изланишлар самарадорлиги қўйидагича:

1. Талабаларнинг берилган топшириқларни бажаришига кўра;
2. Талабаларнинг берилган топшириқларни бажаришини ўрганганлиги;
3. Талабаларнинг берилган топшириқларни бажара олиш тезлиги каби мезонлар асосида ўрганилди.

Хулоса ва таклифлар. Таълимда самарадорликка эришганлик таълим сифати кўринишида намоён бўлади. Таълим сифати – таълим жараёни ва натижасининг, таълим қандай бўлиши, у қандай мақсадларга хизмат қилиши ҳақидаги жамиятта тарқалган тасаввурга унинг мос келиш даражасини ифодаловчи интеграл тавсифдир [7].

Олий таълимда ахборот-коммуникация технологияларидан таълим оладиган талабалар машғулотни самарали ўзлаштириб, мустақил ишлаш ва ижодий фаолият босқичига ўтганларида, ўқитувчининг берган янги ахборотлари билан чегараланмай, ўзлари бўш вақтларида мустақил равишда симуляторлардан фойдаланиб билимларини ошириб борадилар. Бу эса, уларнинг машғулот жараёнида ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни тезгина, хатосиз бажаришларида намоён бўлишини кўришимиз мумкин.

Адабиётлар

1. Мўминов Б.Б. Информатикадан амалий ва лаборатория машғулотлари учун педагогик дастурий таъминот

яратиш ва фойдаланиш методикаси. Педагогика фанлари буйича фалсафа фан.док.дис.13.00.02. –Бухоро: 2009.
2. Суропов Б.М. Электрон таълим муҳитида ахборот коммуникация технологиялари фанини ўқитишнинг методик таъминотини такомиллаштириш. Педагогика фанлари буйича фалсафа фан.док.дис. 13.00.06. –Тошкент: 2019. 75- б.
3. Шкутина Л.А. Подготовка педагога профессионального обучения на основе интеграции педагогических информационных технологий: дис.док.пед.наук. 13.00.08. –Караганда: 2002. –С.390.
4. Понятие и классификация педагогическое программное средство. Понятие и классификация ППС. Технология создания мультимедийных приложений. Создание электронных учебных курсов. Технология разработки тестовых заданий. Электронные учебники. http://vunivere.ru/work6194.
5. Что такое визуализация и как она работает? http://constructors.ru sila-mysli/chto-takoe-vizualizaciya-i-kak-ona-rabotaet.html
6. Каюмова Н.А. Касб-ҳунар коллежларида «Ахборот технологиялари» фанидан ўқув машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси. Дис.пед.фан.ном. – Тошкент: 2008. 156-б.
7. Олий таълим. Луғат маълумотнома. /Академик С.С.Ғуломов таҳрири остида. -Тошкент: Молия, 2003. 216- б.

РЕЗЮМЕ

Бу мақолада олий таълимда ўқув жарёнида ўқув симуляторларини қўллаш орқали ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланадиган талабалар машғулотни самарали ўзлаштириб, мустақил ишлаш ва ижодий фаолият босқичига ўтганларида, ўқитувчининг берган янги ахборотлари билан чегараланмай, ўзлари бўш вақтларида мустақил равишда симуляторлардан фойдаланиб, билимларини ошириб бориши назарда тутилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается проблема обучения студентов в ВУЗе с применением симуляторов в информационно-коммуникационной технологии, использование которых эффективно влияют на улучшение качества учебного процесса. При выполнении заданий студенты эффективно усваивают информацию, затем постепенно переходя к этапу самостоятельной работы, учащиеся уже сами умело используют симуляторы, которые действительно дают положительные результаты.

SUMMARY

This article assumes that the students who uses information and communication technologies in higher education through the use of training simulators in the educational process can effectively learn their lessons and enlarge their knowledge while moving to the stage of independent work and creative activity, not being limited to new information provided by the teacher.

ЎҚИТУВЧИЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ХОРИЖДА ВА ЎЗБЕКИСТОНЛИК ОЛИМЛАР ТОМОНИДАН ЎРГАНИЛИШИ

А.Даўкеева – *педагогика фанлари буйича фалсафа доктори*
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: педагогик фаолият, педагогик қобилият, дидактик қобилият, академик қобилият, перцептив қобилият, нутқий қобилият, ташкилотчилик қобилияти.
Ключевые слова: педагогическая деятельность, педагогические способности, дидактические способности, академические способности, перцептивные способности, говорящие, организаторские способности.
Key words: pedagogical activity, pedagogical ability, didactic ability, academic ability, perceptual ability, speaking ability, organizational ability.

Ўқитувчининг психологик хусусиятлари ва шахсий фазилатларини чуқур ўрганиш ишлари йигирманчи асрнинг 30-40 йилларидан кенг йўлга қўйила бошланди. Талаба шахсининг ривожланишида ўқитувчининг роли бениҳоят муҳимдир, чунки у таълим ва тарбия жараёнининг ташкилотчиси вазифасини бажаради. Ҳозирги шароитда ўқитувчининг ташкилотчилик қобилиятига нисбатан юксак талаб қўйилади, шу боисдан ижтимоий-тарихий тажрибаларнинг бойлиги эхтиёжлар кўламининг ортишига бевосита боғлиқ.

Йигирманчи асрнинг 70-80-йилларида педагогика ва психология фанларида ўқитувчининг касбий тайёргарлигига, лаёқатига, шунингдек, шахсий сифатларини шакллантириш масаласига оид тадқиқот ишларининг кўлами кескин равишда ортди. Ўқитувчининг характер хислатлари, педагогик қобилиятлари, куникма ва малакалари, унда тарбиячилик маҳоратини таркиб топтириш шартлари ўрганилмоқда. Кейинги пайтларда ўқитувчининг касбий сифатларини шакллантиришнинг механизмлари ва қонуниятларини кашф қиладиган махсус илмий изланишлар салмоғи тобора ортиб бормоқда. Касбий тайёргарликка оид тадқиқотларда ўқувчиларда ўқитувчилик касбига қизиқишнинг уйғониши, ўқитувчилик касбини танлашнинг мотивлари, ўқувчилар ва талабаларда педагогик йўналишни таркиб топтириш, тарбия жараёнининг илмий-назарий муаммолари, ўқитувчилик маҳоратини эгаллашнинг психологик манбалари, педагогик қобилиятларининг ривожланиш хусусиятлари, ўқитувчи билан ўқувчининг (талабаларнинг) ҳамкорлик фаолияти, педагогик мулоқотнинг психологик асослари очиб берилмоқда.

Бу соҳанинг йирик тадқиқотчилари қаторига И.В.Страхов, Н.В.Кузьмина, А.И.Щербаков, Ф.И.Гоноболин, В.А.Сластёнин, С.Р.Ражабов, М.О.Очилов, М.Г.Давлетшин, Р.З.Гайнутдинов ва бошқаларни киритиш мумкин. Рус психологи **И.В.Страхов** *«Педагогик такт психологияси»* номли асарида ўқитувчининг психологик одоби масаласини тадқиқ қилиб, олинган натижаларни умумлаштириб берган. Унинг фикрича, педагогик одобда асосий ўринни ўқувчига таъсир этишни мақсадга мувофиқ кузатиш, кундалик педагогик ҳолатларни ҳисобга олиш зарурлиги, ҳамкорлик фаолиятида ўқувчининг шахс хусусиятлари билан унинг имкониятларини эътиборга олишни эгаллайди. Бу асрда педагогик одобни (тактни) шакллантириш хусусиятлари ва унинг босқичлари тўғрисида умумлашган мулоҳазаларга якун ясалади. Ана шу сабабдан **И.В.Страхов**нинг мазкур иши ўқитувчи шахсини тадқиқ қилишга бағишланган дадил илмий қадам ҳисобланади [1:273].

Рус олимаси **Н.В.Кузьмина** ўқитувчилик фаолиятида педагогик қобилиятларнинг роли ва уларни таркиб топтиришга оид қатор илмий тадқиқот ишларини олиб борган. Муаллиф шахсий тадқиқотларида педагогик қобилиятларни гностик (билишга оид), проектив (олдиндан режалаштиришга қаратилган), конструктив, ташкилий ва коммуникатив турларга ажратиб, уларнинг хар бирига чуқур психологик тасниф билдирилади, ҳар бир таркибий қисм тажриба материаллари билан мустаҳкамланади.

Н.В.Кузьмина педагогик қобилиятнинг муҳим аломатлари қаторига кузатувчанликни ҳам киритади, ўқитувчининг бу хислари ўқувчининг ички кечинмалари хис-туйғулари каби омилларни аниқлашга хизмат қилади. Бу нарса ўқувчининг фаолиятида юзага келадиган қийинчиликларни енгиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатларни илғашга имкон яратади, унда айрим ўзгаришни кузатиш ва таҳлил қилиш шарт-шароитлари туғилади. Ўқитувчида кузатувчанликнинг пайдо бўлиши натижасида у диагностик сифатни вужудга келтиради деб айтиб ўтган [2:118].

Рус психологи **А.И.Щербаков** фикрига кўра, педагогик фаолият - бу ўқитувчи олдига жиддий талаблар қўядиган мураккаб психологик актдир. Педагогик фаолият ўқитувчини чуқур ва пухта билимга, педагогик қобилиятга, мустахкам характерга, юксак маънавиятга эга бўлишини тақозо қилади.

А.И.Щербаков ўқитувчи шахси олтита касбий таркибий қисмдан иборат эканлигини таъкидлаб ўтади:

- ♦ Юксак савиядаги билим ва маданият
- ♦ Йўналишнинг аниқ ифодаланганлиги
- ♦ Юксак ахлоқий ҳисларнинг мавжудлиги
- ♦ Юқори даражада юзага келувчи фаоллик ва барқарор мустақиллик
- ♦ Қатъий ва силлиқ характер
- ♦ Педагогик қобилиятлар

А.И.Щербаков педагогик фаолиятда маҳорат жуда муҳим ўрин эгаллашини таъкидлаб, ўқитувчининг шахсий фазилатлари, унинг билимлари, амалий куникма ва малакалари ўзаро бирлашиб педагогик маҳоратни вужудга келтиради, дейди. Педагогик маҳоратнинг шаклланиши ўқитувчи шахсининг такомиллашиши жараёни билан боғлиқдир.

Рус психологи **Ф.Н.Гоноболин** педагогик қобилиятларни куйидаги турларга ажратиб урганишни таклиф қилади:

- ♦ Дидактик қобилиятлар
- ♦ Академик қобилиятлар
- ♦ Перцептив қобилиятлар
- ♦ Нутқ қобилиятлари
- ♦ Ташкилотчилик қобилияти
- ♦ Авторитар қобилиятлар
- ♦ Коммуникатив қобилиятлар
- ♦ Педагогик хаёл
- ♦ Диққатни тақсимлаш қобилияти.

Ф.Н.Гоноболин педагогик қобилиятларни таркиб топтириш босқичлари, хусусиятлари, хоссалари тўғрисида мукаммал маълумотлар беради. Таълим ва тарбия жараёнини такомиллаштиришда педагогик қобилиятларнинг роли тажриба материалларига асосланиб шарҳлаб берилади.

Шундай қилиб, кўпгина олимлар ўз асарларида ўқитувчининг муҳим фазилатлари мавжудлигини баён қилганлар. Энг асосий сифатларга кўйидагиларни киритиш мумкин: ўқитувчининг ҳар томонлама баркамол бўлиши, ўзининг юксак хислатлари, ҳис-тўйғулари билан бошқа касбдаги кишилардан ажралиб туриши, ёшлар рухиятига осон кира олиш қобилияти, тараққиётда орқада қолганлар билан яккаҳол ишлаш ўқувчанлиги, ўқувчилар диққатини ўзига торта олиш сеҳри, ўз касби, фаолият ва болаларни севиши, таълимда хиссий билиш услубидан унумли фойдаланиш ўқуви, мустақил ишлаш малакасини ошириш қобилияти, психологик муомала ва одобга эга бўлиш қобилияти, психологик муомала ва одобга эга бўлиш кабилар. Шуни алоҳида таъкидлаб утиш керакки, улар томонидан таҳлил қилинган ўқитувчининг сифатлари то ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда. Демак, аждодларимизнинг ғоясини такомиллаштириш эвазига ҳозирги замон таълимини юксак босқичка кўтариш мумкин. Шу қотарда Марказий Осиё мутафаккирларининг бой илмий, маданий меросига асосланиб, Ўзбекистонлик педагог ва психолог олимлар ўқитувчилик касби, унинг ўзига хос хусусиятларини урганганлар ва урганишда давом этмоқдалар [3:43].

Йирик ўзбек олими **С.Р.Ражабов** бутун умр ва фаолиятини ўқитувчи шахсини тадқиқ қилишга, ўқитувчилар тайёрлашни такомиллаштиришга, булғуси муаллимларни шарқона тарбиялашга бағишлаганлар. Ўқитувчининг йирик сиймолар намунасида тарбиялаш аҳлоқий тарбия умумтарбиянинг етакчи бўғини эканлиги олимнинг асарлари моҳиятига сингиб кетгандир. С.Р.Ражабов ва унинг юзлаб шогирдларининг ишлари ҳам ўқитувчининг педагогик ва психологик хусусиятларига қаратилгандир.

Ўзбек олими **М.О.Очилов**нинг кўп йиллик тадқиқоти ичида ўқитувчи шахсини шакллантириш масаласи марказий уринни эгаллайди. Умуминсоний хислатлар ва миллий хусусиятларни чоғиштирган холда булғуси ўқитувчи шахсини таркиб топтириш ғояси муаллифнинг муҳим ютуғидир. Ўз тадқикотларида **М.О.Очилов** бевосита ҳалқ педагогикасига асосланиб, миллий тарбияни вужудга келтириш устида изчил илмий ишларни олиб борди.

Психолог **М.Г.Давлетшин** ва унинг шогирдлари томонидан ўқитувчи психологиясининг турли жабҳаларига қаратилган тадқиқотлар амалга оширилди. Ўқитувчилик касбига ўқувчиларни йўналтириш, ўқитувчилик касбини танлаш мотивлари, ўқитув ва тарбиялаш ишларини такомиллаштириш, ўқитувчининг профессиограммасига асосланиб, хусусий иҳтисосликнинг ўзига хос жиҳатларини кашф этиш, ўқитувчи тафаккури каби масалалар шулар жумласидандир [4:79].

Р.З.Гайнутдинов ўзбек мактаблари ўқитувчиларининг миллий характери, фаолиятнинг миллий ўзига хослиги ҳамда уларни диагностика қилиш имкониятлари, ривожлантириш йўл ва воситаларига йўналтирилган тадқиқот ишларини олиб борди. Айниқса, этнопсихологик хусусиятларни жаҳон психологияси ютуқлари билан чоғиштирган ҳолда ўқитувчи шахсини шакллантириш ғояси шарқона тарбияни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Биз мазкур муаммони ўрганишда куйидаги жабҳаларга диққатимизни қаратдик:

1) бўлғуси ўқитувчининг тафаккури,
2) талабаларни ўз-ўзини баҳолашга ўргатиш,
3) амалиётда ўқув фаолиятини ўзи бошқариш,
4) булғуси мутахассис акл-заковатини текшириш ва ривожлантириш,
5) ўқув мотивлари ва қизиқишларни бошқариш имкониятлари,
6) ўқитувчининг педагогик қобилиятлари ва бошқалар.

Шунингдек, ўқитувчи шахсини ўрганишда тестлардан фойдаланиш ва психологик тренингларни қўллаш муҳим ахамият касб этади.

Ўқитувчининг **педагогик қобилиятлари** таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

♦ Дидактик қобилият (осон йул билан мураккаб билимларни тингловчиларга тушунтириш укувчанлиги).

♦ Академик қобилият (барча фанлар юзасидан муайян билимга эга бўлишлик).

♦ Перцептив қобилият (қисқа дақиқаларда аудитория ҳолатини идрок қила олиш фазилати)

♦ Нутқий қобилият (ихчам, маъноли, охангдор, муайян ритм, темп, частотага эга бўлган нутқ, нутқнинг жарангдорлиги, унинг пауза, мантиқий урғуга риоя қилиши).

♦ Ташкилотчилик қобилияти (синф, гурух ёки курсни уюштириш ва уни бошқариш истеъдоди).

♦ Обрўга (нуфузга) эга бўлишлик қобилияти (ўзининг шахсий хусусияти, билимдонлиги, ақлфаросатлилиги, мустаҳкам иродаси билан обрў орттириш укувчанлиги).

♦ Муомала ва мулоқот ўрната олиш қобилияти.

♦ Психологик ташхис (диагноз) қобилияти (инсоннинг келажагини оқилона тасаввур қилишдан иборат башорати).

♦ Диққатни тақсимлаш қобилияти (бир неча объектларга бир даврнинг ўзида ўз муносабатини билдириш укуви).

♦ Иймон-эътиқодга, фаол хаётий позицияга йўналтириш қобилияти.

♦ Ташаббусга, ижодга илхомлантириш қобилияти.

♦ Ақли донишлик қобилияти (билимдонлик)

♦ Конструктив қобилият (укув-тарбия ишларини режалаштириш ва натижасини олдиндан айтиш қобилияти).

♦ Гностик қобилият (тадқиқотга лаёқатлилик).

Ўқитувчилик фаолияти тарбиявий, таълимий ва муомалавий хусусият касб этиб, у «талаба-ўқитувчи», «ўқитувчи-талаба», «талаба-талаба» схемасига асосланади. Муомала таркибини биридан иккинчисига ўтиш натижасида ўзаро ҳамкорлик фаолияти вужудга келади.

Ўқитувчи шахсини ўрганиш учун тестлардан фойдаланиш мухим ахамиятга эга, чунончи:

- мақсадга эришув тестлари,
- интеллект тестлари,
- шахс тестлари,
- проектив тестлар,
- кўрув ва эшитув хотираси тестлари туркуми шулардан иборат.

Бундан ташқари, дунёга машхур мумтоз тестларни қўллаш хам кўзланган максадни амалга оширишга хизмат килади. Чунончи: ТАТ, Розенцвейг фрустрацион тести, Роршах тести, Кеттелл тести, Векслер ва Айзенкнинг тестлари шулар жумласидандир.

Шундай килиб, биз юқорида Ўзбекистонлик педагог ва психолог олимларнинг ўқитувчи психологиясига оид айрим қарашларини шарҳлаб ўтдик. Лекин бу ёндашув мукаммал таҳлилдан иборат деган ўнлаб хулосага келишдан йироқмиз. Чунки уларнинг ўнлаб мақолалари ва рисолалари устида тўла тўхталиш учун имконият етишмайди. Шунга қарамасдан, Республикамиз олимларининг бу сохадаги ишлари кўпгина мамлакатларда машхурдир.

Демак, юкорида билдирилган мулоҳазаларга асосланиб, Россиялик ва Ўзбекистонлик олимларнинг амалга оширган тадқиқот ишлари, уларнинг назарий ва амалий натижалари ўқитувчи психологиясининг ривожига муҳим улуш бўлиб қўшилади, деган хулосага келамиз.

Адабиётлар

1. Страхов И.В. Психологические основы педагогического такта. -М.: 1966. –С.273.
2. Кузьмина Н.В. Профессионализм личности преподавателя и мастера производственного обучения. - Москва: «Высшая школа», 1990. –С. 118.
3. Давлетшин М.Г., Жалилова С.Х. “Олий мактабда таълим жараёнининг самарадорлигининг психологик томонлари”. -Т.: ТДПУ, 2001.
4. Ғозиев Э.Ғ. «Олий мактаб психологияси». -Т.: «Ўқитувчи», 1997.

РЕЗЮМЕ

Хорижлик олимлар ўз асарларида ўқитувчининг муҳим фазилатлари мавжудлигини баён қилган бўлсалар, Ўзбекистонлик педагог ва психолог олимлар ўқитувчилик касби, унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганганлар ва ўрганишда давом этмоқдалар.

РЕЗЮМЕ

В то время как зарубежные учёные констатируют в своих работах наличие важных качеств учителя, узбекские педагоги и психологи изучали и продолжают изучать профессию учителя и её особенности.

SUMMARY

While foreign scholars state in their works the presence of important qualities of a teacher, Uzbek teachers and psychologists have studied and continue to study the teaching profession and its features.

БАСШЫЛАРДА ӘДАЛАТ ПАЗЫЙЛЕТИН ҚӘЛИПЛЕСТИРИЎ ҲӘМ ОНЫҢ ЖОЛЛАРЫ

М.Т.Ережепов - *магистрант*

Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: раҳбар, адолат, давлат, миллат, халқ.

Ключевые слова: лидер, справедливость, государство, нация, народ.

Key words: leader, justice, state, nation, people.

Дүньяда миллет, халық, мәмлекет көп, бирақ раўажланыў ҳәр қыйлы. Бир мәмлекетлер алдыда болса, айрымлары ҳәм арқада яғный төмен тәризде турмыс кеширип атыр. Мәмлекеттиң раўажланыўы бул тараўларға байланыслы, яғный экономикалық, сиясый, социаллық, мәдений салаларында алып барылып атырған басқарыў системасының туўры жолға қойылыўы жүдә әҳмийетли болып есапланады. Мәмлекет алдына қойған мақсетлерине ерисиў ушын мәмлекеттиң ҳәр бир тараўын басқарыўда әдалат орнатылса, басшылардың қәлбинде әдалат пазыйлети қәлиплескен болса, сол тараўда, сол жәмийетте, сол мәмлекетте раўажланыў болады.

Әдалат бул – социал-философиялық, руўхый ҳәм ҳуқуқый түсиник. Әдалаттың социал-философиялық тәрепи жәмийет ағзаларының ҳәр түрли қатнасықларындағы өз ара теңлигин нәзерде тутады. Руўхый тәрепи инсанлардың өз ара әдеп-икрамлылық қатнасығында бирдей қатнасықта болыўын, бир-бирин ҳүрмет етиўи, әдеп-икрамлылық қағыйдаларына әмел етиўди билдиреди. Әдалаттың ҳуқықый тәрепи нызамларға бойсыныўды, басқалардың ҳуқықларын ҳүрмет етиўин аңлатады. Әдалат - инсанлардың социал-сиясый санасында үлкен роль ойнайды. Раўажланған мәмлекетте әдалат адамлардың демократик қағыйдалар тийкарында ис алып барыўын талап етеди, онда ҳәр бир адам өз мийнети, исбилерменлиги, ақыл-зейинлилиги есабынан тапқан мал-мүлки арқалы жасайды.

Әдалат, ҳуқуқ ҳәм нызам бир-бири менен үзликсиз байланыслы буның айқын дәлили сыпатында ҳүрметли Президентимиз Ш.М.Мирзиёевтың «Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларин таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови» атлы китабында «Биз «Әдалат –нызам үстинлигинде» деген принцип тийкарында жәмийетимизде нызамға ҳүрмет, ҳуқуқбузарлыққа гүресиўшеңлик сезимин күшейтиўге қаратылған жумысларымызды тезлик пенен даўам еттиремиз» [1:11] деп келтирип өткен еди. Жәмийетте турақлылықты тәмийинлеў, халқтың разы болып жасаўында, әлбетте, адалат ҳәм нызам үстинлиги тәмийинлениўи керек. Нызам үстинлиги орнатылса, бул әдалаттың орнатылғанлығы есапланады. Қабыл етилип атырған нызамларға ҳүрмет руўхында болсақ, оларға әмел етсек ҳәр биримиз жәмийет ағзасы сыпатында әдалаттың қәлиплесиўине үлес қосқан боламыз, себеби нызамлар халқтың мәпин гөзлеп, олардың ертеңги күни мүнәсип турмыс шараятын ойлап қабыл етиледи.

Уллы бабамыз, Амир Темур өзиниң «Темур Түзиклери» китабында мәмлекетти басқарыўда «Енди мениң атақлы бахтлы перзентлерим ҳәм мәмлекетлерди басып алыўшы ақлықларыма жол-жорығым соннан ибарат, мен он еки нәрсени өзиме уран етип алып салтанат дәрежесине еристим. Усы он еки **түзүк** жәрдеминде мәмлекетимди қолымнан тутып, салтанатымды басқардым ҳәм салтанат тахтына гөззалық бердим. Олар ҳәм усы түзүкге әмел етсин. Мениң ҳәм өзлериниң мәмлекет салтанатларын абайлап асырасын» [2:30] деп атап өткен еди.

Бабамыздың мәмлекетти басқарыўда әдалаттың орны жүда әҳмийетли екенлиги халқымызға мийрас болып қалған ҳәр бир китабында қайта-қайта жазып қалдырған. Әдалатқа өзиниң «Темур түзүклер» китабында – әдалат ҳәм инсап пенен Таңримниң жаратқан бенделерин өзимнен разы кылдым. Гүналыға ҳәм, гүнасызға ҳәм реҳим менен, ҳақыйқатлық тәрептен ҳүким шығардым. Қайырқомлық ислерим менен инсанлардың кеўлинен орын алдым. Сиясат ҳәм инсап пенен әскерлеримди, халық үмит ҳәм қорқыныш арасында тутып

турдым. Пуқара ҳәм қол астымдағыларға реҳим еттим, әскерлеримге саўғалар бердим.

Залымнан жәбирленгенниң ҳақын алдым. Залым жеткерген материаллық ҳәм физикалық зыянларды сыпатлағанымнан кейин, оны шәриятқа муўапық екеўи ортасында додаладым ҳәм бир гүнакардың орнына басқасына азап бермедим.

Маған жаманлықлар етип, басымның төбесинде қылыш көтергенлер, жумысқа көп зыян жеткергенлерди де егер олар сыйынып тәўбе етип келсе, ҳүрметлеп, жаман қылмысларын есимнен шығардым. Мәртебелерин асырдым. Олар менен қатнасықта сондай жол туттым, егер ядында маған деген қорқыў болса, улыўма умытар еди» [2:31]. Басқарыўды бундай терең ислеп шығылған түзикте әдалат пенен инсаптың барлық ўақыт ажыралмас екенлиги, халқын разы етиўи, халқын тендей көриўи, кимдур гүнакар болса кимдур гүнасыз оларды жазаласам әдалат өлшемлери менен жазаладым, егер кимдур жаманлық ислесе, оны жаманлық пенен емес жақсылык пенен қайтардым бул инсанлардың қәлбин жақсылық булағы менен суўғарылыўы, бунда мәмлекеттиң әдалат тийкарында басқарылыўы, оның халық ушын, мәмлекет ушын, улыўма инсаният ушын ең уллы пазыйлет екенин айқын көрсетип берген.

Әдалат ҳаққында муқәддес динимизде де ибратлы қатарлар келтирилген. Әдалат ҳаққында «Мухаммед Пайғамбар мынадай деген: «Әдалатлық Алланын жердеги тәрезиси, ҳәр ким әдалатлы болса, онда ол тәрези оны бейишине баслайды. Ким әдалатлықтан алысласа, онда ол дузаққа түседи» [3:102].

Халқымызда әжайып, «Әдил бий халқы ушын шабады, Залым бай қалта ушын шабады» деген нақыл бар шынында да бул терең мазмунға ийе. Әдалатлы бий болса, ол халықты ойлайды, олардың жақсы турмыс шәраяты ушын гүреседи, халқтың жасын-үлкенин, кәмбағалын ҳәм байларын бирдей көрип, теңдей катнаста болады, залым байлар болса, ол тек ғана жеке өзиниң тамағын, өзиниң байлығын көбейтиўин ойлайды.

Жәҳәнде халық көп бирақ ҳәмме ушын әдалат пазыйлети теңдей. Әдалат гүреси ушын тарийхтан белгили қаншама урыслар болған, қаншама қаҳарманлар жоқары инсаный пазыйлет әдалат ушын жанын пидә еткен. Өзбекстан Республикасының Биринши Президенти «И.А.Каримовтың айтқанындай: Халық ашаршылыққа шыдаўы мүмкин, лекин әдалатсызлыққа шыдай алмайды» [3:102] ҳақыйқатында да инсан әдалатсызлыққа шыдай алмайды, егер де әдалатсызлық жүз берсе өзимди тутып тура аламан деген адамда бундай ҳәдийсеге немқурайлылық пенен қарап турмайды. Өзиниң белгили дәрежеде мүнәсибетин билдиреди.

Сондай-ақ, «Ҳадисте: Ақыр заманда Қудайдың алдында байлаўлы қолы менен турмайтуғын ҳеш бир басқарыўшы болмайды. Оны өзиниң жеке әдалатлығы қутқарады, оның жеке әдалатсызлығы азаплайды» [3:102] деп көрсетилген.

Инсан белгили лаўазым ийеси болғаннан кейин, өзинде әдалат пазыйлетин еле де беккемлеў керек. Себеби, инсан өзи қәлеп яки қәлеместен онда менменлик яки басқалардан өзин үстин көриў гүзетиледи. Бундай ўақыялар унамсыз ақыбетлерди алып келеди.

Жуўмақлап айтқанда, жоқарыда көрсетилип өтилген басқарыў жол-жорықлары ҳәм ҳикметли сөзлерди ҳәр бир басшы қәлбине сиңдире алса, оларды күнделикли жумыс барысында әмел етсе, қол астындағыларға әдалат пенен қатнаста болса, өзиниң жәмәәтине сөзсиз унамлы тәсирин тийгизеди.

Әдебиятлар

1. Мирзиёев Ш.М. «Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халк фаровонлигининг гарови». -Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. 11-б.
2. «Темур тузуклари». 31-б.
3. Базарбаев Ж., Дәўлетова Қ. Әдептаныў. –Нөкис: «Билим», 1994. 83-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада адолат тамойилларига асосланиб, давлат ва бошқа соҳаларни бошқарадиган раҳбарларнинг барча соҳалардаги ривожланиши ва бошқариш амалиётлари ўрганиб чиқилган. Давлат раҳбарининг қонун устуворлиги, юрт тараккиёти, халқ фаровонлиги ва инсон манфаатларини таъминлашда олиб бораётган ташаббуслари ҳақида фикрлар келтирилган. Шунингдек, "Темур тузуклари" китобидан кўплаб мисоллар келтирилиб, талкин қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются развитие и методы управления во всех сферах, при этом лидеры управляют государством и другими секторами на основе принципов справедливости. Представлены мнения о верховенстве закона, развитии страны, благосостоянии людей. Также в статье рассматриваются много примеров из книги «Устав Темура».

SUMMARY

The article examines the development and management practices in all areas, with leaders running the state and other sectors based on the principles of justice. Opinions on the rule of law, the development of the country, and the well-being of people are presented. Also, the article discusses many examples from the book "Temur's Charter".

SHEBER PEDAGOG QANDAY BOLÍWÍ KEREK?

N.E.Ernazarov - *magistrant*
Ájiniyaz atındaǵı Nókis mámleketlik pedagogikalıq institutı

Tayanch so'zlar*:* professionallik daraja, intellektuallik, pedagogika, maxsus, individual, master-klass, texnologiya, mas'uliyat.

Ключевые слова: профессиональный уровень, интеллектуальность, педагогика, специальный, мастер-класс, технология, ответственность.

Key words: professional level, intelligence, pedagogy, special, individuality, master-class technology, responsibility.

Xızmet barısında hár qanday pedagogta erte me, kesh pe "Qalayınsha oqıwshılar húrmetleytuǵın, jaqsı kórip sıylaytuǵın pedagog bola alaman?» «Jaqsı nátiyjege, joqarı dárejege erisiwim ushın qanday qásiyetlerge iye bolıwım hám nelerdi ózlestiriwim kerek» degen sorawlar payda boladı. Bul sorawdıń sheshimin tabıw ustazlıq kásibin iyelewge shekem eń áhmiyetli mashqalalardıń biri.

Házirgi waqıtta elimizde hár qanday tarawda professional kadrlardı jetilistirip shıǵarıwǵa arnalǵan siyasat ustazlıq kásibin de shetlep ótken joq. Sebebi, oqıtıwshılıq kásibi zamanagóy dúnyadaǵı eń áhmiyetli kásiplerdin biri bolıp, insan hám ilim ortasındaǵı baylanıstı ornatıwshı, insaniyat civilizaciyasınıń keleshegi esaplanadı.

Oqıw procesin joqarı dárejede ámelge asırıwǵa baǵdarlana otırıp, jańa pedagogikalıq texnologiyalardı ózlestirgen mánáwiy hám ruwxiy baylıqlarǵa iye bolǵan qábiletli qánigelerdi jetilistirip shıǵarıw hám olardı tálim sistemasına qamtıp alıw bilimlendiriw sistemasınıń tiykarǵı waziypasınıń biri bolıp kelmekte.

Solay eken, biz bul maqalamızda zamanımızdıń talabına say hár tárepleme rawajlanǵan professional pedagogtıń xızmet alıp barıwıń túrlishe kózqarastan hám hárqıylı jaǵdaylarda kórip shıǵıwdı maqul kórdik.

N.A.Neudaxina «Основы педагогического

мастерства» atlı miynetinde “Pedagogtıń jetiliskenliginiń 70-80 payızı onıń professionallıq sheberligine baylanıslı” [3:106] degen pikirdi bildirgen. Pedagogikalıq sheberliklerdi bolajaq pedagog talabalıq dáwirinen baslap-aq ózinde sińdire alǵan bolıp, bilim alıwǵa umtılıwshılıq, óz ústinde nátiyjeli jumıs islew, intelektuallıq hám aldıńǵı pedagogikalıq texnologiyalardan paydalana alıw kónlikpesi de bolıwı zárúr. Álbette, bul zárúrliklerdi toltıra alǵan óz qánigeliginiń mamanın professional dep ataymız. Usı orında professional oqıtıwshı qanday bolıwı kerek degen sorawǵa tómendegishe juwap izlep kóremiz. Menińshe, jańa pedegogikalıq texnologiyalardı ózlestirip turıwshı, etika hám estetikalıq nızamlılıqlarǵa juwap beriwshi, pedagogikalıq sheberlikke iye hám de olardan unamlı paydalanıwshı oqıtıwshı degen ataqqa ılayıq. Professional pedagog ol súwretshi, artist, jazıwshı, shayır hám barlıq waqıtta izleniwde júrgen talaba. Dóretiwshilik jolında júrip talaba, oqıtıwshı hám jámiyet úlgisi sıpatında ózligin jaratatuǵın insan. Sebebi, pedagogikalıq xızmet túrlishe reńde, formada, ólshemde tańlanıwı kerek bolǵan bólimlerden ibarat mozaykaǵa uqsaydı.

«Pedagogikalıq sheberlik» túsinigi «professionalizm» hám «klavikaciya» (tájiriybe) sózleri menen sinonim bolıp oqıtıwshınıń nátiyjeli xızmetin támiyinleytuǵın ulıwma bilimi, ámeliy kónlikpeleri, shaxstıń professionalıq sıpatlarınıń quramalı birlesiw sıpatların ańlatadı. **Professionalizm degen ne ? –** bul jámiyette bar bolǵan standartlar hám obyektiv talaparǵa juwap beretuǵın professionallıq xızmettiń psixologiyalıq sistemasın ózlestirgen dáreje.

Professional pedagogtıń xızmeti qanday bolıwı kerek? - Óz kásibine juwapkershilik penen qarap, oqıwshılar menen doslıq múnásibet ornatıp, olardıń bilim alıwı, dóretiwshilik xızmeti menen shuǵıllanıwı ushın qızıǵıwshılıǵın oyatıp, oqıtıw procesinde erkin pikirlewge hám juwmaǵında unamlı nátiyjege eristire alıw professional pedagogtıń xızmeti esaplanadi. Bul xızmetti tolıq atqarıwshı professional pedagog bir waqıttıń ózinde eki túrli qarama-qarsı sıpatlardan paydalana alıwı kerek bolǵan shaxs, bular álpayımlıq hám qattı qollıq, usi sıpatlardı óz ornında paydalanıw hám kombinaciyalaw oqıtıwshınıń sheberligine baylanıslı. Sheber pedagog jańa maǵlıwmatlar bazasın jańalap hám tájiriybesin tez pát penen rawajlandırıp baradı. Bul ózgerisler tálim mashqalalarıń sheshiwinde jaqsı nátiyje berip, pedagogtıń háreketinde, emociyasında hám kúndelikli xızmetinde kórinedi.

Бизиӊ алдымызда қурамалы системаны әпиўайы системадан парықлы түрде изертлеў, мысалы туўры сызықлы форма, қубылысларды емес ал, қурамалы, есаплап болмайтуғын, түсиндирип болмайтуғын процесслерди элементлер жәрдеминде шешиў турады. Кеӊислик ҳәм ўақыт шеӊберинде қурамалы система менен бир қатарда әпиўайы системада өмир сүреди. Қурамалы системаны үйренсек бизге әпиўайы система шәрт емес. Қурамалылықты системаныӊ өзине уқсас элементлер жәрдеминде анализлеў қолайлықты келтирип шығарады. Және соны айтып өтиў керек ҳәр қандай системаныӊ барлық элементлери фрактал функцияны орынламайды. Себеби фракталлар көбирек қурамалы системаларда роли артып барады. Системаны дүзиўши барлық элементлер фрактал қәсийетке ийе болса онда системаныӊ мазмуны шекленеди, элементлердиӊ орны ҳәм роли артып барып система тарқалады.

Система менен элементлер структуралар жәрдеминде байланыс орнатады. Егер элементлер система көлемине теӊ болып қалса, система ыдырайды ҳәм басқарыў жойтылады. Сол ушында элементлер системаны қурап, форма менен мазмунды сәйкесликте услап турса, онда система узақ өмир сүриўине алып келеди.

Қурамалы системаны изертлеў, системаныӊ өзине уқсас элементлери ҳаққында, фракталлар бойынша конкрет пикир билдирген алымлардан Бенуа Манделброт, И.Пригожин, Князева Е.Н., Курдюмов С.П., Каримов Б., Файзуллаев О., Д. Базаровлардыӊ мийнетлеринен фактлер алынды.

Инсан қурамалыға қарағанда әпиўайы, аӊсатты жақсы көреди. Бирақ бул зериктирерлик. Биз туўры сызықлы классикалық ойлаўды яғный детерминизм ойлаўды билемиз, енди ол дүнья ҳәм оныӊ ҳәдийселерин түсиндириўге ҳәлсиз. Системадағы түсиниксизликти системаныӊ элементи жәрдеминде улыўма қурамалы, түсиниксиз системаны түсиндиремиз. Қурамалы, тосыннан болған, қыйсықлықты, түсиниксизликти, бир тегис емесликти изертлеў қызығыўшылықты арттырады және үйрениўге түртки береди.

Улыўма қурамалы системада фракталлар бар болып, қурамалы система адам, тәбият, жәмийет бойынша билимге ийе болыў ушын системаныӊ элементи системаныӊ мазмунын ашып бериў қәсийетине ийе екенлиги ҳаққында улыўмалық түсиник берилди. Және ол тезис ҳәм мысаллар менен байытылды. Мысалы, тәбияттыӊ элементи сыпатында адамды алып қарасақ, адамда қурамалы тәбияттыӊ қәсийети, мазмуны қандай да өлшемлер тийкарында бериледи. Жаўын-қайғырыў, жылаў, қәҳәр-даўыл, күнниӊ жарқыраўы-кеўилдиӊ көтерилиўи ҳәм т.б минез-қулққа байланыслы ҳалатларды ушыратыўымызға болады. Система сыпатында теректи алып оныӊ шақаларын, жапырақларын 3 өлшемли (узынлық, ени, бойы) геометрия менен есаплаў қыйыншылықларды келтирсе, фрактал геометрия менен оны анализлеў аӊсат. Себеби, терек шақасын алып, ол терек туўралы мағлыўматты, теректиӊ моделин береди ҳәм кишкене моделди изертлеў бизди қыйыншылыққа ушыратпайды. Қурамалы системаны әпиўайы усыллар жәрдеминде изертлеўде қурамалы системаны толығы менен ашып бермейди. Мысалы, барлық нәрсени система деп алып қарасақ, оныӊ элементлери барлық системаныӊ мазмунын бермейди.

Пүтинниӊ бөлеги пүтинниӊ мазмунын алып жүрсе онда ол сондай қурамалы процесс, ишки жасырын энергияныӊ бар екенлигин ҳәм оныӊ жүзеге шығарылыўы шәртли екенлигин билиўимиз тийис.

Жуўмақлап айтқанда, қурамалы системаларды тосыннан жүз беретуғын ҳәдийселерди түсиндириўде, үйрениўде қыйыншылыққа ушыраймыз. Сол себепли системаныӊ элементлерине әҳмийет берип қараў нәтийжесинде жаӊа билимлерди қәлиплестиремиз. Қурамалы, тәртипсиз, хаос үстем сүрген системада фрактал қәсийетлерден пайдаланыў, яғный системаныӊ өзине уқсас элементлерин үйрениў нәтийжесинде дүньяныӊ процесслерин тәртипке салыўда, қурамалылықты шешиўде роль атқаратуғынлығын көриўимизге болады.

Әдебиятлар

1. Файзуллаев О. Фалсафа ва фанлар методологияси. Ўзбекистон Республикаси ФА И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти. - Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ. 2006, 92- б.
2. Каримов Б.Р. Синергетика ва эвристиканинг илмий билиш жараёнидаги ўрни. Синергетик парадигма: муаммо ва имкониятлар (илмий-назарий семинар материаллари). -Тошкент: 2013.
3. Пригожин И., Николис Г. Познание сложного. Введение. Серия "Синергетика: от прошлого к будущему". Перевод с английского. Изд.2. – М.: Изд Едиториал УРСС, 2003, -С. 5.
4. Мандельброт Б. Фрактальная геометрия природы. –Москва: Институт компьютерных исследований. 2002.
5. Князева Е.Н., Курдюмов С.П. Синергетика: Нелинейность времени и ландшафты коэволюции. –М.: УРСС, 2007. -С. 202.

РЕЗЮМЕ

Мақолада инсон, табиат ва жамиятдаги мураккаб ҳодисаларни акс эттиришда замонавий фан доирасидаги синергетика методологиясининг фрактал усули ёрдамида унинг моҳияти тушунтирилган. Фанлар аро вужудга келган синергетиканинг ночизиқли, очиқ, ўзин-ўзи ташкил этувчи ҳолатлари анализланган. Синергетик усули ёрдамида ўзин ташкил этувчи тизимларнинг фрактал ҳосиятлари инсон борлиги, жамият ва табиат ҳодисалари мисолида кўрсатилган. Асосан фалсафа, тизимли анализ ва методология масалалари билан қизиқувчиларга тавсия этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье объясняется важность синергетической методологии в современной науке с использованием фрактального метода в отражении сложных явлений в человеке, природе и обществе. Анализируются нелинейные, открытые, самоорганизующиеся кейси междициплинарной синергетики. Фрактальные свойства самоорганизующихся систем с использованием синергетического метода показаны на примере человеческого существования, общества и природных явлений. В основном рекомендуется для тех, кто интересуется философией, систематическим анализом и методологией.

SUMMARY

The article explains the importance of synergetic methodology in modern science using the fractal method reflecting complex phenomena in man, nature and society. Nonlinear, open, self-organizing cases of interdisciplinary synergetic are analyzed. The fractal properties of self-organizing systems using the synergetic method are shown using the example of human existence, society and natural phenomena. Mainly recommended for those interested in philosophy, systematic analysis and methodology.

INGLIZ TILINI O'QITISHDA YOZMA TILNI RIVOJLANTIRISH UCHUN KOMMUNIKATIV USULNI QO'LLASH

S.Habibnazarova – *assistent o'qituvchi*
Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti

Tayanch so'zlar: boshqariladigan yozuv, qo'llanma asosida yozish, erkin yozish, mustahkamlash uchun yozuv, yozuvga tayyorgarlik, yozish faoliyati.

Ключевые слова: контролируемое письмо, управляемое письмо, свободное письмо, подкрепляющее письмо, подготовительное письмо, деятельностное письмо.

Key words: controlled writing, guided writing, free writing, reinforcement writing, preparation writing, activity writing.

Yozuv jamiyatda turli vazifalarni bajargan. Odatda madaniy bilimlarni uzatish, tarixiy faktlar yoki ilmiy ishlanmalar qaydlarini yuritish, qonunlarni kodlash va h.k. uchun ishlatiladi. Kundalik hayotda yozuvlar ma'lumot almashish (gazeta), o'yin-kulgi (komikslar, kompyuter o'yinlari), ijtimoiy aloqa uchun ishlatiladi. (elektron pochta xabarlari, SMS) va harakat uchun (telefon ma'lumotnomalari).

Yozayotganda aniqlik va ravonlikni farqlashimiz kerak. To'g'ri yozish, harflarni to'g'ri shakllantirish, tushunarli yozish, to'g'ri talaffuzdan foydalanish, maketlardan to'g'ri foydalanish va so'z boyligini tanlashni o'z ichiga oladi. Shuningdek, biz grammatikani to'g'ri ishlatishimiz, jumlalarni to'g'ri qo'shishimiz va paragraflardan to'g'ri foydalanishimiz kerak. Yuqorida aytib o'tganimizdek, biz yozganimizda xabarni etkazamiz. Xabarni etkazish quyidagilarni anglatadi: masalan: kimningdir tajribasini ifoda etish, salomlashish yoki taklifga javob berish.

Shuning uchun biz aniqlik va ravonlik ham yozma ravishda juda muhimligini ta'kidlashimiz mumkin va uni o'rgatish paytida biz ikkalasiga ham e'tibor qaratishimiz kerak.

Til o'qituvchisining maqsadi o'quvchilarga ravon, tushunarli, to'g'ri va mos yozma ingliz tilini rivojlantirishga imkon berishdir. Ammo bu ingliz tili o'qituvchilari uchun talabalar har xil darajada bo'lgan aralash qobiliyat sinflarida mashaqqatli ish.

G. Brouton fikriga ko'ra ingliz tili o'qituvchilari yozuvning uch bosqichidan foydalanishlari mumkin:1. boshqariladigan yozuv, 2. yozma qo'llanma, 3. erkin yozuv [1:27].

Boshqariladigan yozuv (Controlled writing)

Yakuniy mahsulot bo'lgan yozish mashqlarini farqlash oqilona lingvistik jihatdan o'qituvchi tomonidan belgilanadi va yakuniy mazmuni bo'lgan mashqlar aniqlanadi. Shunday qilib, nazorat ostida yozish orqali G. Broughton, masalan, o'qituvchi tomonidan taqdim etilgan modelni eslatib turadigan yoki eslab qoladigan bo'sh joy bilan xatboshini to'ldirish kerak bo'lgan mashqlarni tushunadi.

Yozma qo'llanma (guided writing)

O'qituvchi vaziyatni ta'minlaydigan va yozma ishlarni tayyorlashda sinfga yordam beradigan matnni qo'llabquvvatlaydi. Ishning har bir qismi turlicha tilda ishlatiladi.

Erkin yozuv (free writing)

Erkin yozish orqali biz sarlavha berilgan va hamma narsa talabalar tomonidan bajariladigan yozuvni tushunamiz.

Bundan tashqari, G.Brouton yozish ko'nikmalarini o'qitishda muvaffaqiyat qozonish uchun o'quvchilar boshqariladigan yozuvdan boshlanishiga va boshqariladigan mashqlar bilan ishlashga ishonchlari ortib borganlarida, ko'proq boshqariladigan yozuv mashqlari mavjud bo'lishiga ishonch hosil qilish kerak, deb ta'kidlaydi [1:30].

Ingliz tili o'qituvchilari bilishi kerak bo'lgan yana bir jihat - bu funktsional uslub yoki ro'yxatdan o'tish. Shuning uchun, o'qituvchilar, agar ular muvaffaqiyatli bo'lishni istasalar, talabalar uchun foydali bo'lishi mumkin bo'lgan konvensiyalar va uslublarni tanlashlari kerak. Ammo o'quvchilarga tilni ishlatishda talab qilinadigan katta sezgirlik o'qishdan kelib chiqqan holda ongsiz ravishda rivojlanadi.

Yozish mahoratini o'rgatishda o'qituvchi muhim omil hisoblanadi. O'quvchilarga topshiriq berishdan oldin o'qituvchi ushbu topshiriq talabalar ehtiyojiga mos keladimi yoki yo'qmi, vazifa talabalar darajasida, vazifa ularning darajasidan sal yuqoriroq ekanligini tekshirishi kerak.

Yozma ish bilan shug'ullanishda G.Brouton o'qituvchiga vazifani quyidagi usullarda baholashni taklif qiladi (ushbu strategiyalar o'qituvchiga darsni tashkil qilishda yordam beradi va har qanday kombinatsiyada ishlatilishi mumkin):

a) ishlab chiqariladigan yozma materialning uzunligini cheklash;

b) topshiriq uchun sinfga tayyorgarlik hajmini oshirish;

c) yozma ishning yakuniy shakli bo'yicha ko'rsatma berish, masalan rasmli ko'rsatmalar yoki xotira buyrug'i bilan;

d) o'quvchilarni haqiqiy yozish jarayonida hamkorlik qilishga undash;

e) qoralama bosqichi va yakuniy ishni yozish o'rtasida o'zaro tekshirishga ruxsat berish;

f) yozish vazifasining o'zi murakkabligini cheklash;

g) topshiriqni sekin yoki tez bajarilishini talab qilish [1:32].

O'quv uchun yozishda talabalar asosan grammatikani va tilning so'z boyligini o'rganish uchun yozadilar.

Keyinchalik J.Harmer yozishni o'rganish uchun quyidagilarga ajratadi:

1. mustahkamlovchi yozuv
2. tayyorgarlik yozuv
3. faoliyatli yozuv

1. Mustahkamlash uchun yozuv (Reinforcement writing)

Bu o'quvchilarga grammatikadan foydalanib jumla yozishni so'raladigan oddiy shakli, yaqinda o'rgangan, tilning yaqinda yo'naltirilgan jihatlariga amal qilish uchun paragraflar yoki uzunroq kompozitsiyalar yozish. Talabalardan, shuningdek, o'tmishda sodir bo'lgan voqealar haqida hikoya yozishni (o'tgan zamonlarda mashq qilish) yoki taniqli kishining xarakteri va fizikaviy ta'rifi lug'atidan foydalangan holda tavsifini yozishni so'rashlari mumkin. Ushbu bosqichning maqsadi talabalarga yaxshi o'rgangan yangi tillarini mashq qilish va eslab qolish imkoniyatini berishdir. Ushbu mashqlarni yozish harakati ularni yangi lug'at yoki grammatika haqida o'ylashga majbur qiladi.

2. Yozishga tayyorlanish (Preparation writing)

Ikkinchi tilni o'rganayotganda, ba'zida boshqa ishlarga tayyorgarlik sifatida yozuvdan foydaliroq bo'ladi. J.Harmer, masalan, o'quvchilarga muhokamani tayyorlashni so'raganda, yozuvga tayyorlanishini taklif qiladi. Gaplarni yozish "o'quvchilarga bir zumda ravon fikrlar bilan chiqish o'rniga fikrlarni o'ylash uchun vaqt beradi, bu ko'pchilik, ayniqsa quyi pog'onalarda qiyin va noqulay" [2:33]. Xarmer foydalanishni taklif qiladigan yana bir usul bu o'quvchilarning argumentlarini tayyorlash uchun guruhlarda suhbatlashishdir. Talabalar muhokama paytida foydalanishi mumkin bo'lgan yozuvlarni yozib olishlari samarali bo'ladi. Bu erda biz aralash qobiliyat sinflarida yozishni o'rgatishning yaxshi usuli ekanligini ta'kidlashimiz mumkin. Yozishga tayyorgarlik gapirishga unchalik ishonmaydigan zaif yoki uyatchan talabalar uchun muhim yordam bo'lishi mumkin.

3. Yozish faoliyati (Activity writing)

Yozma nutq amaliyoti, tez ijro etish yoki so'zlash kabi boshqa narsalarga qaratilgan mashqlarda qo'llaniladi. Mashlarni yozish, o'quvchilar o'zlarining suhbatlarini sahnalashtirishdan oldin yozishni so'ragan mashqlar bilan ishlatiladi. Talabalar suhbatni sahnalashtirishdan oldin ularni rejalashtirish va yozish uchun foydalidir. Boshqa turlari - bu anketa turi. Talabalar guruhlari anketani tuzadilar, so'ngra ular o'zlarining hamkasblariga tayyorlagan savollarini berib, sinf atrofida aylanadilar. Ular javoblarni yozadilar va keyinchalik talabalar o'zlari aniqlagan narsalar haqida xabar

berishadi. Mashni yozishdan maqsad o'quvchilarga boshqa mashg'ulotlarni bajarishda yordam berish uchun yozuvlardan foydalanishdir, ammo "o'quvchilar ushbu ishlarni bajarish uchun yozishni bilishlari kerak, ammo mashg'ulotlar o'quvchilarga yozishni o'rgatmaydi" [2:33].

O'quvchilarga o'z yozuvlarini takomillashtirishda yoki yaxshi yozuvchi bo'lishlarida yordam berishda o'qituvchi juda muhim rol o'ynaydi. U sinfga tilni olib keladi, o'quvchilar tiqilib qolganda ularni qo'llab-quvvatlaydi yoki ularni baholaydi.

O'qituvchilarning vazifalari qatoriga J. Xarmer qo'shadi:

Namoyish: Talabalar yozish faoliyatiga jalb qilinganida, ular yozish qoidalari va janr cheklovlari to'g'risida xabardor bo'lishlari kerak. O'qituvchining vazifasi bu xususiyatlarni ularning e'tiboriga jalb qilishdir.

Rag'batlantirish va qo'zg'atish: Ba'zan talabalar yozish paytida tiqilib qolishadi va qanday boshlashni yoki davom ettirishni bilishmaydi. Keyinchalik, o'qituvchining vazifasi o'quvchilarga yordam berish, rag'batlantirish yoki rag'batlantirish va yozish yoqimli faoliyat bo'lishi mumkinligiga ishontirishdir. Talabalar nima qilishni bilmay qolishganda, talabalar uzoq vaqt o'ylashlari uchun emas, balki ular uchun takliflar tayyorlash yaxshidir. Talabalarni qanday qilib jalb qilishning bir necha yo'li mavjud. Ulardan biri o'quvchilarga mashg'ulotni yozishni boshlash uchun zarur bo'lgan bir nechta so'zlarni berishdir. Vaqti-vaqti bilan o'qituvchi o'quvchilarga mashg'ulotlarni boshlash uchun zarur bo'lgan bir nechta so'zlarni berib yuborishi mumkin.

Qo'llab-quvvatlash: qo'llab-quvvatlash o'qituvchining eng muhim vazifalaridan biridir. Talabalar juda ko'p yordam va ishonchga muhtoj, shuning uchun o'qituvchilar talabalar sinfda yozayotganda ularni qo'llab-quvvatlashlari va muammolarni engishda talabalarga yordam berishga tayyor bo'lishlari kerak.

Javob berish: J. Xarmer javob berish orqali talabalarning yozma ishlarining tuzilishi va mazmuniga munosabat bildirishini tushunadi. O'qituvchilar takomillashtirish bo'yicha takliflar berishadi, lekin ishni baholamaydilar yoki baholamaydilar. Maqsad o'quvchilarga ularning qay darajada o'qiyotganliklarini aytib berishdir. O'qituvchi, shuningdek, o'quvchilarning tildan foydalanishiga oid taklif va mulohazalarini bildirishi mumkin. O'qituvchi ularning asarlarini o'qishni qanchalik qadrlashi va o'quvchilar bilan muloqotga kirishishi bilan javob berishi mumkin. O'qituvchi, shuningdek, o'quvchilarni bir-birining ishiga qarashga va o'z yozuvlarini yaxshilash bo'yicha maslahat yoki takliflarni so'rashga undashi mumkin.

Baholash va tuzatish: Ko'p o'qituvchilar o'z o'quvchilarini baholash eng mashaqqatli ish deb aytishadi. Talabalarni baholashda ko'plab vaziyatlar mavjud. Barcha talabalar hozirgi kunga qadar qanday ishlashlarini, nimani yaxshilash kerakligini va qanday standartga erishganlarini bilishni istaydilar. Sinovlarni baholashda o'qituvchi nima yaxshi yozilganligi va qaerda xatolarga yo'l qo'yilganligini ko'rsatadi. O'qituvchi belgilangan ishni qaytarib berganda, talabadan ajratilgan xatolarni ko'rib chiqishi va ularni to'g'rilashga harakat qilishi kerak.

Mulohaza ham bu erda juda muhimdir. O'qituvchi tuzatganda, u aslida bir nechta rollarni o'ynaydi [3:109] talabalar o'qituvchini imtihonchi deb bilishadi, aslida o'qituvchi auditoriya rolini o'ynaydi (g'oyalarga javob beradi), u yordamchi vazifasini bajara oladi (o'quvchilarga yozishda yordam beradi), manba (mavjud bo'lganda mavjud talabalar ma'lumotga muhtoj), baholovchi (o'quvchilar shu paytgacha qanchalik yaxshi ishlashganligini aytishadi) va muharrir (talabalarning yozganlarini tanlash va o'zgartirishga yordam beradi).

O'qituvchining xato tuzatish usuli ham muhimdir. Jeremy Harmer xato tuzatish yondashuvining etti usulini taklif qiladi [2:34]:

1. Tanlab tuzatish (Selective correction)

Tanlab tuzatish o'qituvchi hamma narsani to'g'irlashi shart emasligini anglatadi. O'qituvchi faqat tinish belgilarini, fe'lning zamonlarini, grammatikasini tuzatishi yoki tegishli rasmiyatchilik darajasidan foydalanishga, to'g'ri xatboshilaridan foydalanishga va hokazolarga e'tiborni qaratishi mumkin. Yozishdan oldin talabalarga o'qituvchi ushbu yondashuvdan foydalanishini aytib berish muhimdir.

2. Belgilash o'lchovidan foydalanish (Using marking scales)

Ushbu yondashuv g'oyasi har bir toifadagi o'qituvchi talabalar uchun 10 dan baho tanlaydi (f.ex: grammatika, so'z boyligi yoki fe'l zamonlari). Xatolar alomatlari bilan ushbu o'lchov o'quvchilarni yaxshilanishi kerak bo'lgan sohaga e'tiborini qaratishga yordam beradi.

3. Tuzatish belgilaridan foydalanish (Using correction symbols)

Ko'p o'qituvchilar tuzatish belgilaridan foydalanadilar. Ushbu uslubning afzalligi shundaki, u o'quvchilarni yo'l qo'ygan xatolari haqida o'ylashga undaydi, aslida o'quvchilar xatolarni o'zlari tuzatadilar.

4. Qayta tuzatish (Reformulation)

Bu o'qituvchi o'quvchilarga to'g'ri yozishni ko'rsatishi mumkin bo'lgan usul. O'qituvchi noto'g'ri jumla yoki qismlarni qanday yozishini ko'rsatib beradi. Keyin talaba o'z variantini o'qituvchining varianti bilan taqqoslashi mumkin.

5. Talabalarni lug'at yoki grammatikaga yo'naltirish **(**Referring students to a dictionary or a grammar book)

Xatoga yo'l qo'yilganda, o'qituvchi talabadan, borib, muammoni grammatika kitobidan yoki lug'atdan ko'rib chiqishini so'rashi mumkin. O'quvchilarni lug'atlar yoki grammatik kitoblardan foydalanishga yo'naltirishning afzalligi shundaki, bu o'quvchilarni ma'lumotni maqsadga muvofiq ravishda ko'rib chiqishga undaydi. Talabalar ularni tuzatishda o'rganadilar.

6. Mendan so'rang yondashuvi (Ask me)

Vaqti-vaqti bilan xatoni qog'ozda tushuntirish qiyin. Bunday holda o'qituvchi talabalardan yuzma-yuz muloqotlardagi muammo haqida gaplashishini so'rashi mumkin.

7. Tuzatishni o'rgatish (Remedial teaching)

Tuzatishni o'rgatishning maqsadi o'quvchilar tomonidan eng ko'p uchraydigan xatolar bilan shug'ullanishdir. Bunday holda, o'qituvchi talabalar tomonidan eng ko'p uchraydigan xatolarga ishora qilganda va talabalardan xatolarni tuzatishni so'raganda tuzatish samarali bo'ladi.

Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki, yozuvni o'rganish qiyin mahoratdir. Biz o'quvchidan imloni to'g'ri yozishni va tinish belgilarini ham to'g'ri ishlatishni kutamiz. O'qishni iloji boricha osonlashtirish va o'qituvchilarni muvaffaqiyatli, ishonchli va talabalarni yozishga tayyor qilish uchun o'qituvchi quyidagilarni ta'minlash kerak: axborot - bu o'quvchilarga o'qituvchi nimani talab qilayotganini aniq va mantiqiy ko'rsatmalar berishini va mavzu tafsilotlarini aniq ko'rsatishini anglatadi; til - agar talabalarga biron bir aniq til kerak bo'lsa, ularga mashg'ulotdan oldin berilishi kerak, g'oyalar - o'qituvchilar o'quvchilar qanday boshlashni yoki davom ettirishni bilmayotganlarida yordam beradigan g'oyalarni taklif qilishlari kerak. "Yaxshi yozuv o'qituvchisining mahoratlaridan biri bu alohida talabalarni haddan tashqari tafsilotlari bilan siqib chiqmasdan takliflarni chiqara olishdir." [2:63].

Adabiyotlar

1. Broughton, Geoffrey., Brumfit, Christopher., Flavell, Roger., Hill, Peter., Pincas, Anita. Teaching English as a Foreign Language. London: Rutledge, 1980.
2. Harmer, Jeremy. How to Teach Writing.Harlow: Longman, 2004.
3. Harmer, Jeremy. The Practice of English Language Teaching. London: Longman, 1991.

REZYUME

Maqola ingliz tilini o'qitishning yozma nutq strategiyasi haqida. Yozma nutq to'rtta til qobiliyatlaridan biridir: o'qish, yozish, gapirish va tinglash. Yozma nutq unumli mahorat deb qaraladi, demak u tilni qabul qilish o'rniga ishlab chiqarishni o'z ichiga oladi. Maqolada yozuvning asosiy bosqichlari, tuzatishning etti usuli va o'qituvchilarning vazifalari berilgan.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются письменные стратегии в обучении английскому языку. Письмо - одно из четырех языковых навыков: чтение, письмо, устная речь и аудирование. Письмо считается продуктивным навыком, оно предполагает создание языка, а не его получение. Приведены основные этапы письма, семь способов исправления ошибок в письме и задания учителя.

SUMMARY

The given article deals with the writing strategies in teaching English. Writing is one of the four language skills: reading, writing, speaking and listening. Writing is considered to be productive skill that means, it involves producing language rather than receiving it. There are given main stages of writing, seven ways of correction and teachers' tasks.

O'QISH SAVODXONLIGINI RIVOJLANTIRUVCHI O'QUV TOPSHIRIQLARI MAZMUNINI TAKOMILLASHTIRISH

G'.H.Hamroyev - *pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori*
Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti
Sh.Murodova – *o'qituvchi*
Toshkent shahri, Yunusobod tumani 240-maktab

Tayanch so'zlar: matn, o'qish savodxonligi, nutqiy ko'nikmalar, savol va topshiriqlar, muallif maqsadi, matn mazmuni.
Ключевые слова: текст, читательская грамотность, речевые навыки, вопросы и задания, цель автора, содержание текста.
Key words: text, literary background, spoken interaction skills, questions and tasks, author purpose, text context.

Ta'lim tizimidagi asosiy muammolardan biri – bu o'quvchilarning badiiy asar mutolaasiga ishtiyoqsizligidir. Buning bir nechta o'ziga xos sabablari bor, albatta. Shulardan biri, asosiysi, o'qish savodxonligining pastligi, matnni tahlil qilaolmaslik natijasida ma'no tushunarsiz bo'lib, qiziqish so'nib qolmoqda. Bu o'rinda adabiyot o'qituvchilarining tahlilga no'noqligi ham natijaga salbiy ta'sir ko'rsatmoqda. "Shu kungacha hech kim boshlang'ich sinflarda va undan keyingi bosqichlarda o'qiyotgan o'quvchilarga qaysi sinfda nimani o'qitish maqsadga muvoffiqligini ilmiy nuqtai-nazardan asoslab bergan emas" [1:13].

Zero, mamlakatimiz rahbari ham "Yoshlarimizning mustaqil fikrlaydigan, yuksak intellektual va ma'naviy salohiyatga ega bo'lib, dunyo miqyosida o'z tengdoshlariga hech qaysi sohada bo'sh kelmaydigan insonlar bo'lib kamol topishi, baxtli bo'lishi uchun davlatimiz va jamiyatimizning bor kuch va g'ayratini safarbar etamiz" [2:57], – deya ta'kidlashi ona tili va adabiyot ta'limi oldiga o'z fikrini og'zaki va yozma shaklda erkin hamda ravon ifodalay oladigan, teran fikrlovchi ijodiy tafakkur sohiblarini tarbiyalashdek mas'uliyatli vazifani qo'ymoqda.

Ta'lim mazmuni sirasida o'quvchilarga taqdim etilayotgan bilimlar ularning ijtimoiy ehtiyojlarini qondira olishi, ularni ijodkorlikka, bunyodkorlikka undashi lozim [6:17]. Shu ma'noda, o'qituvchi, avvalo, ijodi o'rganilayotgan adibning yoki bo'lmasa, shoirning yashagan davri va o'shapaytdagi millat, jamiyat hayoti bilan bog'liq bo'lgan jiddiy muammolarni ko'z oldiga keltirishi lozim. Masalan, Maqsud Shayxzoda, O'tkir Hoshimov, Said Ahmad ijodini o'rganar ekanmiz, ularda ma'rifatchilik g'oyalari targ'ibini ko'rmaymiz. Nega? Chunki, ular ikkinchi jahon urushi davrida yashab ijod qilgan. Shuning uchun ularning asarlarida urushning asoratlari, bu davrdagi insonlar turmushi ochib berilgan. Yoki G'afur G'ulom, Abdulla Qahhor kabilarning ijodini tahlil qilishda ular yashagan davrni his etishingiz kerak bo'ladi. Negaki, "O'g'ri", "Mening o'g'rigina bolam" hikoyalari bejizga yozilmagan. Yoki "Bemor" hikoyasini esga oling! Bularda umumiylik borligini esdan chiqarmaslik lozim.

Endi "Uloqda" hikoyasiga kelamiz. Birinchidan, Abdulla Qodiriy kim? U qaysi davrda yashagan? Uning maslakdoshlari kimlar edi. Adib yashagan davrning katta muammosi nimalardan iborat bo'lgan? Zamondoshlari ijodida qaysi mavzu ko'proq qalamga olingan?

Mana shu savollarga javob topishimiz bilan biz tahlil qilmoqchi bo'lgan asar mazmuni oydinlasha boshlaydi. Keling, Qodiriyning "Uloqda" hikoyasini tahlil qilamiz.

Hikoya nomlanishidan boshlab to yakunigacha uloq voqeasi tasvirini beradi. O'quvchi bir qaraganda milliy qadriyatlarimizdan biri ko'pkarini yorqin, real ifodalab beribdi, deb o'ylaydi. Asar tuzilishi, nazariyasidan xabardor o'quvchi, o'qituvchi xursandchilk bilan qayg'uni bir paytda yonma-yon tasvirlash maqsadi bo'lgan degan xulosaga keladi. To'g'ri, asarni o'qib, undan qanday zavq olish, qanday xulosa chiqarish o'quvchining ixtiyorida, ammo ijodkorning maqsadini, g'oyasini anglash eng muhim masala hisoblanadi.

O'quvchi, to'g'rirog'i, o'qituvchi Qodiriyning jadid adabiyot vakili ekanini hech qachon unutmasligi lozim. Uning safdoshlari Cho'lpon, Fitrat, Avloniy kabilar. Millat fidoiylarining birdan-bir maqsadi xalqni ilm-ma'rifatli qilish ekanligini asar tahlilida nazarda tutish lozim. Shu o'rinda maslakdoshlarining ijodiga ham mavzuni bog'lash lozim. Masalan, Avloniyning mashhur "Turkiy guliston yoxud axloq" asarida "Tarbiya zamoni" fasli bor. Unda tarbiyani kimlar qilur, degan nihoyatda og'ir savolga ijodkorning o'zi javob beradi:

– Onalarmi, desak.

– Qaysi onalarni aytursiz?! Sochi paxmoq, qo'li to'qmoq onalarni ayturmisiz?! Ular o'zlarida yo'q tarbiyani qaydan berurlar?

– Xay, otalar-chi, desak.

– Qaysi otalarni aytursiz?! Karnaychi, surnaychi, to'ychi, bazmchi, do'mbirachi, uloqchi otalarni ayturmisiz?! Ular ilm uchun bir tiyin ham sarflashni istamaydi. Shular tarbiyalaydimi, degan ayanchli javoblarni beradi [3:18].

Endi "Uloqda" hikoyasiga qaytamiz adib mobodo xalqning qadimiy ko'pkari marosimini maqtamoqchi bo'lgan bo'lsa, umri shu ish bilan o'tgan Esonboyni otga bostirib o'ldirmagan bo'lardi. Bilaks, unda zarbof to'n kiydirib, bir ot yoki, bir qo'chqor hadya qilgan bo'lardi.

Avloniy ham uloqchi otalarni qoralaydi, jumladan, Qodiriy ham bu bilan uloqni ma'lum ma'noda yoqlamayapti. U o'z hikoyasi orqali 12 -13 yashar ya'ni, mukka tushib kitob o'qishi lozim bo'lgan bolalarning o'z vaqtlarini behuda narsalarga sarflayotganini uloq fojeasi orqali ko'rsatib bermoqda. Esonboy ham shu bolalar kabi bir umr otning ortidan yurgan. Adib o'z o'quvchilariga, millat bolalariga umrni behudaga sarflamay ilm-ma'rifatga, madaniy turmushga intilib yashash zarurligini so'z san'ati orgali ifodalab bergan. Shu o'rinda Qodiriyning maslakdoshi Hamzaning "Dardiga darmon istamas" she'riga ham to'xtalish lozim.

Unda shoir shunday deydi:

O'zga ellar hikmat topib, uchsalar suyi samo
Bizni ellar loqal yer uzra davron istamas. [4:27].



Ko‘rib turibmizki, jadidlar o‘z yelkalariga millatni uyg‘otish, ilm- ma’rifatga chaqirishdek buyuk bir mas’uliyatni olib yurgan bir paytda uloq o‘yin, xo‘roz urishtirish, it urushtirish kabi ko‘ngilni xushlash uchun bo‘ladigan ishlarni targ‘ib qilishi haqiqatdan ancha uzoqdir.

Amalda bugungi kunda aksariyat mashg‘ulotlarda matn ustida ishlaganda o‘quvchilarga beriladigan savollarning mazmuni talab darajasida emas, aniqrog‘i hayot uchun ahamiyatsiz:

1. Abdulla Qodiriy nechta roman yozgan?
2. Nechanchi yilda nashr qilingan?
3. Nechanchi yilda hibsga olingan? kabi tarjimai holiga doir;
4. Hikoyada nechta bola qatnashgan?
5. Uloqqa kim biya minib kelgan?
6. Kimning akasi chavandoz edi?
7. Uloqning yoshi nechada edi kabilar.

Matn mazmuniga doir savollar berishda ta’lim oluvchilarning qiziqishlari, yosh xususiyati, mashg‘ulotning foydalilik jihati inobatga olinsa, o‘quvchida ishtiyoq paydo bo‘ladi, badiiy-estetik ozuqa oladi.

Agar biz savollar mazmunini o‘zgartirsak-chi?

-Abdulla Qodiriy qanday oilada ulg‘aygan?
-U o‘zbek adabiyotiga qanday hissa qo‘shgan?
-U haqida kimlar asar yozgan?

Hikoya mazmuniga doir savollar quyidagicha bo‘lsa:

-Nega asar shunday nomlangan?
-Voqealar hayotiymi, yoki to‘qima? Nima deb o‘ylaysiz?
-Turg‘un kim? Uloq so‘zining ma’nosini ayting.
-Uloq xalq orasida yana qanday nomlanadi?
-Uloqning bugungi kunimizdagi ahamiyati qanday?
-Siz otlarga qiziqasizmi?
-Kim chavandoz bo‘lmoqchi?
-Chavandozlik kasbmi yoki hobbimi?
-Siz tengi bolalarning asosiy qiladigan ishi nima?
-Esonboy tirik qolishi mumkin edimi?
-Qodiriy o‘z hikoyasi orqali nima demoqchi? [5:10-11].

Badiiy matnlarga beriladigan savol va topshiriqlar darsning saviyasini belgilaydi. Umumiy o‘rta ta’lim tizimida ona tili va adabiyot darslari ko‘proq matn tahlili bilan o‘tadi, ammo o‘quvchilarning har qanday matndan o‘ziga kerakli ma’lumot, yoki xulosani chiqarib olishni eplay olmasligi bu borada yangicha yondashuv kerakligini taqozo qilmoqda. Mazkur masala alohida tadqiqotni talab qiladi. Ona tili va adabiyot darslarida o‘quvchilarda o‘qish savodxonligini jadal rivojlantiruvchi noan’anaviy topshiriqlar tizimi – PISA topshiriqlari ishlab chiqilishi kerak.

Adabiyotlar

1. Баркамол авлод орзуси. -Т .:“Шарк”, 1999. 13-б.
2. Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. -Т.: «Ўзбекистон», 2016. 14-б.
3. Avloniy A. Turkiy guliston yoxud axloq. -T.: «O‘qituvchi», 1998. 34-b.
4. Rahmon Qo‘chqor va boshq. Adabiyot 5-sinf o‘quvchilari uchun darslik. –T.: «O‘zbekiston», 2015. 27-b.
5. Hamroyev G‘., Palvanova N. Adabiy o‘qish yoki mutolaa zavqi. O‘qituvchilar uchun metodik qo‘llanma. -T.: «Bayoz», 2018. 172-b.
6. Йўлдошева Д. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида таълим мақсадини белгилашнинг дидактик асослари. –Т.: “Фан”, 2006. 145- б.

REZYUME

Maqolada matn ustida ishlash orqali o‘quvchilarda o‘qish savodxonligini rivojlantirishga doir o‘quv materiallaridan, jumladan, matn tahliliga mo‘ljallangan savol va topshiriqlardan foydalanish metodikasi haqida fikr yuritiladi. Barcha savollar o‘quvchini fikrlashga undashi, matn mazmunini anglashga yo‘naltirishi nazarda tutilgan.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается методика использования учебных материалов по развитию читательской грамотности у учащихся посредством работы над текстом, в том числе вопросы и задания для анализа текста. Предполагается, что все вопросы побуждают читателя к размышлению, направляют на осмысление содержания текста.

SUMMARY

The article discusses the method of using educational materials for the development of reading literacy among students through work on the text, including questions and tasks for the text analysis. It is assumed that all questions encourage the reader to think, direct to comprehend the content of the text.

BILIMLENDIRIW SISTEMASÍNDA FIZIKADAN MÁSELELER SHESHIWDIŃ HÁR TÚRLILIGI

I.J.Jaksimuratov- *stajyor izleniwshi*
Ózbekstan Ilimler Akademiyası yadro fizikası institutı
A.E.Otarbaev- *assistent oqıtıwshı*
D.G.Hajibaev- *stajyor oqıtıwshı*
Z.J.Jaksimuratova- *magistrant*
Ájiniyaz atındaǵı Nókis mámleketlik pedagogikalıq institutı
R.SH.Kadirov-*oqıtıwshı*
Nókis qalalıq XBB №48 sanlı mámleketlik qánigelestirilgen ulıwma bilim beriw mektebi

Tayanch sózlar: matnli, tajribali, jadvalli, tenglama, vaqt, balantlik, tezlik, harakat, tasnif, politexnika, erkin tushish.

Ключевые слова: текстовый, экспериментальный, графический, уравнение, время, высота, скорость, движение, классификация, политехникум, свободное падение.

Key words: textual, experimental, graphic, equation, time, height, velocity, traffic, classification, polytechnic, free fall.

Oqıw procesinde ulıwma logikalıq juwmaqlar shıǵarıw, matematikalıq ámeller orınlaw, fizika páninde ornatılǵan nızamlılıqlarǵa tiykarlanǵan eksperiment járdeminde sheshiletuǵın kishi másele, ádette, fizikalıq másele dep

ataladı. Basqasha aytqanda, belgili maqsetti kózlep pikir júritiw másele sheshiwden ibarat esaplanadı. Metodikalıq hám oqıw qollanbalarda bolsa belgili maqset ushın tańlap alınǵan fizikalıq hádiselerdi úyreniw túsiniklerin qáliplestiriw, oqıwshılardıń fizikalıq kózqarasın rawajlandırıw hám olarǵa alǵan bilimlerin ámelde qollanıwı ushın oqıwshıǵa bilim beriwdi maqset etip alǵan shınıǵıwlar másele dep ataladı.

Másele sheshiw talabalarǵa politexnikalıq bilim beriwde úlken áhmiyetke iye. Fizikadan máseleler sheshiwdıń tárbiyalıq áhmiyeti salmaqlı bolıp, yaǵnıy máseleler sheshiw arqalı oqıwshılarǵa jańa progressiv ideya hám dúnyaqaraslardıń payda bolıwına erisiw, olardıń itibarın pán hám texnikanıń jetiskenliklerinin tiyisli máselelerine qaratıw múmkin [1].

Fizikadan máseleler sheshiwdiń áhmiyeti úlken yaǵnıy olar: ótilgen materialdı anıq, sanalı, teren túsiniwge járdem beredi; oqıwshılar bilimin arıttıradı, pikirlew qabiletin ósiredi; teoriyanı ámeliyatqa engiziw pán hám texnika arasındaǵı baylanıstı ornatadı; ótilgen materialdı tákirarlawda eń jaqsı metod esaplanadı; oqıwshılar bilim hám kónlikpelerin qadaǵalawǵa járdem beredi.

Másele sheshiw-fizika oqıtıw procesiniń ajıralmas quramlı bólegi esaplanadı, sebebi ol fizikalıq túsiniklerdi qáliplestiriw hám bayıtıw, oqıwshılarda fizikadan pikirlewdi hám bilimlerdi ámelde qollanıw kónlikpelerin rawajlandırıw imkanın beredi. Fizika páni máselelerinen tómendegi jaǵdaylar ushın paydalanıladı:

a) Mashqalanı ilgeri qoyıw hám mashqalalı halattı jaratıw;
b) Ámeliy kónlikpelerin rawajlandırıw;
c) Taza maǵlıwmatlardı beriw;
d) Bilimlerdiń teren hám bekkemligin tekseriw;
e) Materialdı bekkemlew, ulıwmalastırıw hám tákirarlaw;
f) Politexnikalıq principti ámelge asırıw;
g) Oqıwshılardıń dóretiwshilik qabiletin rawajlandırıw hám t.b.

Máslele shártiniń ańlatılıw usılı boyınsha fizikalıq máseleler tórt tiykarǵı túrge bólinedi: tekstli, eksperimental, grafikalıq hám súwretli máseleler. Olardıń hár biri óz náwbetinde muǵdarlıq hám sıpatlı bolıp bólinedi.

Muǵdarlıq máselelerde qoyılǵan sorawǵa esaplawlarsız juwap tabıwǵa bolmaydı. Muǵdarlıq máselelerdi qıyınlıq dárejesine qarap ápiwayı hám quramalı máselelerge ajıratıladı.

Muǵdarlıq máselelerdi sheshiwde hár túrli algebralıq, geometriyalıq, grafikalıq usıllardan paydalanıladı. Máseleni algebralıq usılda sheshiwde teńlemelerden, grafikalıq usılda bolsa grafiklerden paydalanıladı. Muǵdarlıq másele sıpatında M.S.Cedrik avtorlıǵındaǵı “Ulıwma fizika kursınan máseleler toplamınıń mexanika bólimindegi 1.32-sanlı másele alındı. Bul toplam pedagogika institutı talabalarınıń fizika páninen teoriyalıq bilimlerin ózlestiriwri hám olardı ámeliy shınıǵıwlarda qollap biliwri ulıwma bilimlendiriw mektepleri hám orta arnawlı ALler ushın fizika páni oqıtıwshıların tayarlaw sıpatın jaqsılawshı dereklerden biri esaplanadı. Toplamdaǵı máseleni sheshiwde eki túrli usıldı qarastıramız.

Másele shárti (Cedrik 1.32). Baslanǵısh 19,6 m/s tezlik penen vertikal ráwishte tómenge taslanǵan dene aqırǵı sekund dawamında pútin joldıń 1/4 bólegin basıp ótti. Deneniń túsiw waqıtı hám aqırǵı tezligin tabıń. Dene qanday biyiklikten taslanǵan? (g=9,8 m/s^2) [2].

Másele sheshiliwiniń I-usılı. Bul usılda tiykarınan sheshimge alıp keletuǵın jol etip máseleniń shártinde aytılǵan *t* sekundta basıp ótilgen jol h_t dan *t-1* sekundta basıp ótilgen jol h_{t-1} dı alamız (1-súwret).



1-súwret. Deneniń waqıtqa baylanıslı qozǵalısı.

Yaǵnıy

$$h=h_t-h_{t-1}\to \vartheta_0 t+\frac{gt^2}{2}-\vartheta_0(t-1)-\frac{g(t-1)^2}{2}=...=h=\vartheta_0+\frac{g}{2}(2t-1)$$

ekenligi kelip shıǵadı. $h=\vartheta_0+\frac{g}{2}(2t-1)$ (1) formulanı másele shártinde berilgen mánisler tiykarında jazǵanımızda másele shártinde berilgen baslanǵısh tezlik san mánisi jaǵınan erkin túsiw tezleniwiniń eki eselengenligine $\vartheta_0=2g$ (2) teńliginde itibarǵa alıp jazamız. Yaǵnıy $\frac{1}{4}h=2g+\frac{g}{2}(2t-1)$ (3) kórinisine keledi. Algebralıq ámellerdi izbe-izlikte orınlasaq $h=8g+2g(2t-1)\to h=2g(4+2t-1)\to$ $h=2g(2t+3)$ (4) teńleme kelip shıǵadı. $h=\vartheta_0 t+\frac{gt^2}{2}$ formulanı (2) shártti itibarǵa alıp jazıp alǵanımızda $h=2gt+0{,}5gt^2$ (5) kórinisine keledi. Kelip shıqqan *h*-biyiklikke baylanıslı (1) hám (5) eki túrli teńlemeni ózara teńlegenimizde $2g(2t+3)=2gt+0{,}5gt^2\to 0{,}5gt^2-2gt-6g=0$ ekenligi kelip shıǵadı hám bul teńlemeni $0{,}5g$ ge qısqartsaq, biz ushın tanıs bolǵan $t^2-4t-12=0$ (6) túrindegi keltirilgen kvadrat teńlemege iye bolamız. Keltirilgen kvadrat teńlemeniń sheshimin tapqanımızda, másele shártinde soralıp atırǵan túsiw waqtı $t=6sekund$ kelip shıǵadı. Keyin tabılǵan deneniń túsiw waqtın (5) formulaǵa qoyıp $h=2g\times 6+0{,}5g\times 36=30g$ másele shártinde soralıp atırǵan deneniń $h=294metr$ biyiklikten túskenligin bilip alamız. Tezlik

$\vartheta = \sqrt{\vartheta_0^2 + 2gh}$ (7) formulasına (2) shártti hám esaplap tabılǵan biyiklik mánislerin qoyıp jazamız $\vartheta = \sqrt{4g^2 + 2g \times 30g} = \sqrt{64g^2} = 8g$. Kelip shıqqan teńlemeden másele shártinde soralıp atırǵan deneniń $\vartheta = 78.4\frac{m}{s}$ aqırǵı tezlikte jetip kelginligin anıqlaymız.

Másele sheshiliwiniń II-usılı. Bul usılda bolsa deneniń háreketin 2-súwrette kórsetilgenindey, eki bólimge bólip, olar ushın biyiklikke baylanıslı formulalardı sistema túrinde jazıp alamız.



2-súwret. Deneniń I hám II bólim jaǵdayındaǵı qozǵalısı.

$$\begin{cases} \frac{3h}{4} = \frac{\vartheta_I^{\,2} - \vartheta_0^2}{2g} \quad \text{(I)} \\ \frac{h}{4} = \vartheta_I t + \frac{gt^2}{2} \quad \text{(II)} \end{cases}$$

(I) hám (II) formulalardı ózara qatnas túrinde esaplasaq $3 = \frac{\vartheta_I^{\,2} - \vartheta_0^2}{2g(\vartheta_I t + \frac{gt^2}{2})}$ hám másele shártinde aytılǵanınday aqırǵı sekund túsinigin aqırǵı 1 sekund dep qabıl etilse teńleme $3 = \frac{\vartheta_I^{\,2} - (2g)^2}{2\vartheta_I g + g^2}$ kórinisine keledi. Teńlemedegi g-erkin túsiw tezleniwi mánisin qoyıp ápiwayılastırılsa $\vartheta_I^{\,2} - 58{,}8\vartheta_I - 672{,}28 = 0$ (III) túrindegi keltirilgen kvadrat teńleme kelip shıǵadı. (III) keltirilgen kvadrat teńlemeni sheship súwrette kórsetilgen birinshi bólim ushın aqırǵı tezlik $\vartheta_I = 68.6\frac{m}{s}$ mánisine iye bolamız. Bul tezlik mánisin (I) formulaǵa qoyıp másele shártinde soralıp atırǵan deneniń $h = 294 metr$ biyiklikten túskenligin bilip alamız. Deneniń neshe metr biyiklikten túskenligin bilip alǵan halda $h = \frac{\vartheta_{aq}^{\,2} - \vartheta_0^2}{2g}$ (IV) formulası arqalı másele shártinde soralıp atırǵan deneniń $\vartheta_{aq} = 78.4\frac{m}{s}$ aqırǵı tezlikte jetip kelginligin anıqlaymız. Al, endi (II) formulanı deneniń háreketi dawamındaǵı túsiw waqtı ushın túrlendirip jazǵanımızda $h = \vartheta_0 t_t + \frac{gt_t^{\,2}}{2}$ (V) formulası kelip shıǵadı. Biz esaplap alǵan biyiklik hám másele shártinde berilgen baslanǵısh tezlik mánislerin qoyıw arqalı tabılıwı kerek bolǵan deneniń túsiw waqtı $t_t = 6 sekund$ kelip shıǵadı [3].

Kórip ótkenimizdey, eki usıldada shıǵarılǵan nátiyjeler salıstırılǵanda birdey juwap kelip shıqtı. Joqarıda kórsetip ótilgen pikirler talabalardıń keleshektegi pedagogikalıq jumısları ushın kónlikpe yamasa tájiribe toplap barıwına az bolsa da úles qosadı. Másele kóp qırlı kóz qarasta bolıp, bolajaq oqıtıwshı talabalardıń pedagogikalıq sheberligi joqarılay beriwine óziniń unamlı tásirin tiygizedi.

Ádebiyatlar

1. Mirzaxmedov B., G’ofurov N., Ibragimov B., Djuraev M., Karlibaeva G., Sagatova G. “Fizika o’qitish metodikasi” I-qism o’quv qo’llanma. –T.: Nizomiy nomidagi TDPU bosmaxonasi 2010.
2. Цедрик М.С. Сборник задач по курсу общей физики Учеб.пособие. -М.: «Просвещение» 1989.
3. Dusmuratov M.B. Fizika o’quv qo’llanma. –T.: Nizomiy nomidagi TDPU bosmaxonasi 2016.

REZYUME

Ushbu maqolada fizika fanidan masalalar tasnifi va ularni yechich usullari haqida ma’lumotlar berilgan. Bir masalaning echilishining har xil usillari ko`rsatilib berilgan. Masalalar echishning ahamiyati va yosh izlanuvchilarga kerakli tomonlar haqida so`z boradi.

РЕЗЮМЕ

В данной статье представлена информация о классификациях и решениях задач из курса физики. Показаны разные способы решения одной и той же проблемы. Также говорится о важности решения проблем и его пользе для молодых исследователей.

SUMMARY

This article provides information on classifications and problem solutions from a physics course. Different ways of solving the same problem are shown. They talk about the importance of problem solving and its benefits for young researchers.

«INTELLEKT-XARITA» - FIZIKA VA ASTRONOMIYA BO‘YICHA TALABALAR FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISH VA FAOLLASHTIRISH VOSITASI SIFATIDA

G.E.Karlibaeva – *pedagogika fanlari doktori*
K.Embergenova – *assistent o‘qituvchi*
Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti

Tayanch so‘zlar: intellect-xarita, intellekt xarita tuzilmasi, talabalar, fizika, astronomiya.
Ключевые слова: интеллект-карта, структура интеллект-карты, студенты, физика, астрономия.
Key words: mind-map, structure of mind map, students, physics, astronomy.

«Kadrlar tayyorlash milliy dasturi»da ko‘zda tutilgan masalalarni amalga oshirish maqsadida ta’lim muassasalarida amaliy mashg‘ulotlarni yo‘lga qo‘yish, shuningdek, nazariya bilan amaliyotni bog‘liq holda olib borish maqsadlariga alohida e`tibor qaratilmoqda. Talaba aynan amaliyot orqali mustaqil fikrlashga, izlanishga, mavzuga ijodiy yondashib tahlil etishga, xulosa chiqarishga, o‘z -o‘zini va guruhni baholashga o‘rganadi. Bu jarayonda pedagogdan yuksak kasbiy mahorat va salohiyat talab qilinadi [1].

XXI asr - ulkan ma’lumotlar oqimi va doimiy ravishda o‘zgarib turadigan axborot muhitida insonni hayotga moslashtirish tobora muhim ahamiyat kasb etmoqda. Ushbu muammoni hal qilishda zamonaviy ta’lim muhim o‘rin egallaydi, uning maqsadi barcha bosqichlarda talabalarning axborot kompetentsiyasini oshirish bo‘lishi kerak.

Talabalarni umumiy fizika va astronomiya kurslari bo‘yicha metodik ishlanmalar yaratishga jalb qilish, talabalarning o‘rganilayotgan fanlarga qiziqishini uyg‘otishga yordam beradi. Bu, ayniqsa, pedagogika mutaxassisliklari talabalariga taalluqlidir, chunki bu ularga nafaqat fizika va astronomiyani o‘rganishda, balki pedagogik mahoratni egallashda ham jiddiy yordam beradi.

Ma’lumki, talabalarning fizika va astronomiya bo‘yicha metodik ishlanmalar yaratishi, bu sohadagi bilimlarini chuqur tizimlashtirishga, o‘rganilayotgan fizik va astronomik hodisalarning mohiyatini chuqur anglashga, bilimdagi bo‘shliqlarni yo‘q qilishga yordam beradi, chunki bu nafaqat darsliklar va konspektlarni, balki qo‘shimcha adabiyotlarni ham o‘rganish zaruratini beradi. Talabalar o‘zlashtirishida bir qator qiyinchiliklarga duch keladigan muhim mavzularni ajratib olish, ularga zarur bo‘ladigan nazariy va amaliy ma’lumotlar tizimi, hamda o‘zlashtirishda muammo tug‘diradigan vaziyatlarning sabablarini o‘rganish, ularni bartaraf etish choralarini izlash o‘qituvchining asosiy vazifasidir.

Kasbiy vazifalarni samarali bajarish, kasbiy va shaxsiy rivojlanish uchun talabalar axborot madaniyatiga ega bo‘lishi, ma’lumotlarni tahlil qilishi va baholashi kerak. Ta’lim jarayonini jadallashtirishning samarali vositalaridan biri, bu o‘quv va ilmiy ma’lumotlarning grafik taqdimoti. Ushbu maqolada ma’lumotlarni taqdim etishning grafik usullaridan biri, ya’ni «intellekt-xarita»lari usuli ko‘rib chiqilgan.

Intellekt-xaritalar usuli deganda mavzu bo‘yicha ko‘p sonli ma’lumot materiallarini ko‘rib chiqish va qayta ishlash hamda uni idrok etish va keyinchalik ko‘paytirish uchun qulay bo‘lgan vizual-grafik shakldа taqdim etish orqali o‘rganish tushuniladi [2:196].

Intellekt-xaritasi usuli assotsiativ-vizual fikrlashni rivojlantirishga, o‘quv jarayonida ma’lumotni yodlash va o‘zlashtirish texnikasiga, asosiy funktsiyalarni amalga oshirish orqali ma’lumotlarni qayta ishlash qobiliyatiga ega bo‘lish: idrok etish, tahlil qilish, saqlash, chiqarish va boshqarish.

Shuni ta’kidlash mumkinki, taklif etilayotgan o‘qitish usuli o‘quv jarayonining samaradorligini bir necha bor oshiradi, qisqa va uzoq muddatli xotirani oshiradi, ijodiy motivatsiyani oshiradi, miyani nutq-mantiqdan yaxlit, intuitiv-obrazli fikrlashga o‘tkazadi.

Agar o‘quv yili davomida ushbu yondashuv ko‘p marta qo‘llanilsa, talabalarda «Umumiy fizika» va «Umumiy astronomiya» fanlari bo‘yicha o‘quv va amaliy muammolarni hal qilishning barqaror mahorati shakllanadi.

Intellekt-xaritasi tuzilishini yaratish tamoyillari va qoidalari nisbatan sodda, ular:

- intellekt-xaritasi «yozilgan» emas, balki «chizilgan» bo‘ladi;
- o‘rganish obıekti markaziy tasvirda taqdim etilgan;
- xarita har doim markaziy tasvir - ob'ekt, g‘oya atrofida quriladi;
- diqqat yoki o‘rganish ob'ekti bilan bog’liq asosiy mavzular markaziy tasvirdan novdalar shaklida ajralib chiqadi;
- silliq chiziqlar shaklini olgan novdalar ko’rsatiladi va kalit so‘zlar yoki tasvirlar bilan izohlanadi;
- novdalar ma’lum ma’lumotlarni olib boruvchi bog‘langan tugun tizimini tashkil qiladi [3:46].

Intellekt-xaritalarni yaratish usuli va jarayoni «Umumiy fizika» va «Umumiy astronomiya» fanlarini o‘qitishni ijodiy va hayajonli qiladi, chunki intellekt xaritasi standart referatlar, jadvallar yoki konspekt yozishlar ko‘rinishida ma’lumotlarni taqdim etishning chiziqli shakliga nisbatan bir qator afzalliklarga ega:

- asosiy g‘oyani varaqning o‘rtasiga jonli grafik tasvir shaklida joylashtirsa, uni ajratib ko‘rsatish osonroq;
- diqqat tasodifiy ma’lumotlarga emas, balki muhim masalalarga qaratilgan;
- har bir g‘oyaning nisbiy ahamiyati yaqqol ko‘rinib turadi (muhimroq g‘oyalar markazga yaqinroq, ahamiyatsizlari esa - atrofda);
- ko‘p rangli va ko‘p o‘lchovli taqdimoti tufayli ma’lumotlar tezroq va samaraliroq yodda qoladi;
- xaritaning tuzilmaviy xususiyati uni yangi ma’lumotlar bilan to‘ldirishni osonlashtiradi (qo‘shimchalar va boshqalarni o‘chirmasdan va hakozolar);
- xarita chegaralarining yo‘qligi evristikani rivojlantiradi.

Ta’lim jarayonida intellekt-xaritalari yordamida og‘zaki nutqqa tayyorgarlik ko‘rish mumkin; bajarilgan ishlar natijalari to‘g‘risida hisobot; nazoratning turli shakllariga (seminar, kollokvium va boshqalar); referat yozish; turli xil ta’lim tadbirlarini rejalashtirish va boshqalar.

Intellekt-xaritasi usuli quyidagilarga imkon beradi:

- talabalarning shaxsiyatini chuqur o‘rganish, ularning bilim va hissiy qiyinchiliklarining sabablarini aniqlash;
- o‘quv jarayonida talabalar bilan yuz beradigan kognitiv va shaxsiy o‘zgarishlar monitoringini olib borish;
- bilim va hissiy qiyinchiliklarni tuzatish dasturlarini ishlab chiqish va amalga oshirish;
- talabalarning kreativligini rivojlantirish;
- intellekt-xaritalarini tuzish bo‘yicha guruh bilan ishlash faoliyati jarayonida kommunikativ kompetensiyani shakllantirish;
- axborotni idrok etish, qayta ishlash va almashish bilan bog‘liq ko‘nikmalarni shakllantirish (konspektalar yozish, ma’ruzalar tayyorlash, tezislar yozish va h.);
- talabalarning barcha tur xotiralarini (qisqa muddatli, uzoq muddatli, semantik, obrazli va h.) takomillashtirish;
- tashkiliy va faoliyat ko‘nikmalarini shakllantirish.

Shunday qilib, o‘quv jarayonida intellekt-xaritalar uslubidan foydalanish talabalarning bilim faoliyatini shakllantirish, faollashtirish va rivojlantirishga imkon beradi, ularning jismoniy va astronomik hodisalarni grafik tasvirlash qobiliyatini uyg‘otishga yordam beradi.

Shu bilan birga, talabaning shaxsiy fikrlash qobiliyatini rivojlantiradi, dunyoning fizik manzarasini idrok etadi, uning xotirasi, ijodkorligi va o‘ziga bo‘lgan ishonchini kuchaytiradi.

Adabiyotlar

1. Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. //Баркамол авлод–Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Тошкент: “Шарқ”, 1997.
2. Бьюзен Т. и Б. Супермышление. / Т. и Б. Бьюзен; пер. с. англ. Е.А. Самсонов 4-е изд. –Мн.: «Попурри», 2007. –С. 304.
3. Латипов Н. Основы интеллектуального тренинга. Минута на размышления. СПб. –Питер: 2015. –С.336.

REZYUME

Maqolada ma’lumotlarni taqdim etishning grafik usullaridan biri, ya’ni, «intellekt-xarita» usuli haqida so‘z yuritilgan, intellekt xarita tuzilmasi tamoyillari va qoidalari, ushbu uslubni ta’lim jarayonida qo‘llashning xususiyatlari va afzalliklari taklif qilingan.

РЕЗЮМЕ

В статье рассмотрен один из графических методов представления информации, а именно метод «интеллектуальная карта», предложены принципы и правила построения структуры интеллект-карты, особенности и преимущества применения данного метода в учебном процессе.

SUMMARY

The article discusses one of the graphical methods of presenting information, namely the technique of "mind map", proposed the principles and rules for constructing the structure of mind-map, features and advantages of using this method in the educational process.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ҒОЯВИЙ ТАРБИЯ ИШЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ МОДЕЛЛАРИ

Қ.А.Қадиров - *ёшлар билан ишлаш бўйича проректор*

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: миллий ғоя ва мафкура, таълим-тарбия, маънавият ва маърифат, ёшлар тарбияси, функция, принцип, педагогик соҳа.

Ключевые слова: национальная идея и идеология, образование и обучение, духовность и просвещение, воспитание молодёжи, функция, принцип, педагогический сектор.

Key words: national idea and ideology, education and training, spirituality and enlightenment, youth education, function, principle, pedagogical sector.

Бугун давлатимиз **Янги Ўзбекистон - «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» тамойили асосида тараққиётнинг янги 3-ренессанс даврига қадам қўймоқда.** Бундай шароитда мамлакатимизда ёшлар тарбиясини замонавий асосда, яъни бугунги куннинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб ташкил қилиш, амалга оширилаётган ишларни танқидий кўз билан баҳолаб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, шунингдек, мазкур соҳага инновацион фикрлаш орқали янги механизмларни жорий қилиб, янги босқичга кўтариш вақти келганлигинини даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Айни маънода, ўрганишларимиз ва изланишларимиз самараси ўлароқ, талабаларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий ишларни модернизациялаш моделининг асосий таркибий қисмлари хусусида тўхталамиз. Ушбу моделда маънавий-маърифий ишларнинг ташкилий фаолият модели таркибий қисмларнинг (мақсадли, таркибий-йўналтирилганлик, ижтимоий-маданий, функционал-маданий, инфотейнмент, коррекция ва диагностик), маънавий-ахлоқий маданиятни шакллантириш жараёнининг ўзига хос хусусиятларини ифода этадиган қиймат-семантик таркибий қисми сифатида тушунилади.

Мақсад: талабаларни миллий ғоянинг мақсад вазифалари, қадриятлар ва идеаллари билан таништириш, уларда Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси билан белгиланган терминал ва инструментал компетенцияларни шакллантиришдан иборатдир.

Бунда қуйидагилар ташкилий моделнинг вазифалари этиб белгиланди:

1. Шахсий қадриятларнинг ривожланиши, умуминсоний қадриятлар ва маданий, маънавий-ахлоқий қадриятлар тизимини ривожлантириш;
2. Замонавий ёшларнинг ижобий йўналтирилган дунёқарашини акллантириш, шахснинг ўзини ўзи ривожлантиришига ҳисса қўшиш;
3. Шахснинг ахлоқий, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини амалга ошириш орқали ғоявий, когнитив-ижодий, ижодий, ижтимоий-маданий, ижтимоий аҳамиятга эга фаолиятга жалб қилиш шароитида шакллантириш.
4. Турли хил ижтимоий роллар билан боғлиқ маънавий-маърифий алоқалар маконини яратиш, ташаббускорликни рағбатлантириш орқали ижодий қобилиятларни ривожлантириш, ижодий ўзини ўзи англаш, шахснинг ички дунёсини ўзгартиришга тайёрликни шакллантириш ва атрофдаги воқеликка таъсир қилиш учун жавобгарлик;
5. Талаба ёшларнинг маънавий-ахлоқий шаклланишини изчил ва ҳар томонлама уйғун таркибий қисмлардан ташкил топган, маданий-ҳордиқ чиқариш ва маънавий-маърифий тадбирларнинг яхлит тизимини яратиш;
6. Ёшларнинг ижтимоий аҳамиятли маънавий-ахлоқий эҳтиёжлари ва манфаатларини қондиришдан иборатдир.

Ташкилий моделни амалга оширишдан кутилаётган натижалар сифатида:

1. Ёшларнинг шаклланган қадрият йўналишларида амалга оширилган маънавий-ахлоқий онг, хатти-ҳаракатлар, табиий дунёга, одамлар дунёсига муносабатларидаги ўзгаришлар;
2. Миллий ғоянинг Янги Ўзбекистонни ривожлантиришдаги ижтимоий ва шахсий мазмунини очиб бериш;
3. Талабаларнинг миллий ва дунё маданиятининг асосий қадриятларини ўзлаштириши, онгни ривожлантириш, ҳаётнинг мазмуни ва унинг ўрнини онгли равишда қидириш, ирода, ҳиссиёт ва ҳиссиётларни бошқариш кўникмаларини шакллантириш;
4. Ёшларни санъат, ижтимоий фаоллик, ижодий фаолият билан таништириш, кундалик ҳаётда унинг хаёлий ҳиссий соҳасини ривожлантириш, эҳтиёжлар, интеллектуал, ҳиссий-иродали ва мотивацион соҳаларни ривожлантириш орқали атроф-муҳит билан уйғунлик;
5. Узлуксиз маънавий тарбияда белгиланган таянч фазилатларни, коммуникатив хусусиятларни ва шахсий, шахслараро психологик қулайликни яратиш орқали маънавий-ахлоқий маданиятнинг асосий категорияларини жадал ривожлантириш;
6. Ахлоқ ва маънавий қадриятларнинг юқори принципларига мувофиқ хулқ-атвор мотивларини шакллантириш;
7. Касбий маънавий фазилатлар ва қобилиятларни шакллантиришга ёрдам берадиган мураккаб ахлоқий

муаммоларни ҳал қилишда ёшлар томонидан ўзлаштирилиши.

“Талабаларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий ишларни модернизациялаш модели” мазмунидан келиб чиқиб, унинг ўзига хос функцияларини аниқлаш зарур. Бунда:

- йўналтирувчи ахлоқий функция - унга мувофиқ ушбу модел маънавий-ахлоқий тарбияни режалаштириш учун тизимли мезон бўлиб, уни кузатиш, ёшларнинг маънавий-ахлоқий маданияти даражасини ҳар томонлама ташхис қилиш ва таҳлил қилиш тартибини ишлаб чиқади;

- амалга оширувчи функция - унга мувофиқ ушбу ташкилий-фаолият модели ташкилий-дидактик асос ва маънавий-ахлоқий тарбия жараёнини амалий амалга оширишга хизмат қилади;

- интеграцион функция - бунга мувофиқ ушбу модель ижтимоий маънавий, маданий муҳитнинг маънавий-ахлоқий потенциалини рўёбга чиқариш жараёнида ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Талабаларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий ишларни модернизациялаш модели учун характерли бўлган асосий тамойиллар сифатида эса:

- Ўз-ўзини англаш принципи - ҳар бир иштирокчида уларнинг интеллектуал, коммуникатив, бадиий ва жисмоний қобилиятларини актуаллаштириш лозим. Ёшларнинг табиий ва ижтимоий ютуқларини намоён этиш ва ривожлантириш истагини уйғотиш муҳимдир. Принцип инсонга ўз потенциалини очишга, ижодий қобилиятларни ривожлантиришга имкон беради, бу охир-оқибат маънавий-ахлоқий маданиятнинг сифатини белгилайди. Маданий ҳордиқ чиқариш жараёни одамга нафақат асосий эҳтиёжларни шакллантиришга, балки келажакда уларни касбий фаолиятида ва шахсий ҳаётида ривожлантиришга имкон беради, у шахсга унинг мавжудлигининг маъносини очиб бериш учун асос яратади.

- Индивидуалликни очиб бериш принципи - шахснинг шахсиятини шакллантириш учун шарт-шароит яратиш маданий ҳордиқ чиқариш фаолиятининг асосий вазифаси бўлиб, нафақат унинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш, балки уларнинг ҳар жиҳатдан ҳар томонлама ривожланишига кўмаклашиш керак. Ҳар бир иштирокчи ўзи бўлиб, ўз имиджини топиши керак. Индивидуаллик шахсга маънавий-ахлоқий принципларнинг асосий тоифаларида ўзларининг шаклланган позициялари ва дунёқарашига эга бўлиш имконини беради. Бундан ташқари, "мен-концепция"нинг шаклланиши иштирокчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариш фаолиятида жамиятда шахсиятни ривожлантириш учун асос бўлган коммуникатив маданиятни ўзида мужассам этишига ёрдам беради.

- Субъективлик принципи - индивидуаллик фақат субъектив кучларга эга бўлган ва улардан фаолият, алоқа ва муносабатларни қуришда моҳирона фойдаланадиган шахсга хосдир. Ўзаро таъсирнинг субъектив характери маънавий-ахлоқий маданиятни шакллантириш жараёнида устун бўлиши лозим. Субъективлик, шунингдек, фаолият ва алоқада амалга ошириладиган ахлоқий фазилатларнинг ривожланишини ҳам назарда тутади . Бундан ташқари, биз ўрганаётган жараён доирасида субъективликни ривожлантиришда энг муҳим нарса бу - шахснинг субъектив позициясини шакллантиришдир.

- Танлаш принципи - танловсиз, индивидуаллик ва субъективликни ривожлантириш, иштирокчининг қобилиятларини ўзини намоён қилиш мумкин эмас. Иштирокчининг доимий танлов шароитида яшаши, ривожланиши ва ҳаётнинг мақсади, мазмуни, шакллари ва усулларини танлашда субъектив кучларга эга бўлиши педагогик жиҳатдан тавсия этилади. Танлов принципи ҳақиқатдан хабардор бўлиш, маънавий-ахлоқий вазиятларни таҳлил қилиш, ҳаётдан ўхшашлик ва хулосалар чиқариш имконини беради. Ушбу тамойил инсонга интеллектуал ва ахлоқий ривожланиш имконини беради .

- Ижодкорлик ва муваффақият принципи - индивидуал ва жамоавий ижодий фаолият бизга ёшларнинг ўзига хос хусусиятларини ва ноёб ижодий гуруҳни аниқлаш ва ривожлантиришга имкон беради. Ижодкорлик туфайли иштирокчи ўз қобилиятларини очиб беради, шахсиятининг кучли томонларини билиб олади. Фаолиятнинг муайян турида муваффақиятга эришиш ижобий "I-концепция"ни шакллантиришга ҳисса қўшади , иштирокчини ўзини "мен"ни такомиллаштириш ва ўзини ўзи қуришни давом эттиришга ундайди. Ижодкорлик принципи иштирокчиларга шахснинг маънавий шаклланишини таъминлайдиган ижодий имкониятларни амалга оширишга имкон беради. Бундан ташқари, иштирокчилар ўзларининг истеъдодларини ва янги ва номаълум кимсага бўлган истакларини намойиш этишлари мумкин ва бу фақат ахлоқий шахс учун мумкин.

- Ишонч ва қўллаб-қувватлаш принципи - шахсни мажбурий шакллантириш педагогикасига хос бўлган алоқа раҳбарининг табиати билан соцентристик йўналтирилганлик ва авторитаризм мафкураси ва амалиётини қатъиян рад этишдир. Босим ва ёшларнинг турли тадбирларда мажбурий иштирок этишидан воз кечиш лозим. Педагогик фаолият арсеналини инсонпарвар шахсга йўналтирилган ижтимоий-маданий технологиялар билан бойитиш муҳимдир. Бирор кишига ишониш, унга ишониш, ўзини ўзи англаш ва ўзини тасдиқлашга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш ортиқча талабчанлик ва ҳаддан ташқари назорат ўрнини эгаллаши керак. Ташқи таъсирлар эмас, балки ички мотивация маънавий-ахлоқий маданиятни шакллантириш муваффақиятини белгилайди.

Шахсга йўналтирилган ёндашув принципи - шахсга йўналтирилган ёндашув шахснинг маънавий-ахлоқий маданиятини шакллантиришнинг муваффақиятини таъминлайди, унга ривожланиш имкониятларидан турли йўналишларда - маданий, ижодий, маънавий, ижтимоий ва ҳоказоларда фойдаланишга имкон беради. Бундан ташқари, шахсга йўналтирилган ёндашув одамларга асосий маънавий-ахлоқий қадриятларни ўзлаштиришга имкон берадиган ўзгарувчан маданий ва дам олиш технологияларини тақдим этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Хулоса ўрнида алоҳида таъкидлаймизки, Олий таълим муассасаларида тарбиявий ишларни модернизациялаш мамлакатимизда фаол тадбиркорлик ва инновацион технологиялар қўллаб-қувватланаётган, илм, маърифат, рақамли иқтисодиёт ривожлантирилаётган жараёнлар билан уйғун бўлишини тақозо қилади. Мана шундай янги тарихий вазиятда педагогик-психологик илмий лойиҳалар асосида талаба ёшларда “Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси”да белгилаб берилган ижтимоий компенцияларни ривожлантириш, салбий характер сифатлар профилактикасини илмий педагогик асосга қуриш модернизациянинг муҳим шартларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Респупликаси Давлат Мустақиллигининг 29 йиллиги маросимидаги нутқи. -Тошкент: 31 август, 2020 йил.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрь куни «Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1069-сонли Қарори.
3. Қуронов М. Ўзбекистон умумий ўрта таълим мактабларида миллий тарбиянинг илмий-педагогик асослари: Пед.фан.док. . дисс. – Т.: 1998. 316-б.
4. Маврулов А. Маънавий баркамол инсон тарбияси. – Т.: "O'zbekiston", 2008. 80-б.
5. Махмутов Г.И. Олий педагогик таълим тизимида талабаларни маънавий шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик хусусиятлари: Пед.фан.номз. ...ёзилган автореферати. –Т.: 2004. 22-б.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақола янги Ўзбекистон шароитида олий таълим тизимида ғоявий тарбия модернизациясига қаратилган, унинг замонавий турлари, усуллари ва уларни қўллаш, ривожлантириш ҳамда унда самарадорликка эришиш масалаларига бағишланади.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена современным видам, методам и их применению, развитию и эффективности в модернизации идеологического образования в системе высшего образования в новом Узбекистане.

SUMMARY

This article is devoted to modern types, methods and their application, development and effectiveness in the modernization of ideological education in the higher education system in the new Uzbekistan.

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ХОРИЖИЙ ТИЛ СИФАТИДА ЎРГАНИЛИШИ ЖАРАЁНЛАРИ

Б.Х.Қораева - *педагогика фанлари номзоди, доцент*
Москва давлат лингвистика университети

Таянч сўзлар: иккинчи чет тили, ўзбек тили, нутқ маданияти, сўз бойлиги, тил ўқитиш методикаси, нутқий фаолият, нутқий малака, маданиятлараро мулоқот, касбий мулоқот амалиёти.
Ключевые слова: второй иностранный язык, узбекский язык, культура речи, словарный запас, методика преподавания языка, речевая деятельность, речевые навыки, межкультурная коммуникация, практика речевой коммуникации.
Key words: second foreign language, Uzbek language, culture of speech, stock of words, method of teaching language, vocal activity, speech skills, intercultural communication, practice of the speech communication.

Олий таълим тизимида иккинчи чет тилини ўрганиш анъанаси собиқ Совет Иттифоқи республикаларида йигирманчи асрнинг 50-60-йилларидаёқ бошланган. Чет тилларини ўрганиш бўйича ўқув дастурлари олий таълим муассасаларининг ўқув режаларига киритилиб, тилларнинг иккинчи чет тил сифатида ўрганилиши мақомига эга бўлган. XX асрнинг охирига келиб СССР нинг тарқалиб кетиши ва бу катта ҳудудда янги мустақил давлатларнинг ташкил топганлиги, бу давлатлар ўртасида янги сиёсий-иқтисодий ва маданий, дўстлик алоқаларининг ўрнатилишига олиб келди. Жумладан, МДҲ ташкилотининг ташкил этилиши бу борадаги илк қадамлардан бири бўлди. Шу асосда 2002 йилда Москва давлат лингвистика университетида МДҲ аъзолари бўлган давлатлар тиллари ва маданиятини ўрганиш бўйича Таянч ташкилотнинг ташкил этилиши Россия Федерациясида тил ўрганиш тизимида янги бир даврни очиб берди.

Сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳалардаги долзарб ўзгаришлар "Чет тили" фанининг ўқитилиши, чет тилларини ўқитишнинг мақсад, вазифалари ва бу жараённи ташкил қилишнинг мазмунини қайтадан кўриб чиқишни тақозо этади. Ҳозирги даврга келиб, Москва давлат лингвистика университетида арман, озарбайжон, қирғиз, қозоқ, украин, румин, тожик, ўзбек тиллари ўрганилади. Университетда бу тилларнинг ўрганилиши бу борада янгича ёндашувларнинг зарурлиги, янги ўқув дастурлари, дарсликлар, ўқув-методик қўлланмаларнинг яратилишига катта имконият яратиб берди. Тиллар бўйича ўқув дарсликлари, ўқув-услубий мажмуалари,ўқув қўлланмалари, тестлар тўпламлари, ўқитувчилар учун услубий тавсиялар ишлаб чиқилди.Университетда ўзбек тили бошқа тилларга нисбатан кейинроқ, яъни 2010 йилдан ўрганила бошланди. Шу давр ичида, "Узбекский язык для стран СНГ" дарслиги (2012 йил, Москва,"Рема"), ўқув дастурлари,тест мажмуалари яратилди [4].

Ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганиш россиялик талабаларга ўзбек тили ва маданияти, ўзбек халқининг бой маданий мероси ва тарихи, ўзбек давлатчилиги тарихи ҳамда унинг ўзига хос жиҳатлари билан танишишга, шунингдек, бугунги ўзбек ёшларининг ҳаёти билан яқиндан танишишга имкон беради.

Одатда олий ўқув юртларида бирор чет тилини иккинчи чет тили сифатида ўқитиш жараёнида биринчи чет тилини ўқитишга доир дастурларга таянилади, улардан андаза сифатида фойдаланилади. Ваҳоланки, иккинчи чет тилини ўқитиш дастурлари реал вазиятлардан келиб чиққан ҳолатда тузилиши зарур. Масалан, давлат буюртмаси ёки алоҳида олинган мақсадли лойиҳаларда мутахассис тайёрлаш учун зарур бўлган назарий ва амалий билимларни бериш учун дастурларни яратиш лозим бўлади. Айтиш мумкинки, ҳозирги даврда иккинчи чет тилини ўрганиш борасида етарлича самарадор тизимни ишлаб чиқиш ва уни янада такомиллаштириш талаб қилинмоқда. Ўқитувчилар биринчи чет тилини ўрганиш жараёнидаги лексик-грамматик материаллардан, айниқса, мамлакатшуносликка доир манбалардан унумли фойдаланишлари зарур бўлади.

Талабалар эса иккинчи чет тилини ўрганиш жараёнида биринчи чет тилини ўрганиш давомида эгаллаган ўз тажрибаларидан фойдаланиш имконига эга бўладилар. Иккинчи чет тилини ўрганиш талабаларга биринчи чет тилини ўрганиш жараёнида ўрганган сўз бойлиги, грамматик конструкциялар, тил ўрганиш билан боғлиқ умумий қоидалар, билим, малака ва кўникмаларини эслаш ва улардан фойдаланиш имкониятини беради. Талабанинг тил сезгиси, тил тажрибаси, сўз заҳираси нафақат ўз она тилида ёки биринчи чет тилини ўрганишда ёрдам беради, балки иккинчи чет тилига доир билимларни эгаллашига ҳам ижобий таъсир этади, талаба тезкорлик билан энг аввало сўзларни, кейин эса тушунчалар, терминлар, қоидаларни ўзлаштиришга киришади.

Нутқий фаолиятнинг асосий турлари бўйича тажрибага эга бўлган талаба маданиятлараро мулоқот кўникмаларини юқори даражада эгаллаши мумкин бўлади. Шундай бир далилни келтириш мумкин, " тил ўрганиш жараёнининг ҳар бир салоҳиятли иштирокчиси қанча кўп тилларни билса, халқаро ҳамжамиятга кириб бориши осонлашади, у ёки бу халқнинг миллий ва маданий ўзига хос жиҳатларини тушуна олади, шундагина жаҳон меҳнат бозори кооперациясида ҳаётда муносиб ўринни эгаллаш мумкин бўлади [1: 70].

Тилга доир қоидаларни ўзлаштириш биринчи навбатда зарур, шунга қарамасдан кейинги пайтларда

бутун дунё тил ўрганиш тажрибасида, педагогик жарёнда маданиятлараро мулоқотга кириша олиш лаёқатини шакллантириш олдинга қараб ривожланиб бормоқда. Чунки, халқлар, миллатлар ва маданиятлараро муносабатларнинг кундан кунга ривожланиб бораётганилиги ёшлар олдига бошқа маданиятларга нисбатан ҳурмат, эътибор, бағрикенглик тушунчаларини сингдириш масалалари кун тартибига чиқиб бормоқда. Шу сабабли ҳам миллатлараро мулоқот масалаларига бутун дунё миқёсида эътибор кучайиб бормоқда.

Миллатлараро мулоқот жараёнида фаол иштирок этиш талабаларни ўз нутқий фаолиятларини шакллантиришга ундайди. Сўз заҳираси, бошқа миллат маданияти, тарихидан хабардор бўлиш мулоқот жараёнида ўз фикрини эркин баён қилишга имконият яратади. Шундай тажрибалардан бири ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганишда “Иккинчи чет тили бўйича касбий мулоқот амалиёти” фанининг ўқитилиши бу борада катта ёрдам беради. Халқаро муносабатлар ва ижтимоий-сиёсий фанлар факультетида олиб бориладиган машғулотлар талабаларнинг ўрганилаётган тил бўйича билимларини янада кенгайтиради ва нутқий мулоқотга киришиш жараёнини тезлаштиради. Ўқув жараёнида бу фаннинг ўқитилиш мазмунида мамлакатшуносликка доир билимларга ва шу мамлакатда асосий бўлган тилнинг ўзига хос жиҳатлари, шу тилда сўзловчилар нутқидаги эквивалетнтсиз лексика, исмлар, мақоллар, маталлар, фразеологизмлар, турғун бирикмалар, мамлакатда мавжуд бўлган этикет, яъни муомала маданиятидаги ўзгаришлар, мулоқот маданиятининг ўзига хос жиҳатларига кўпроқ эътибор берилади. Агар шундай ўқув дастурларидан бирини таҳлил қилсак, фикримиз исботини кўриш мумкин.

Кундалик турмуш тарзи, оддий сўзлашув мулоқотидан ташқари юқорида санаб ўтилган ҳар бир соҳа ва йўналишлар бўйича янги сўзларни ёд олиш ва билимларни эгаллаш талабанинг нафақат сўз бойлигини оширади, билим доирасини кенгайтиради, балки унинг нутқий мулоқотга кириша олиш лаёқатини янада оширади, нутқий фаолиятини янада тезлаштиради.

Иккинчи чет тилини ўқитиш жараёнида ўқитишнинг мақсади, вазифаларини бир-биридан фарқлаш зарур. Ўқитишнинг мақсадлари умумтаълим, амалий, тарбиявий бўлиши мумкин. “Методические рекомендации по преподаванию иностранных языков в общеобразовательных учреждениях города Москвы” услубий қўлланмасида ўқитишнинг ривожлантириш мақсадини ҳам киритадилар [3:17]. Ўқитишнинг ривожлантириш мақсади талабаланинг тилга доир қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, ўқитувчи фаолиятининг муҳим томонларидан бири саналади.

Ўқитишнинг вазифалари эса – ўқитиш мақсадларининг машғулотлар жараёнида маълум бир босқичларга, машғулотлар шартларига йўналтирилганлигининг акс эттирилишидир. Ҳар бир мақсадни амалга оширишда вазифаларни белгилаш мумкин. Масалан, амалий мақсадлар тил ҳақида, тили ўрганилаётган мамлакат ҳаётига доир билимлар, мамлакат тарихи, маданияти, унинг турли соҳалардаги ютуқлари билан танишишга ва бу борадаги билимларни янада чуқурлаштиради. Шунингдек, ҳар бир тил ўрганувчининг бу тил ва тили ўрганилаётган мамлакат ҳақидаги ўз тасаввурларини кенгайтиришга ёрдам беради.

Иккинчи чет тилини ўргатиш биринчи чет тилига қараганда кўпроқ маданиятлараро мулоқотга киришиш қобилиятини ривожлантиришга ёрдам беради. Бу яна танланган тил билан танишиш жараёнида уни янги предмет сифатида қабул қиладилар. Салоҳият нуқтаи назаридан улар мактаб ўқувчиларига нисбатан анча юқори даражада бўладилар, шунинг учун ҳам иккинчи чет тилини ўрганишга алоҳида бир қизиқиш билан қарайдилар.

Бундан ташқари биринчи чет тилини ўрганиш жараёнида улар бошқа маданият билан танишган бўладилар,шунинг учун ҳам маданиятлараро мулоқотга киришиш ҳақида тушунчага эга бўладилар. Энди эса уларда ўз она тиллари, биринчи чет тили ва иккинчи чет тили доирасида уч тилни қиёслаш, тиллар орқали тили ўрганилаётган мамлакатлар маданияти билан ҳам танишиш ва маданиятлараро мулоқотга кириша олиш лаёқати янада фаоллашади.

Иккинчи чет тили бўйича адабиётларни танлашда, махсус адабиётлар бўлмаган ҳолатларда эса дарслик ва ўқув қўлланмаларини ёзишда қуйидагиларга эътибор бериш керак бўлади:

1) биринчи чет тилини ўрганиш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда бу дарслик тил ўрганиш тажрибасини қай даражада фаоллаштиради;

2) ушбу ўқув материаллари талабанинг янги тил ва маданиятни ўрганишга бўлган қизиқишларининг янада ошишига ёрдам беради;

3) бу дарслик ва ўқув қўлланмалари талабанинг биринчи чет тилини ўрганиш жараёнида эгаллаган маданиятлараро мулоқотга доир билимларига қай даражада мос келади;

4) танланган дарслик ва ўқув қўлланмаларида матнлар, топшириқлар ва машқларнинг мазмуни тиллар ва маданиятларни қиёслашга имкон бера олишини эътиборга олиш.

Ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганиш жараёнида унинг ўзига хос томонлари, қийинчиликлари борлигини ҳам ҳисобга олиш зарур бўлади:

- яъни, асосий ўқув материалидан ташқари у ёки бу топшириқларни бажара олиш;
- луғат ва маълумотномалар билан ишлай олиш;
- чет тилида қўшимча адабиётлар билан ишлай олиш;
- жадваллар, статистик маълумотлар ва иллюстратив материаллар билан ишлай олиш;
- берилган топшириқларни бажара олиш, уларга ижодий ёндашиш;
- мустақил равишда бадиий адабиётлар билан танишиш ва ОАВ манбалари билан ишлай олиш;
- ўз диққатини тўплаган ҳолда мустақил ишлай олиш.

Қиёслаш, таҳлил қилиш ва фикрларни умумлаштириш талабага ўзбек тили грамматикасига оид материални эгаллашида катта ёрдам беради. Ўзбек тилини чет тили сифатида ўрганиш махсус яратилган дарсликлар, ўқув қўлланмаларининг танқислиги ҳолатида “Узбекский язык для стран СНГ” дарслиги ва ўқув-методик мажмуаларининг(УМК) борлиги бу жараёндаги қийинчиликларни енгишда самарали манба бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Гальскова Н.Д. Современная методика обучения иностранным языкам. Пособие для учителя.- М.: АРКТИ-ГЛОССА, 2000.
2. Методические рекомендации по преподаванию иностранных языков в общеобразовательных учреждениях города Москвы. Учебное пособие. –Москва: ФГБОУ ВПО МГЛУ, 2013.
3. Узбекский язык для стран СНГ.Учебник. –Москва: ФГБОУ ВПО МГЛУ, 2012.

4. Содиқова Ш.Б. Ўзбек тилини хорижий тил сифатида ўқитиш масалалари. “XXI аср: фан ва таълим масалалари” илмий электрон журнали. – Тошкент: № 2, 2017.
5. Подберезская Ю. А. Лексические нормы в методике преподавания культуры русской речи студентам-иностранцам. Lingua mobilis № 4 (37), 2012. -С. 158.
6. Стрельчук Е.Н. Лингвометодические основы обучения иностранных учащихся культуре русской письменной речи на этапе довузовской подготовки : автореф. дис. … канд. пед. наук. –Москва: 2008.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақоланинг мазмун-моҳияти, мақсади ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганиш муаммоларига ва бу жараённинг ўзига хос мураккабликларига бағишланади. Мақолада Россия Федерациясининг олий таълим муассасаларида ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўргатилиши билан боғлиқ ўқув дастурлари таҳлил қилинади.

РЕЗЮМЕ

Суть и значение данной статьи посвящается проблемам изучения узбекского языка как второго иностранного, также о специфических сложностях данного процесса. В статье анализируется учебные программы изучения узбекского языка как второго иностранного в высших учебных заведениях Российской Федерации.

SUMMARY

Essence and the meaning of this article is dedicated to the problems of learning the Uzbek language as a second language, and also about specific difficulties of this process. Educational programs (curriculum) of learning uzbek language are analyzed in the article as a second foreign language in high educational institutions of the Russian Federation.

ИЖТИМОИЙ-ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИК БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИНГ МУҲИМ КОМПОНЕНТИ СИФАТИДА

З.К.Курбаниязова - *педагогика фанлари номзоди, доцент*
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: таълимга компетентли ёндашув, ижтимоий-педагогик компетентлик, акмеограмма, профессиограмма.
Ключевые слова: компетентностный подход к образованию, социально-педагогическая компетентность, акмеограмма, профессиограмма.
Key words: competence-based approach to education, socio-pedagogical competence, acmeogramm, professiogramm.

Жадал суръатлар билан одимлаб бораётган глобаллашув жараёни, давлат ва жамиятнинг ривожланиши илм фан, техника ва технологиялар соҳасида эришилган ютуқлар, олий таълим тизимида фаолият юритаётган илмий кадрлар салоҳияти, уларнинг келажак истиқболлари, ижодкорлиги ва ташуббускорлиги билан боғлиқлигини ижтимоий ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Бугунги кунда, айниқса, таълим соҳасида ёшларимизнинг замонавий таълим олиши, миллий-маънавий қадриятларимизни чуқур ўрганиши, турли соҳаларда илмий татқиқот ишларини олиб бориши, жаҳон тажрибаларини ўрганиши, хорижий илғор тажрибаларни амалиётга татбиқ этиши, замонавий илм ва техниканинг чўққиларига эришиши учун тўлиқ шароитлар яратилди. Бўлғуси педагогларнинг инновацион салоҳиятга эга бўлиши, тез ўзгарувчан шароитларга нисбатан мослашувчан бўлишини замоннинг ўзи талаб этмоқда. Шу боис ҳам олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини замон талабларига жавоб бера оладиган даражада ривожлантириш, таълимни тубдан ислоҳ қилиш, мазкур тизимни янги сифат босқичига кўтаришнинг муҳим шартларидан биридир.

Сўнгги йилларда таълим тизими, шу жумладан, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонунида таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари сифатида таълим соҳасида камситишларга йўл қўйилмаслиги, таълим олишга доир тенг имкониятларнинг таъминланиши, таълим ва тарбияга миллий ҳамда умуминсоний қадриятларнинг сингдирилганлиги, таълим ва тарбиянинг инсонпарварлик, демократик хусусияти [1] кабилар белгилаб берилган.

Шунингдек, мазкур Қонуннинг 46-моддасида педагогларнинг ижтимоий-касбий компетентлиги муаммосининг долзарблигини аниқ кўрсатиш имконини берадиган педагог ходимларнинг қуйидаги мажбуриятлари ҳам кўрсатиб ўтилган:

таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳурмат қилиши;

ўқув машғулотларини сифатли ўтказиши;

ахборот-коммуникация технологияларидан, ўқитиш ва тарбиянинг илғор ҳамда инновацион шакллари ва усулларидан фойдаланиши;

таълим олувчиларнинг психологик ва ўзига хос хусусиятларини, жисмоний ва руҳий саломатлигини, физиологик ривожланишини ҳисобга олиши, жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган шахсларни ўқитиш учун шарт-шароитлар яратилишига эътибор қаратиши;

вояга етмаган таълим олувчилар билан таълим-тарбия ишларини уларнинг ота-онаси ёки бошқа қонуний вакиллари билан ҳамкорликда олиб бориши [1] ва ҳ.к.

Айниқса, “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да бўлажак ўқитувчиларни ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш билан боғлиқ бўлган қатор муҳим йўналишлар белгилаб берилган. Замонавий шароитда компетенциявий илмий ёндашув касбий-педагогик таълимнинг замонавий талабларига жавоб берувчи инновацион тавсифга эга бўлиб, янги авлод фуқароларини шакллантиришда тарбиянинг ролини оширишга хизмат қилади. Компетенциявий ёндашувни амалга оширишнинг моҳияти таълимни модернизациялашда (таълим ва тарбиянинг ўзаро биргаликдаги ҳаракати), унинг сифат жиҳатидан ўзгариши, таълим-тарбиянинг устувор йўналиши сифатида янги инсоний қадриятлар тизимини яратишда яққол намоён бўлади.

Сўнгги пайтларда таълим жараёни натижаларини тобора кўпроқ “компетентлик” тушунчаси билан боғлаб келишмоқда. Замонавий таълим амалиётида компетентлилик *таълим қадрияти, мақсади, натижаси* каби учта ҳолатда намоён бўлмоқда. Чунки компетентлилик, *биринчидан,* таълимнинг интеллектуал ва кўникмали таркибий қисмларини ўзида бирлаштиради; *иккинчидан,* компетентлилик тушунчаси “натижадан” шаклланадиган таълим мазмунини талқин қилиш ғоясини ўз ичига олади; *учинчидан*, компетентлик интегратив табиатга эгадир [3]. Ўқитувчи учун касбий фаолият бу педагогик фаолиятдир, бу эса илмий адабиётларда келтирилган “педагогик компетентлик” категорияси билан боғлиқ.

Aila Paaso ва Kati Korento касбий компетентликни ривожлантиришнинг муҳим жиҳатлари сифатида амалий иш тажрибаси; касбий билим ва кўникмалари ҳамда мутахассиснинг ўз-ўзини шахсий ва касбий

ривожлантириб боришга йўналтирилган узлуксиз таълими билан боғлиқ ҳолда тавсифлайди [5:12]. Индонезиялик олим Adnan Hakim эса “касбий компетентлик – бу бирор кишининг маълум бир фаолият турини бажара олишидаги билими, дунёқараши, малака ва кўникмаларига асосланган иш талабларига мувофиқ қобилиятидир” [4] деб изоҳлайди.

Касбий компетентлик, педагогнинг касбий компетентлиги бўйича тадқиқотлар олиб борган Германиялик олимлар J.Baumert, M.Kunter, W.Blum, U.Klusmann, S.Krauss ва M.Neubrandлар педагогнинг касбий компетентлигини зарурий касбий билим, кўникма ва касбий этика бирлиги сифатида баҳолаб, унинг асосий компонентлари сифатида ижтимоий таҳлил, педагогик вазиятлар диагностикаси, рефлексия ва касбий ҳаракатларни эътироф этишган [6].

Тадқиқотчиларнинг фикрича, педагогнинг касбий компетентлиги унинг тегишли фан соҳаси ва тарбия борасида махсус илмий-назарий билимларга шунингдек, белгиланган вазифаларни самарали ҳал эта олиш лаёқатига эга бўлиши; махсус касбий этика асосида таълим олувчиларнинг қизиқишларидан келиб чиқадиган аниқ педагогик вазиятларни самарали ечимини топиши; юқорида келтирилган касбий вазифаларни амалга оширишдаги ҳар бир педагогик ҳатти-ҳаракати учун ҳар бир шахс олдидаги масъулият ва жавобгарликни ҳис этиши билан белгиланади.

Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, педагогларга қўйиладиган талаблар тўплами сифатида профессиограммадан фойдаланиш қулай, аммо фақат операционал компетентликларни тавсифлашда мақсадга мувофиқ бўлади. Шу сабабли, идеал педагог моделини ўрганишга бўлган профессиографик ёндашув бугунги кунда етарли эмас. Шунинг учун бугунги кунда акмеографик тадқиқотлар натижалари ҳисобланган акмеограммани тузишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Акмеограмма – акмеографик ёндашувнинг асосий методи ва у прогрессив ривожланишга ҳамда биринчи навбатда шахснинг профессионализми ва конкрет меҳнат субъектлари фаолиятининг тараққиётига имкон берадиган талаблар, шароит ва омиллар тизимини намоён этади. Акмеограмма доимо индивидуал бўлади, расмий равишда у самарали фаолият кўрсата-ётган субъектнинг индивидуал “кесими”ни, унинг имкониятлари ва истиқболларини, ўрнини қоплайдиган ва акси бўлган хусусиятларини ўзида мужассам этади [7]. Акмеограмма – профессиограмма ва психограммага нисбатан умумлаштирувчи категория бўлиб ҳисобланади.

Бўлажак педагоглар – бу ижтимоий-педагогик компетентликка эга бўлиши зарур бўлган мутахассислар тоифаси бўлиб, унинг шаклланиши ОТМда таълим олишининг дастлабки йилларидан бошланиши керак. Баъзи олимларнинг фикрига кўра таълимга компетенциявий ёндашув таълим натижаларининг операционал, кўникмага асосланган жиҳатига эътиборни кучайтиради. Миллий психологик-педагогик фанларда эса эътибор асосан, таълимнинг мазмунли, шахс билан боғлиқ таркибий қисмларига қаратилган. Бизнинг фикримизча, таълимда компетенциявий ёндашувни қўллашнинг афзаллиги шундаки, ўқитиш мазмуни, унинг ташкилий-методик жиҳатлари сезиларли даражада бойийди, таълим шахснинг самарали ҳаётга тайёрлиги ва қобилиятини ривожлантиради.

Шундай қилиб, бўлажак ўқитувчи учун ижтимоий-педагогик компетентлиликнинг муҳимлигини таъкидлаган ҳолда, ушбу сифатнинг ривожланиши унинг ўзгарувчан ижтимоий-иқтисодий шароитларга мослашишига, мазкур ўзгаришларга ўз вақтида ва педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ жавоб беришга тайёрлигига ижобий таъсир кўрсатади, деган хулосага келдик. Дунёқарашни кенгайтириш, дунё, қадриятли муносабатлар тизими, мустақил билим олиш учун мотивация, ўз касбига қизиқишига яхлит бир нуқтаи назарни шакллантиришга имкон беради. Бунда ўқитувчиларнинг касбий педагогик функцияларини ривожлантиришда сифат ўзгаришлари содир бўлиб, улар ижтимоий-педагогик фаолият асосида ётадиган ахлоқий қадриятларни амалга ошириш; ўқувчиларга педагогик ёрдам кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш; ижтимоийлашув жараёнида болага яқиндан ёрдам бериш, таълим жараёнининг барча субъектлари ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштиришга йўналтирилганлиги (ўқитувчилар, ота-оналар, ўқувчилар); индивидуал ва гуруҳий фарқларни ҳурмат қилишда яққол намоён бўлади. Қоидага мувофиқ, бундай ўқитувчилар ўқувчиларнинг ижтимоий ва шахсий ривожланиши учун шароит яратиб, ижтимоий адолатни таъминлашга интилишади, шахсий ва касбий одоб-ахлоқнинг юқори стандартларига интилишади.

Ижтимоий-педагогик компетентлик бўлажак мутахассисни жамият, ижтимоий-маданий муҳит билан таништиришнинг зарурий қисми бўлиб, ўтмиш меросга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, воқеликни ижодий идрок этиш ва ўзгартира олиш қобилятини шакллантиради. У инсоннинг ижтимоий тажрибаси, истиқболда ўз-ўзини ривожлантиришга интилиши, менталлиги билан белгиланиб, дунёқараш ва хатти-ҳаракатларнинг мустаҳкам асосларини ўзида мужассам этади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. (23.09.2020). // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон.)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон.
3. Баскаев Р.М. О тенденциях изменений в образовании и переходе к компетентностному подходу // Инновации в образовании. – М.: 2007. №1. – С.10-15
4. Adnan Hakim. Contribution of Competence Teacher (Pedagogical, Personality, Professional Competence and Social) On the Performance of Learning // The International Journal Of Engineering And Science (IJES) || Volume || 4 || Issue || 2 || Pages || PP.01-12|| 2015
5. Aila Paaso & Kati Korento. OSAAVA OPETTAJA 2010–2020. Toisen asteen ammatillisen koulutuksen opetushenkilöstön osaaminen. – Tampereen yliopistopaino Oy - Juvenes Print, Tampere 2010. – P.224.
6. Baumert, J., Kunter, M., Blum, W., Klusmann, U., Krauss, S. & Neubrand, M. (2011). Professionelle Kompetenz von Lehrkräften, kognitiv aktivierender Unterricht und die mathematische Kompetenz von Schülerinnen und Schülern (COACTIV) – Ein Forschungsprogramm. In M. Kunter, J. Baumert, W. Blum, U. Klusmann, S. Krauss, & M. Neubrand (Hrsg.). Professionelle Kompetenz von Lehrkräften. Ergebnisse des Forschungsprogramms COACTIV (S. 7-25). Münster: Waxmann
7. Салиев А.Ш. Ёшларнинг интилувчанлигини аниқлашда акмеограмманинг аҳамияти // Ёшларнинг акмеологик қарашларини шакллантиришда соғлом турмуш тарзининг ўрни: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари (2008 йил, 30 май). – Т.: “Фалсафа ва ҳуқуқ” институти нашриёти, 2008. 227-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада бўлажак ўқитувчиларда ижтимоий-педагогик компетенцияларни ривожлантириш, акмеограмма билан касбий компетентликнинг ўзаро боғлиқлиги масалаларига оид илмий таҳлиллар ўз аксини топган.

РЕЗЮМЕ

В статье отражён научный анализ развития социально-педагогичкских компетенций будущих учителей, взаимосвязь между акмеограммой и профессиональной компетенцией.

SUMMARY

The article reflects the scientific analysis of the development of socio-pedagogical competencies in future teachers, the relationship between professional acme and professional competence.

УДК 378

КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ТАҲСИЛ ОЛАЁТГАН ТЕХНИКАВИЙ ЙЎНАЛИШ ТАЛАБАЛАРИ УЧУН ФАН ДАСТУРИНИ ЯРАТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ш.М.Мухаммедов – *мустақил тадқиқотчи*

Бухоро давлат университети ҳузуридаги педагог кадрларни кайта таййорлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий маркази

Таянч сўзлар: кредит-модуль, таълим тизими, таълим стандартлари, фан дастурлари, машғулот соатлари, мустақил таълим, кредитлар сони, масофавий таълим, таълим платформаси.

Ключевые слова: кредит-модуль, система образования, образовательные стандарты, программы дисциплин, объём обучения, самостоятельное обучение, количество кредитов, дистанционное обучение, платформа обучения.

Key words: Credit module, education system, educational standards, discipline programs, study volume, self-study, number of credits, distance learning, training platform.

Кириш. Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини жаҳон андозаларига мос ривожлантириш, замон ва дунё талабларига жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлаш ҳозирги даврнинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Шуни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ- 5847-сон фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 824-сонли қарори қабул қилинди.Ушбу қарорда 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб Республика олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш тартиби жорий қилиниши кўрсатилган. Шу билан бирга ОТМ ларида кредит-модулга ўтиш тўғрисидаги низом ҳам тасдиқланган. Қарорда кредит-модуль тизимига доир ҳужжатларни ишлаб чиқиш вазифаси ҳам қўйилган. Низом 9 боб 46 моддадан иборатдир. Қарорнинг биринчи иловасида ОТМ ларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимига босқичма-босқич жорий этиш схемаси келтирилган [2]. Шу схемага асосан 1-босқичда ОТМ янги ўқув йили бошлангунча ўқув режвси ва фан дастурларини жаҳон стандартларига мослаштириш, ҳар бир фанга кредитларни тақсимлаш, фанлар каталогини шакллантириш ва эълон қилиш вазифаси қўйилган. Шунга асосан бизлар қуйида технология фани ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитиладиган “Материалшунослик” фанини дастурини кредит-модуль тизимида тайёрлаш схемаси тўғрисида тўхталамиз.

Асосий қисм. Кредит-модуль тизимида ўқув режадаги ҳар бир фанни ўқитишга ҳозирланаётган ўқитувчи даставвал ўзининг фан дастурига эга бўлиши тавсия этилади. Фан дастури бу фаннинг “йўл харитаси” бўлиб, у талабага фан ҳақидаги асосий маълумотларни беради. Фан дастури шакли ва таркиби турлича бўлиши мумкин лекин у энг камида қуйидаги бўлимларни қамраб олиши керак:фаннинг тавсифи, фаннинг максади,мавзулар рўйхати, таълим технологиялари, баҳолаш мезонлари , адабиётлар. Фан дастурида фаннинг нима ҳақида эканлиги, мақсадлари, семестр давомида ўтиладиган мавзулар рўйхати, фойдаланиладиган материаллар, адабиётлар рўйхати, баҳолаш услуб ва мезонлари қамраб олинган. Бундан ташқари унда, ўқитувчининг контакт маълумотлари, ўқитувчи билан ҳафталик консултация вақти, академик мулоқот ҳолатлари ҳам бўлиши мумкин. ECTS кредит – модуль тизими асосида яратилган материалшунослик фани дастурига қуйидагини мисол қилиб келтиришимиз мумкин [4].

Университетлар ва педагогика институтларида 5112100-технологик таълим йўналишида ўрта умумтаълим мактабларининг технология фани ўқитувчилари тайёрланади. Бу йўналишнинг 2020 йил 18 августда тасдиқланган ўқув режасига асосан талабалар бакалавр даражасини олиш учун 3 йил таҳсил оладилар. Шу талабалар 1 курс 1-семестрида ўқув режасидаги 2.06.блокда “Материалшунослик” фанини ўзлаштирадилар. Фанга 180 соат ажратилган. Бунинг 90 соати аудитория соатлари 90 соати мустақил таълимга тўғри келади. Аудитория соатлари 40 соат маъруза, 30 соат амалий машғулот, 20 соат лаборатория ишларига тақсимланган. Юқорида айтиб ўтилган схемага асосан материалшунослик фанининг ишчи дастури муаллифлар томонидан тайёрланди. Фанга ҳафталик 6 соат вақт ажратилган бўлиб 1 семестрда 6 кредитни ташкил қилади.

Жадвал кўринишида қуйидагича ёзиш мумкин

<table>
<tr><td colspan="2">Фан/ модуль коди
Mat M 2006</td><td>Ўқув йили
2020-2021</td><td>Семе стр 1</td><td colspan="2">ECTS-кредитлар 6</td></tr>
<tr><td colspan="2">Фан/ модуль тури
Мажбурий</td><td colspan="2">Таълим тили
Ўзбек/рус</td><td colspan="2">Ҳафталик дарс соатлари 6</td></tr>
<tr><td rowspan="2">1</td><td>Фаннинг номи</td><td colspan="2">Аудитория машғулот-лари (соат)</td><td>Мустақил таълим (соат)</td><td>Жами юклама (соат)</td></tr>
<tr><td>Материал-шунослик</td><td colspan="2">90</td><td>90</td><td>180</td></tr>
</table>

Материалшунослик фанинг тавсифи: фанни ўқитишдан мақсад-талабаларга материалшунослик ва конструкцион материаллар бўйича билимларнинг назарий асосларини, металл ва металмас материалларнинг тузилиши, уларнинг хоссалари, қотишмалар назарияси, қора ва рангли металлар, нометал материаллар, ҳамда металларни термик ва кимёвий термик ишлов бериш, металларни занглашини олдини олиш, конструкцион материалларни ишлаб чиқариш усуллари, уларнинг хоссаларини яхшилаш ҳамда деталлар тайёрлаш тўғрисида, металларни пайвандлаш, кесиш ва кавшарлаш, кесиб ишлаш асослари, металмас материаллар ва улардан деталлар тайёрлаш технологиясига оид материаллар билан танишиб уларни амалиётга тадбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилишдан иборат.

Фаннинг мақсади: талабаларга металл ва металмас материалларнинг тузилиши, уларнинг хоссалари, қотишмалар назарияси, қора ва рангли металлар,

нометал материаллар, хамда металларшнг термик ва кимёвий термик ишлов бериш, металларнинг занглашини олдини олиш, конструкцион материалларни ишлаб чиқариш усуллари, уларнинг хоссаларини яхшилаш ҳамда деталлар тайёрлаш тўғрисида асосий тушунчалар бериш,ўрганилган билимлардан технология фанини ўқитишда фойдаланишни ўргатиш.

Материалшунослик фанидан мавзулар рўйхати: Бу рўйхатда маърузалар бўйича 20 та мавзу, амалий машғулотлар бўйича 15 та мавзу, лаборатория ишлари бўйича 10 та мавзу, мустақил таълим бўйича 25 та мавзу киритилади. Масалан маъруза машғулотларида 1-мавзу: Материалшунослик ва конструкцион материаллар фанининг предмети ва вазифалари. Материалшунослик ва конструкцион материаллар фанининг ривожланиши ва технологик таълимдаги ўрни.Ўзбекистонда халқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисидаги давлат режаларида янги конструкцион материалларини ишлаб чиқариш, мавжуд усулларни такомиллаштириш учун белгиланган тадбирлар. Материалшунослик ва конструкцион материалларнинг техникавий ва илмий фанлар, технологик ва политехник таълим билан боғлиқлиги...

Амалий машғулотлардан 1-мавзу: Темир цементит ҳолат диограммаси. Fe-Fe3C ҳолат диограммасини ташкил этувчи структуралар билан танишиш ва қотишмаларнинг совитиш ҳамда қиздириш эгри чизиқларини қуриш орқали фазалар ўзгаришини таҳлил қилишни ўрганиш...

Лаборатория иши: 1-мавзу: Металларнинг кристалланиш жараёнини ўрганиш. Тузнинг (қўрғошин, нитрий, калий, биҳромат, ош тузининг) туйинган эритмаси олиниб, шиша пластинкага бир неча томчи томизилиб, микраскопда тузнинг кристалланиши кузатилади. Уларнинг шакли дафтарга чизилади ва ўрганилади.

Материалшунослик фанидан баҳолаш мезонлари: Кредитларни олиш учун талабалар: фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштириш, таҳлил натижаларини тўғри акс эттира олиш, ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳода юритиш ва жорий, оралиқ назорат шаклларида берилган вазифалар ва топшириқларни бажариш, якуний назорат бўйича ёзма ишни топшириш керак бўлади

Талабалар билимини баҳолаш Кириш назорати. Бу назорат тури модулга кириш мақсадида анкета- сўровномаси шаклида ўтказилади. Бунда талабаларга фаннинг келажакдаги талабалар билан фаолиятида тутган ўрни, аҳамияти, фан мазмуни, фанни ўқитиш усулларига оид сўровлар ўтказилади, талабаларнинг фанни ўрганиш учун зарур бўлган дастлабки билимлари аниқланади, таклиф ва тавсиялар олинади. Ушбу сўровлар натижаси чуқур ўрганилиб фанни ўқитишни ташкил қилиш жараёнида зарур ўзгартиришлар киритилади [5].

Оралиқ назоратлар. Оралиқ назоратлар семестр давомида 2 марта ўқув машғулотлари давомида ўтказилади ва 1-10 ва 11-20 модуллар бўйича талабаларнинг бажарган ишлари ёзма шаклда жамланиб таҳлил қилиб баҳоланади.

Жами 15 та амалий (ва 10 та лаборатория машғулотининг ҳар бўйича ўзлаштириш натижалари 5 баллик тизимда баҳоланади ва жами 95 балл тўпланади, талабанинг дарслардаги фаоллиги ва иштирокига умумий 5 балл қўйилади. Умумий ҳисобда оралиқ назорат топшириқлари 100 баллик тизимда баҳоланади.Бухоро давлат университетида таълимнинг кредит тизими тўғрисида низомнинг 8-иловасида баҳоларни конвертация қилиш келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 9-августдаги 19-2018-сонли буйруғига илова қилинган “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш баҳолаш тизими тўғрисидаги низом”га мувофиқ оралиқ назоратда фан бўйича етарли балл тўплаган талабалар якуний назоратга қўйилади.

Якуний назорат (чиқиш назорати).

Якуний назорат тақдимот (ёки ҳамкорликдаги тақдимот) шаклида ўтказилади. Талабанинг якуний назоратдаги ўзлаштириши 100 баллик тизимда баҳоланади унинг баҳолаш кўрсаткичи аниқланади. Якуний назорат баҳоси фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичини белгилайди

Ўқитувчи фаннинг ўқиш натижалари сифатида соҳавий муаммоларни таҳлил қилиш, жамоада ишлаш, тақдимот қилиш каби кўникмаларни қайд этган ҳолда, семестр давомида дарсларни фақат маъруза шаклида ўтказса ва семестр сўнгида талабаларни фақат тест шаклида имтиҳон қилса, бунда ўқиш натижалари, ўқиш юкламалари ва имтиҳон тури ўртасидаги номутаносибликни кузатиш мумкин. Чунки, талабада соҳавий муаммоларни таҳлил қилиш кўникмаси маъруза ёки семинар шаклидаги дарсларда шаклланмайди. Талабаларда соҳавий муаммоларни таҳлил қилиш кўникмасини шакллантириш учун ўқитувчи улар билан мунтазам шундай турдаги машғулотларни ўтказиши зарур [2].

Таълим беришнинг интерфаол усуллари талабада мустақил ўқиш, танқидий фикрлаш, ўз билимларини муаммоларга қўллаш, мунозарага кириш, жамоада ишлаш каби кўникмаларни шаклланиши мумкин. Таълим фанларини ўрганиш учун модулли дастурларнинг бир қисми сифатида деярли ҳар қандай модул бўлиши мумкин. Уларнинг сони, қоида тариқасида, турли фанларнинг мавзу майдонларини тавсифловчи дидактик контент ҳажмига, шунингдек унинг алоҳида модулларга ажратилишига қараб белгиланади. Ўқув-услубий жиҳатдан турли фанларни ўрганиш дастурлари доирасида модулларнинг сони бир ёки бир неча ўқув даврига бўлинади [7].

Хулоса. Фан дастурини яратиш мураккаб жараён эмас. Лекин у ўқитувчини ўқув йили бошида бироз мулоҳазага чорлайди: у ўқитувчини семестр давомида ўз фани бўйича қилмоқчи бўлган ишларини олдиндан аниқ режалаштириб олишга, фан мавзуларини аҳамиятига қараб саралаб олишга ундайди. Талабаларни кўпроқ билим олишга, мустақил ишлашга, иктисодий ҳисоб-китоб қилишга ва вактни тўғри тақсимлашга ўргатади. Шунингдек талаба ўзининг жамият олдидаги маъсулятини ҳис қилади. Энг муҳими фан ҳақидаги маълумотлар талабаларга семестр бошида тақдим этилиши керак бўлади.

Адабиётлар

1. Каххаров С. К.,Рахматов И.И.,Мухамедов.Ш.М. Особенности построения образовательного процесса на основе модульных технологий обучения в Узбекистане. // Вестник науки и образования. №18(96).Ч.2.сентябрь 2020. –С. 33-36.

2. Рахматов И.И., Мухамедов.Ш.М. Олий таълимда кредит модул тизимидан фойдаланишнинг илмий асослари.Тошкент давлат педагогика университети илмий ахборотлари. Илмий назарий журнал, 6-сон. 2020. 85-89-б.

3. Рахматов И.И., Мухамедов.Ш.М. Организация системы модульно-кредитного обучения в техническом ВУЗе. «Инновацион ғоялар, ишланмалар амалиётга: муаммолар ва ечимлар» мавзусида масофавий онлайн Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. –Андижон: 2020. 27-28 май. 122-125-б.

4. Ўринов В. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида ECTS кредит-модуль тизими”. Асосий тушунчалар ва қоидалар. 10 август 2020.

5. Усмонов Б.Ш. Хабибуллаев Р.А. “Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш”. Ўқув қўлланма. –Тошкент: 2020.

6. Мухамедов Ш. “Таълимнинг кредит-модуль тизимини Ўзбекистон олий таълимида қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари”. ҚарДУ хабарлари. 2020 № 4. 183-186-б.

7. Mazhidovich M.S. (2020). The modern educational process based on credit module learning technologies. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8 (12), Part III, 78-84.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ҳозирги таълим тизимининг долзарб вазифаларидан бири таълимни жаҳон андозаларига мослаштириш ҳақида фикр юритилган. Таълим тизимига Европа стандартлари асосида кредит-модуль тизимини жорий қилиш йўллари баён қилинган. Олий таълимда кредит-модуль тизимини технология фани ўқитувчиларини тайёрлашда қўлланиладиган методлар шу жумладан техникавий фан Материалшунослик дастурини тузиш кетма-кетлиги келтирилган. Фан дастурини тузишда унинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинган. Кредит-модуль тизимини олий таълимда қўллашнинг афзалликлари ҳам баён қилинган ҳамда тавсиялар берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается, что одной из актуальных задач существующей системы образования является приведение образования в соответствие с мировыми стандартами. Описаны пути внедрения кредитно-модульной системы в систему образования на основе европейских стандартов. Методики, применяемые при подготовке учителей технологий по кредитно-модульной системе в высшей школе, в том числе последовательность разработки программы материаловедения. При создании научной программы учитывались её особенности. Также описаны преимущества кредитно-модульной системы в высшем образовании и даны рекомендации.

SUMMARY

The article considers that one of the urgent tasks of the existing education system is to bring education in line with world standards. The ways of introducing a credit-modular system into the education system based on European standards are described. Methods used in the training of technology teachers according to the credit-modular system in higher education, including the sequence of developing a materials science program. When creating a scientific program, its features were taken into account. The advantages of the credit-modular system in higher education are also described and recommendations are given.

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН УМУМТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ УЗЛУКСИЗ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ҳ.С.Оғаев – *мустақил тадқиқотчи*
Бухоро давлат университети

Таянч сўзлар: модернизациялаштирилган таълим, илмий-методик тайёргарлик, таълим мазмуни, инновацион фаолият, технократик ёндашув, касбий маҳорат, педагогик фаолият.

Ключевые слова: модернизированное образование, научно-методическая подготовка, содержание образования, инновационная деятельность, технократический подход, профессиональные навыки, педагогическая деятельность.

Key words: modernized education, scientific and methodological training, educational content, innovative activity, technocratic approach, professional skills, pedagogical activity.

Жамиятнинг маънавий-маданий, иқтисодий ҳаёти ва меҳнат бозорининг тараққиёт талабларига мос равишда ривожланиб бориши, жамият тараққиётнинг жадаллашуви, ахборот муҳитининг глобаллашуви, таълим-тарбия тизимини замон талаблари асосида модернизация қилиш, ёшларни жисмоний ва маънавий соғлом инсонлар қилиб тарбиялаш, педагог ходимларнинг касбий маҳоратини такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек “Ҳаммамизга аёнки, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу – илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ”. Шу нуқтаи назардан бугунги кунда мамлакатимизда халқ таълим тизимидаги ислоҳотлар дунё даражасига интилар экан, ўқитувчиларимиз ҳам ривожланган мамлакатларда эътироф этилган таълим меъёрлари даражасига эга бўлишлари лозим. Маълумки, халқаро тажрибада ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантириш механизмлари такомиллашиб бормоқда. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари Финляндия, Франция, Буюк Британия, Германия, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Хитой каби давлатларда ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантириш инновацион ёндашувлар асосида амалга ошириб келинмоқда. Шу нуқтаи назардан, ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришнинг мақсади, мазмуни, методлари ва унинг натижаларини қайтадан кўриб чиқишни тақоза қилади.

Ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантириш технологиялари асосида фан ва ишлаб чиқаришнинг замон талабларига жавоб берувчи янги таълим парадигмаларини яратиш, ўқитувчиларнинг касбий маҳоратларини оширишнинг замонавий шаклларидан амалда фойдаланиш, масофавий таълимнинг илмий асосларини такомиллаштириш, ўқув материалларини ўзлаштиришга бўлган мотивацияни ошириш, ўқитувчиларни замон талаблари асосида касбий маҳорати ва фаолият самарадорлиги мунтазам ошириб боришни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ”Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим – тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги”ги ПФ-6108-сонли Фармонларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Таълим тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4884-сонли қарорларида бир қатор вазифалар белгилаб берилди. Ушбу устивор вазифаларни амалга оширишда ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришни такомиллаштириш ҳамда амалиётга татбиқ этишни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан илмий асослашда қуйидаги вазифаларни ҳал этилиши зарур деб ҳисоблаймиз:

- модернизациялаштирилган таълим шароитида ўқитувчиларнинг касбий, илмий-методик тайёргарлиги

таълим мазмуни ва унинг методик таъминотидан орқада қолаётганлиги;

- ижтимоий-гуманитар фанлари ўқитувчиларида касбий-ижодий, ғоявий-сиёсий қарашларида ва инновацион фаолиятида технократик ёндашувнинг устунлиги;

- ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларида дарс берадиган ўқитувчиларнинг илмий-назарий, касбий ҳамда методик жиҳатдан тайёргарлигини узлуксиз ривожлантиришнинг такомиллаштирилмаганлиги;

- ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг замонавий педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қиладиган билим, кўникма ва малакаларни мунтазам янгилаш ҳамда таълим жараёнини иннновациялашнинг электрон платформаси яратилмаганлиги кабилар.

Модернизациялаштирилган таълим шароитида ўқув-тарбия жараёнини педагогик инновациялар асосида бошқариш, уларнинг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришга асосий эътиборни қаратишни даврнинг ўзи тақазо этмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни таълим амалиётида қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришнинг мотивацион, информацион факторлари, инновацион фаолият, тадқиқотчилик, мустақил изланиш, ўқув вазиятларини лойиҳалаштира олиш, моделлаштириш, барқарорлаштириш фаолиятлари асосида такомиллаштириш;

ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришда методик хизмат кўрсатишнинг оптимал педагогик шарт-шароитлар, халқаро тажрибалар, инновацион фаолиятга йўналтирилган таълим устуворлиги ҳамда замонавий ахборот технологиялари асосида инновацион касбий фаолиятга йуналтириш;

ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг касбий фаолиятини узлуксиз ривожлантирувчи ва ўз-ўзини назорат қилиш ҳамда педагогик жараённи бошқариш мезонлари прогнозлаш, таҳлил, мустақил таълим, ахборот таълим ресурслари, педагогик диагностика асосида инновацион ўқув жараёнини автоматлаштиришнинг электрон платформасини яратиш;

ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришда инновацион таълим жараёнини прогнозлаш, режалаштириш, масофадан ўқиш, педагогик маҳорати ва баҳолаш каби касбий инновацион фаолият самарадорлигини назорат қилиш технологиясини ишлаб чиқиш.

Хулоса қилиб айтганда, ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантириш, уларнинг касб маҳоратини, педагогик-психологик ва методик тайёргарлигини замон талаблари асосида ташкил этиш имкониятини яратади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ”Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим–тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги”ги ПФ-6108-сонли Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Таълим тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4884-сонли қарори.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантириш, ўқитувчиларнинг касбий маҳоратларини оширишнинг замонавий шакллари, ўқитувчиларнинг касбий маҳорати ва фаолият самарадорлиги таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируются вопросы непрерывного развития профессиональной компетентности учителей в специализированных общеобразовательных учреждениях, современные формы повышения квалификации учителей, профессиональные навыки учителей и эффективность их деятельности.

SUMMARY

The article analyzes the issues of continuous development of professional competence of teachers in specialized educational institutions, modern forms of professional development of teachers, professional skills of teachers and the effectiveness of their activities.

ТАЛАБАЛАРНИНГ УМУМКАСБИЙ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Н.Орынбетов – *педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори*

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: масофавий таълим, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, вебинар, электрон маъруза, телеанжуман, интернет тармоғи, электрон кутубхона, тьютор- консультант.

Ключевые слова: дистанционное обучение, современные информационные и коммуникационные технологии, вебинары, электронные лекции, телеконференции, Интернет, электронная библиотека, тьютор-консультант.

Key words: distance education, modern information and communication technologies, webinars, electronic lectures, teleconferences, Internet, electronic library, tutor-consultant.

Жаҳонда юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизими, уларга бўлган жамият талаби таълимнинг техник воситалари ҳамда замонавий ахборот ва педагогик технологиялари имкониятларидан таълим жараёнида фойдаланиш асосида доимий ривожланиб бормоқда. Айниқса, технологик таълимни такомиллаштириш асосида талабаларнинг умумкасбий фанлари бўйича касбий тайёргарлигини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, STEAM (фан, технология, инжиниринг, санъат, математика) усулига асосланган ўқитиш тизимига талабаларни мақсадли тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. Маълумки, ҳозирги кунги таълимда рақобатбардош кадрлар тайёрлаш жараёни бевосита ўқув фаолиятини ҳам замон талабига мослашни талаб этаётган ўқув жараёни замонавий педагогик ва ахборот технологиялари билан олиб борилаяпдики, бу эса ўқитиш сифатининг тубдан ўзгаришига замин яратаяпти. Технология таълими йўналишида замонавий кадрларни тайёрлаш кўп жиҳатдан умумкасбий фанлари ўқитувчиларига боғлиқдир. Таълим жараёнида касбий кўникма ва малакалар тизими яратилади, талабалар керакли ишлаб чиқариш тажрибасига, касбий махоратга эга бўладилар.

Таълимни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлаш икки босқичда олиб борилмоқда: компьютер саводхонлигини ошириш ва таълим жараёнида компьютердан фойдаланиш. Биринчи босқичда маълум бир натижаларга эришилган, иккинчи босқичда эса бажарилган ишларнинг қониқарсиз эканлигини кўрамиз: амалиётда ўргатувчи дастурлар деярли мавжуд эмас; дастурий воситаларни яратишга мутахассислар кенг жалб қилинмаган; дастур воситалари ва улардан фойдаланиш технологиясидан ўқитувчилар деярли хабардор эмас; дастурий воситаларни яратиш технологияси ҳозиргача психологик, педагогик, дидактик, услубий жиҳатдан кенг жорий этилмаган, илмий асосланмаган, талабаларнинг реал билиш имкониятларига мослаштирилмаган. Демак, иккинчи босқичга эътиборни сезиларли даражада кучайтириш ҳозирги замон талабига жавоб берадиган дастурий воситаларни яратиш замон талабидир.

Таълимнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланиш жараёнини энди орқага қайтариш ёки тўхтатиш мумкин эмас. Таълимда компьютерлаштиришни тўхтатиб бўлмайди, таълимда компьютерни қўллаш керак - деб ёзган эди Е.И.Машбиц [2:22-23].

Таълим жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш самарадорлиги фақат техника воситаларидан фойдаланилганлиги билан белгиланмасдан, уларга мос дастурий воситаларнинг фойдаланилганлигига ҳам бевосита боғлиқ эканлигини барча англаб етмоғи лозим.

Ўқитиш жараёнларини рақамли технологияларда индивидуаллаштириш, масофавий таълимни такомиллаштириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларида масофавий таълим дастурларини ташкил этиш, вебинар, “blended learning” технологияларини амалиётга тарғиб этиш, маъруза ва амалий машғулотларни онлайн кузатиш ва ўзлаштириш имконини берувчи, шунингдек уларни электрон ахборот сақловчиларга юкловчи “E-minbar” платформасини амалиётга жорий этиш лозим [1].

Масофавий таълим (distant education) – ахборот технологиясидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб таълим мухити ёрдамида ўқув ахборотларининг алмашинишни таъминлайдиган ва ўқув жараёнини олиб бориш ҳамда бошқариш тизимини амалга оширадиган билим ва кўникмаларни эгаллаш жараёни.

Масофавий ўқитиш - ўрганаётган материалнинг асосий ҳажмини ўқувчиларга етказиш, ўқув жараёнида талаба ва ўқитувчининг интерфаол мулоқоти, талабаларга ўрганаётган материалларни ўзлаштириш бўйича мустақил ишлаш, шунингдек, уларнинг ўқиш мобайнида олган билим ва кўникмаларини бахолашга имконият берадиган ахборот технологиялари йиғиндиси.

Масофавий ўқитишда - ўқув жараёнига тегишли бўлган барча компонентлар (мақсад, мазмун, ташкилий шакл, метод, ўқитиш воситалари ва ҳоказо), Интернет-технологияси буйича махсус воситалар ва бошқалар билан амалга ошириладиган ва интерфаолликни назоратга олган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро масофадан туриб алоқа қилиши.

Масофавий ўқитишнинг асосий мақсади: тингловчилар қаерда яшашларидан қатъий назар жаҳондаги ихтиёрий таълим муассасасида ўқиш имкониятини яратиш, таълим муассасаларидаги профессор-ўқитувчиларнинг салоҳиятларидан фойдаланган ҳолда таълим сифатини ошириш ва ўқувчиларга узлуксиз таълим олишни таъминлаш ва таълимнинг турли шаклларини бир-бирига яқинлаштиришдан иборат.

Масофавий таълимнинг анъанавий таълим шаклидан фарқи, унинг эгилувчанлигига боғлиқ равишда юқори ҳаракатчанлиги, тингловчиларнинг мустақил ишлаш имкониятининг катталиги, ўқув - услубий таъминотнинг ранг-баранг шаклдалигида бўлиб, улар тингловчиларнинг қаерда яшашларидан қатъий назар таълим жараёни самарадорлигини кўтаришга имкон беради.

Масофавий ўқитиш тизимига қуйидагиларни киритиш мумкин: дастлабки ташкилий ишлар (анъанавий тартибда ўтказиш ҳам мумкин). Бу ўз ичига гуруҳни шакллантириш, тингловчилар билан танишиш, уларнинг бошланғич билимларини аниқлаш учун мўлжалланган (кириш) тестларини ўтказиш, кириш дарсларини ташкил этиш, ўқиш учун зарур бўлган ўқув манбаларини тавсия қилиш ва бошқа ташкилий масалаларни ўз ичига олади;

тингловчиларга электрон маъруза ва қўлланмаларни узатиш;

тингловчиларнинг тьютор-консультант билан ёзишмаси;

профессор - ўқитувчиларнинг тингловчилар билан ёзишмаси.

Бу ўз ичига электрон почта орқали маслаҳатлар, телеанжуманлар кўринишидаги семинарлар, электрон тестдан ўтказиш, тингловчиларнинг Интернет тармоғи орқали мустақил ишлашлари, аудио-видео қўлланмалар билан мустақил ишлаши, эксперт тизимларидаги билимлар омборини эсда сақлаб қолишларини ўз ичига олади;

тингловчиларни мустақил ишлаши;

жорий назоратлар (имтиҳон);

битирув ишлари (реферат)ни тайёрлаш ва ҳимоя қилиш;

тингловчиларга диплом ёки сертификатларни тақдим этиш;

турли кўринишдаги телеанжуман (масалан, курс буйича, ўқув муассасаси бўйича ёки глобал тармоқли) лар [3].

Масофавий ўқитиш тизимининг ҳаракатчанлик хусусияти ўқув аудиторияларини ташкиллаштириш ва назорат қилиш, ўқув - методик қўлланма ва электрон кутубхоналарнинг жамғармаларини, компьютер тармоқларининг глобал ва маҳаллий ҳисоблаш ашёларидан фойдаланиш, тьютор - консултант ва ўқитувчиларни тайёрлаш каби таълим ашёларидан самарали фойдаланишни режалаштиришда муаммолар келтириб чиқаради.

Масофавий ўқитишни ташкил этиш асосий тамойилларлари:

ихтиёрий ёшдаги ўқувчиларнинг гуруҳи таълим олиш имкониятига эга эканлиги, яъни вақт ва фазода эгилувчанлиги:

юқори сифатли ўқув материалларини танлаш мумкинлиги;

ўқитиш жараёнини юқори даражадаги ошкоралик ва самарадорликда ўтказиш мумкинлигидан иборат.

Масофавий ўқитиш педагогик жиҳатдан:

ўзига хос йўналиши сифатида қаралиши;

ўқитиш ва ўқишни индивидуал ва дифференциал ёндошувнинг мавжудлиги;

ўқувчининг психологик хусусиятларини ҳисобга олиш мумкинлиги;

ўқувчиларнинг ўқишга мотивациясини кучайтириш, олган билимларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

фанлараро узвийлик таъминланиши;

муаммоли ўқитиш усулларидан фойдаланилиши;

замонавий ўқитиш усуллари билан бойитилиши;

гуруҳли ва яккама-якка усуллардан изчиллик билан фойдаланиш мумкинлик хусусиятларига эга [4].

Масофавий ўқитиш, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фуқоролик ҳуқуқларини тенглаштириш, танлаш, шунингдек, ўз фикрини эркин баён этиш ҳуқуқларини беради. Таълим тизимининг бугунги вазифаси тингловчиларни тўлиб тошган ахборот – таълим мухити шароитида бемалол фаолият кўрсата олишга ўргатишдан иборатдир. Бунинг учун уларга узлуксиз равишда мустақил ишлаш учун шароит яратиб бериш керак. Масофавий таълимда иштирок этаётган ўқитувчидан маълум билим ва кўникмаларни эгаллаганликларни талаб қилади. Ушбу билим ва кўникмаларни қўйидаги тўрт қисмга ажратиш мумкин:

ўқитувчининг таълимда янги ахборот технологиялари соҳасидаги умумий билим ва кўникмалари;

ўқитувчиларнинг Интернет технологиялари соҳасидаги махсус билим ва кўникмалари;

ўқитувчиларнинг педагогика ва психология соҳасидаги умумий билим ва кўникмалари;

ўқитувчиларнинг янги ахборот технологиялари соҳасидаги умумий билим ва кўникмалари [5].

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги кунда масофавий таълимни ташкил этиш ва уни ўтказиш борасида Республикамизда бир қанча ишлар олиб борилмоқда. Масофавий таълимда фойдаланиш учун барча профессор-ўқитувчилар томонидан яратилган қўлланмалар ва дарсликларнинг электрон вариантлари, электрон ўқув қўлланмалар ва дарсликлар яратилди ва уларни такомиллаштириш мақсадида ишлар олиб борилмоқда.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш» ПФ-5847-сонли фармони.
2. Орынбетов Н.Т. Меҳнат таълими йўналиши талабаларининг электротехника, радиотехника ва электроника бўйича касбий тайёргарлигини такомиллаштириш. Автореф. пед. фан. фалс. док....дисс (PhD). -Нукус: 2019.
3. Рахимов О. Д ва бошқалар. Масофавий таълимнинг дидактик таъминоти. -Қарши: 2012.
4. Omonov H.T va boshqalar. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. -Toshkent: 2009.
5. Миҳриддинова М.Т. Масофавий ўқитиш асослари. -Тошкент: 2011.

РЕЗЮМЕ

Масофавий таълим жараёнида мустақил билим олиш бўйича электрон дарсликларни яратиш ва уларни амалда қўллаш виртуал дарс жараёнини ташкил этиш муҳим долзарб вазифа ҳисобланади. Ўқув жараёнида қўллаш учун мўлжалланган электрон ресурслар ўқув жараёнини бошқариш, билим беришда ўқувчининг ишини осонлаштириши ва энг асосий билимларни назорат қилиш-баҳолашни тез ва ҳаққоний амалга оширишга имкон беради. Бу тавсияларнинг асосий мақсади ахборот технологияларининг қўлланилиши ўқитишнинг ушбу соҳадаги малака ва кўникмаларини ривожлантиришдан иборат.

РЕЗЮМЕ

Создание и внедрение электронных учебников по самостоятельному обучению в процессе дистанционного обучения является жизненно важной задачей. Ресурсы электронного обучения используются для управления процессом обучения, для облегчения работы учащегося в обучении, а также для мониторинга и оценки базовых знаний. Основной целью этих концепций является использование информационных технологий в развитии навыков и умений в области преподавания.

SUMMARY

Establishing and implementing electronic textbooks on independent learning in the process of distance learning is a vital task. E-learning resources are used to manage the learning process, to facilitate the student's work in teaching, and to monitor and evaluate basic knowledge. The main purpose of these tecniques is to develop knowledge and skills in this field of teaching.

ДИСКУРС ПРАГМАТИКАСИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Н.Н.Очилова - *ўқитувчи*

Самарқанд ветеринария медицина институти

Таянч сўзлар: интеллектуал, эмоционал, прагматика, коммуникатив, модал, адресат, оптатив, ассоциатив, диалоглашув, лисоний, имплицит, объектив.

Ключевые слова: интеллектуальный, эмоциональный, прагматика, коммуникатив, модальный, адресат, оптатив, ассоциативный, диалог, языковой, имплицит, объективный.

Key words: intellectual, emotional, pragmatics, communicative, modality, addressee, optative, associative, dialogical, language unit, implicit, objective.

Фан тилининг ўзига хослиги, унинг кўлами кенглиги, лисоний жиҳатдан мукаммал қурилишга эгалиги барчага маълум. Илмий битиклар ҳеч қачон олам манзарасининг бевосита, тўғридан–тўғри акси ёки сурати сифатида қабул қилинмаслиги керак. Улар тадқиқотчининг лисоний–тафаккур фаолияти маҳсулоти бўлиб, бу маҳсулотда инсоннинг воқеликка субъектив муносабати, унинг ўй-фикрлари, ғоявий–руҳий ҳолатлари ўз аксини топади. Энг муҳими, илмий асар муаллифи, худди бошқа ижодкорлар каби, ўз тингловчисига таъсир ўтказиш мақсадини кўзлайди ва бу таъсир фақат интеллектуал маънода бўлмасдан, балки эмоционал хусусиятга ҳам эга.

Илмий услуб ҳам ўз прагматикасига эга эканлигини ҳеч ким инкор қилмайди. Коммуникатив ҳодисалар қаторига кирадиган ҳар қандай тузилмага прагматик мазмун хослиги қачонлардир эътироф этилган [1, 2].

Маълумки, матннинг ўқувчисига кўрсатилаётган таъсири икки йўналишда кечади. Биринчисида, таъсир манбаси илмий матннинг мазмун–мундарижаси бўлса, иккинчисида, эса–қўлланилаётган лисоний бирликлардир. Биринчи ҳолатда ўқувчи мазмунни қабул қилиш, тушунишга олдиндан тайёр. Охиргисида ўқувчи таъсир воситасини матн таркибидан изламайди, ҳатто унинг мавжудлигини сезмасдан ҳам қолиши мумкин. Бундай таъсир ва лисоний воситаларнинг қўлланиши муаллиф режалаштирган прагматик мўлжал билан боғлиқ.

Прагматик мўлжал тушунчаси тилшунослар томонидан турлича талқин қилиинб келинмоқда. Шундай талқинлардан энг маъқулини В.А.Наернинг мақоласидан топиш мумкин: “матннинг прагматик мўлжалини ахборот узатувчининг онгли равишда уни қабул қилувчига таъсир қилишга йўналтирилган мақсадини матнда воқеланишини тушуниш лозим” [6]. Ушбу мўлжалнинг лисоний модаллашуви ўқувчининг онги, интеллектида акс топади ва олам манзараси ҳақидаги тасаввурида ўзгаришлар юзага келади, ижтимоий қадриятлар баҳоси бошқача кўриниш олади [2].

Прагматик мазмуннинг коммуникатив мақсад доирасида шаклланишини эътироф этаётиб, илмий матнларнинг прагматик мақоми уларнинг қайси жанрга тегишли бўлиши билан боғлиқлигини унутмаслик керак. Матннинг ўқувчига таъсир кўрсатиш даражаси унда информативлик ва баҳо бўлаклари қай даражада мослашувини акс эттиради. Бинобарин, мунозарали мақоланинг тажриба натижалари оддий равишда баён этилаётган ёки кузатилган фактлар қайд этилаётган матнларнинг прагматик қиймати бир хил бўла олмайди.

Адресатга таъсир ўтказиш уни маълум қилинаётган хабар, ахборотга ишонтириш йўли билан амалга

оширилади. Олимлар, одатда, ишонтириш мақсадини амалга оширишнинг қуйидаги нолисоний усулларини санаб ўтадилар: баён қилинаётган фикрнинг мантиқлилиги, изчиллиги, асослилиги, суҳбатдошга таъсир кучини олдиндан белгилаб олиш кабилар [8]. Бироқ прагматик самарага, санаб ўтилганлардан ташқари, лисоний воситалар ҳам нутқий амаллар ёрдамида ҳам эришилади.

Маълумки, таъсир кўрсатишнинг энг ёрқин кўринишларидан бири – хоҳиш ёки истак билдиришдир. Хоҳиш, истак, одатда, оптатитив ва буйруқ шаклидаги нутқий қурилмалар воситасида билдирилади. Масалан, I call upon those who are interested in this problem to take up making of the models in the field of biosynthesis of organic phosphorus compound (BRM, p. 654) нутқий тузилмасида call upon феъли ундош директиви маъносини беради.

Худди илмий матндан олинган I should like to raise a protest against reference to virus particles as molecules (BRM, p.352) гапи таркибидаги I should like синтактик тузилмаси истак маъносида бўлиш билан бир қаторда, илмий баҳс вазиятларида риоя қилиниши лозим бўлган этикет қоидаси талабини қондириш учун хизмат қилмоқда.

Ундаш–буйруқ мазмуни имплицит тарзда, яъни тагмаъноли ҳам ифодаланиши кузатилади ва бу вазифани кўпинча сўроқ шаклидаги тузилмалар бажаради. Қиёсланг:

Would Prof. Jackendoff comment on it? Сўроғи илтимос нутқий акти вазифасини бажарса, навбатдаги Is it not possible to explain the higher amount of the 40 S subunit in sell sap by a preferential detachment of this sun unit from membrane bound ribosomes? (BRM, 567) саволи воситасида эса, ўрганилаётган объектни изоҳлаш мақсади кузатилади.

Ундаш ҳаракати буйруқ беришдан ташқари, илтимос, маслаҳат бериш, хоҳиш билдириш каби босқичлардан иборат бўлади. Улардан қайси бирининг амалга ошиши қандай луғавий, синтактик воситалар фаоллашуви билан боғлиқ. Жумладан, The latter result should be interpreted with caution (BRM, p. 219) нутқий тузилмасида қатъий тавсия берилаётгани сезилиб турибди.

Шу асарнинг кейинги саҳифаларида учрайдиган It seems to me that we should take measures so that richness of knowledge which has been assembled in this room may be accessible to wide circles of scientists (BRM, p. 655) тузилмасида бўлажак ҳаракатни бажариш мажбурияти маъноси should модал феъли хизматида ифодаланмоқда. Шунингдек, night феъли ва сўроқ шакллари буйруқнинг мулойимлашишига туртки бермоқда.

Е.А.Зверева кузатганидек, should бирлиги илмий мулоқотда “олимларнинг муҳокама қилинаётган масалага нисбатан бирон бир ҳаракат бажаришга ундаш” мақсадида қўлланади [4].

Олиманинг фикрича, ought сўзловчининг қаътий, талабини ифодалайди: I suggest that we ought to give deeper consideration to the question (BRM, p. 653).

Ўз навбатида, could be модал бирлиги иштирокида тузилган гапнинг прагматик мазмунида буйруқдан кўра кўпроқ истак оҳанги устуворлашади: I suggest that the consideration of the nature of protests could be continued (BRM, p. 655).

Инглиз тили тизимида буйруқ оҳангини заифлаштириш вазифасини бажарувчи луғавий ва морфосинтактик бирликларнинг турли гуруҳлари мавжуд. Булар қаторига, жумладан, қуйидагилар киради: It is not without interest to note; I think; I believe, rather, probably, it is most likely, it is clear that, etc.

Шунинг билан биргаликда, тингловчининг фикрига қатъият ила таъсир ўтказишнинг лисоний воситалари ҳам алоҳида гуруҳни ҳосил қилади. Жумладан, сифатнинг ортирма даража шакли ва риторик сўроқ бундай вазифани бажаришга қодир: There is not the slightest reason to suppose…. Only by this method I think we can prove the identity of proteins (BRM, p. 72).

Директив нутқий актлари синфига кирадиган тузилмаларнинг оҳанги юмшоқлашиш ва қатъийлашуви ҳолатларининг ҳар иккаласида бир хилдаги прагматик мақсад, яъни илмий ишда баён қилинаётган фикр–мулоҳазаларнинг ишончли равишда тақдим этиш кўзланади. Ушбу мақсадга етишишнинг муҳим омили–матнни тушуниш ва тўғри қабул қилишдир.

Матн мазмунини тушуниш учун терминологик сўз ва ибораларни билиш, уларнинг қўлланиш қоидаларидан хабардор бўлиш етарли эмас. Мазмунни тўғри англаш ўқувчининг билим заҳираси, матн луғавий таркибининг ассоциатив алоқалари каби қатор ҳодисалар билан боғлиқ. Бошқалар интеллектига таъсир ўтказишни режалаштираётган муаллиф аввало мазмунни ўзи ҳис этишга ва бу борада ўқувчи билан “ҳамкорлик” қилиш имкониятларини топишга ҳаракат қилади. Стилистика ва нутқ маданияти соҳаларида кўп бора муҳокама қилинган ушбу муаммо лисоний мулоқот самарасини белгиловчи мезонларни шакллантириш учун аҳамиятлидир. “Мулоқот самараси” тушунчаси “устуворлик тамойили” ва “адресат омили” каби прагматика соҳасида қўлланишда бўлган тушунчалар билан ҳамоҳанг. Бизнингча, илмий матн прагматикаси йўналишидаги тадқиқотларнинг инсон фаолиятини тавсифловчи тамойиллар кўламида олиб борилиши мақсадга мувофиқдир [7, 9, 10].

Илмий иш муаллифи адресатнинг таъсирланиш даражасини олдиндан кўра билгани маъқул. Зеро бу унга нутқий фаолиятни таёрлаш ва бажаришга қўл келади ҳамда мулоқотнинг ўзаро кечиши, диалоглиги таъминланади. Бунинг амалга ошиши учун тилнинг функционал–стилистик имкони фаоллашади. “Илмий ахборот ифодалашга мойил ҳамда ўқувчининг диққатини матннинг муҳим қисмларига тортувчи восита ва усуллар узоқ давр давомида шаклланиб бориб, тажрибада синалиб боради” [5].

Олиб борилган тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича, прагматика илмий матннинг ажралмас хусусиятидир, зеро илмий асар муаллифи матннинг ўқувчи томонидан талаб даражасида идрок этилишини ҳоҳлайди, бундай прагматик мўлжал режалаштирилмаса, илмий коммуникациянинг моҳияти ҳам йўқолади. Бундан ташқари, агарда экспрессивликни коммуникациянинг ихчам ва кўркам бажарилиш намунаси сифатида талқин қиладиган бўлсак, унда ифода воситаларининг прагматик восита эканлигини эътироф этишга мажбурмиз. Экспрессивлик, аслини олганда, худди прагматика каби диалогик белгилар билан чатишиб кетади.

Шу сабаб, экспрессивликни шакллантирувчи воситалар бир пайтнинг ўзида нутқий тузилманинг прагматик имкониятларини кенгайтиради ҳамда илмий асар тагмазмунидаги яширин диалоглашувни акс эттиради. Диалоглашув мақсади лисоний воқеланишда матн тузилишида қатнашувчи барча лисоний бирликлар прагматик мазмун яратувчиларига айланади. Ёзма матннинг адресати “кўринмас”, имплицит характерга эга эканлиги туфайли диалогик вазифасига ишора қилувчи махсус ифода воситалари шаклланади. Илмий матн учун бу жуда муҳим, чунки уларнинг мавжудлиги матнни коммуникатив мақсадга, муаллиф режасига мос равишда тушунишга кўмак беради.

М.Ҳакимов таъкидлаганидек, “Илмий услуб матни ижодий иш сифатида индивидуал шахс маҳсули экан, албатта, унда ҳам хусусий муносабат ва уни юзага чиқарувчи лексик бирликлар мавжуд бўлади. Тадқиқотчи тасаввури билан боғлиқ равишда юзага

чиқувчи инкор ёки тасдиқ йўналишидаги айрим ишонч, қизиқиш, ажабланиш, кескин ҳайратланиш каби ҳолатларнинг тил воситалари асосида ифодаланиши матнда хусусий муносабатни ҳосил қилади” [10].

Таҳлил қилинган бирликлар матннинг диалогик хусусияти кўрсаткичлари бўлиш билан бир қаторда, прагматик вазифа воқеаланишида иштирок этадилар. Илмий матн муаллифи доимо ўқувчини назардан четда қолдирмаслиги лисоний мулоқотнинг муқаддас қонуниятларидандир. “Диалогик, экспрессивлик ва прагматик хусусиятларнинг узвий боғлиқлиги илмий матннинг илмий прагматика воқеаланишига туртки берувчи энг муҳим кўрсаткичларидандир” [5]. Бу эса, оқибатда, экспрессивликнинг илмий услубда вазифавий жиҳатдан етакчилик қилиши мумкинлигидан дарак беради. Илмий матн прагматикаси нечук яширин бўлмасин, унинг ўқувчига таъсир қуввати камаймайди. Аксинча, айнан яширин ифода матнга объективлик характерини бериб, баён қилинаётган илмий хулосага ўқувчини ишонтириш имкониятини оширади.

Адабиётлар

1. BRM – Biochemistry of Ribosomes and Messenger // RNA. – Berlin: 1998. Cummings L. Pragmatics. A Multidisciplinary Perspective. – Edinburgh: EUP, 2005. –P.336.
2. Segerdahl P. Language Use: A Philosophical Investigation into the Basic Notions of Pragmatics. – Suffolk: Macmillian Press, 1996.
3. Ашурова Д.У. Производное слово в сфере коммуникативной теории языка. – Т.: «Фан», 1991. –С. 98.
4. Зверева Е.А. Об объективном и субъективном употреблении модальных глаголов. // Лингвистические исследования научной речи. – М.: «Наука», 1979.
5. Кожина М.Н. Диалогичность как категориальный признак письменного научного текста. // Стилистика научного текста. – Пермь: Изд-во Прем. у-та, 1998. -С. 124-195.
6. Наер В.Л. Прагматика научных текстов. // Функциональные стили. Лингво- методические аспекты. – М.: «Наука», 1984. – С. 14-25.
7. Сафаров Ш. Лингвистика дискурса. – Челябинск: «ЧИК», 2018.
8. Славгородская Л.В. Синтаксис устной научной полемики в немецком языке. // Чтение. Перевод. Устная речь. – Л.: «Наука», 1977.
9. Сусов И.П. Лингвистическая прагматика. – Винница: 2006. –С.138.
10. Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвисткаси асослари. -Т.: Akademnashr, 2013. 176-б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада илмий матннинг асосий индикаторларининг диалогик, ифодали ва прагматик ўзига хосликларининг ажралмас боғлиқлиги тадқиқ қилинган, жумладан, илмий прагматиканинг реализациясига асос бўлиши белгилар таъкидланади.

РЕЗЮМЕ

В статье исследуется неразрывная взаимосвязь диалогических, выразительных и прагматических черт, важнейших показателей научного текста, способствующих реализации научного прагматизма.

SUMMARY

The article examines the inextricable relationship of dialogical, expressive and pragmatic features, the most important indicators of a scientific text that contribute to the implementation of scientific pragmatism.

ЖАН ҲАЛАТТАҒЫ ҚУС ҲӘМ ҚЫЗ ТӘҒДИРЛЕРИ ҮНЛЕСЛИГИ, ЯМАСА ЖАС ӨСПИРИМ ҚЫЗДЫҢ ӨМИРГЕ ҚАЙТЫЎЫНА СЕБЕПШИ БОЛҒАН «ҚУСЛАР ҚАЙТҚАН КҮН» ҚЫССАСЫНЫҢ КӨРКЕМ-ТӘРБИЯЛЫҚ ТӘСИРИ

А.Пазылов - *педагогика илимлериниң кандидаты, доцент*

З.Ильясова – *ассистент оқытыўшы*

Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: китоб, китоб ўқиш маданияти, гүрриң, повесть, дарслик билан ўқув қулланмаларининг мазмуни, мустақил китоб ўқиш, шакллантириш усуллари, бадий асарлар.

Ключевые слова: книга, культура чтения, рассказ, повесть, содержание учебника, самостоятельное чтение, методы формирования, художественные произведения.

Key words: book, reading culture, story, narration, textbook content, independent reading, methods of formation, works of art.

Ҳақыйқатын айтыўымыз керек, бир ўақытлары китапқа болған қатнас халықтың көз алдында төменлеп кетти. Китап дүканлары изли-изинен жабыла баслады. Балалар шайырлары ҳәм жазыўшылары өз китапларын пул төлеп баспадан шығарып, өзлери сатыўға мәжбүр болды. Китаптың өзине түсер баҳасы әдеўир дәрежеде қымбат болып, оны балаларына сатып алып бериўге көпшилик ата-аналардың қурбы жетпеди. Китапты оқыған менен оқымағанның арасындағы парықты аңлап билетуғынлар азшылықты қурады…

Ҳүрметли Президентимиз Ш.М.Мирзиёевтиң басламасы менен китап өнимлерине болған талап қайтадан өз қәддине келе баслады. Китап оқыйтуғын оқыўшы жаслар хошаметленди. Оларға автомобиллер саўғаға берилди. Нәтийжеде, мектеп оқыўшылары қайтадан китап оқыўға қуныкты. Усыған муўапық баспаханаларда да китап өнимлерин, әсиресе балаларға арналған китап өнимлерин басып шығарыў ислерине айрықша кеўил бөлине баслады. Бунығ айқын мысалы ретинде «Қарақалпақстан» баспасынан 2014-2019-жыллар аралығында мектеп оқыўшыларына арналған 237,89 баспа табақ көлеминдеги, 46500 дана китап 42 атамада бастырылып шығарылғанлығын көрсетип өтиўимиз мүмкин (1-таблицаны қараңыз). Бул шығармалардың отыз бири жергиликли авторлар тәрепинен таярланған.

1-таблица

Қ/т	Жыл	Неше атамада шығарылған	Улыўма көлеми	Тиражы
1	2014	1	11,75	2500
2	2015	2	9,75	1000
3	2016	16	40,50	14300
4	2017	6	37,0	5100
5	2018	7	38,64	6400
6	2019	10	100,25	17200
Жәми		42	237,89	46500

Жақында Қарақалпақстан халық жазыўшысы, Бердақ атындағы мәмлекетлик сыйлықтың лауреаты К.Алламбергеновтың балаларға арналған «Қуслар қайтқан күн» атлы шығармасы Ташкенттеги «Ziyo nashr» баспасы (К.Алламбергенов. Қуслар қайтқан күн. Ташкент «Ziyo nashr» баспасы, 2020.120 б.) арқалы жарық көрип, мектеп оқыўшыларының үй китапханасын толықтырыўға кең мүмкиншиликлер жаратып берди. Жазыўшының балаларға арналған бул топламына оның XX әсирдиң 70-жылларында жазылған повести менен бир қатар гүрриңлери киргизилген. Жазыўшы өз

шығармаларында балаларға тән болған нәзик тил ҳәм ой-пикир кеширмелерде инсан ҳәм тәбият машқалаларын оғада үлкен шеберлик пенен ашып бериўге ерискен.

Итибарлы тәрепи сонда, жазыўшының бул топламға киргизилген «Қуслар қайтқан күн» повести менен айырым гүрриңлери өзбек, қазақ, ноғай ҳәм рус тиллериндеги басылымларда да жарық көрген. Соның менен бирге, республикамыздағы үзликсиз билимлендириў системасы буўынларының «Қарақалпақ әдебияты» пәни бойынша дүзилген сабақлық пенен оқыў қолланбаларының мазмунларына да енгизилген.

Педагогика илимлериниң докторы Т.Утебаевтың еске түсириўи бойынша бул китап, авариядан соң аўыр аўҳалға түсип қалып, емлеўханада үш-төрт күн есине келе алмаған пайтахтымыздағы 31-санлы улыўма билим бериў мектебиниң оқыўшысы Наргиза Генжебаева есине келген ўақытта әкеси Теңел бақсыдан китап әкелип бериўди соранған. «Қандай китап» деген әкесиниң сораўына «Қуслар қайтқан күн» деп жуўап берген. Усы эпизодтың өзинен-ақ жазыўшы К.Алламбергеновтың бул китабының мектеп оқыўшылары тәрепинен жыллы жүзлилик пенен күтип алынғанлығын, ҳәттеки, емлеўханада аўыр аҳўалда жатырған оқыўшы қыздың да усы китапты бир оқып шығыў әрманы болғанлығын мақтаныш ҳәм қанаатланыўшылық пенен тилге алсақ арзыйды…

Жазыўшының бул шығармасы үш бөлимнен ибарат. Оның биринши бөлимине «Қуслар қайтқан күн» повести, екинши бөлимине он еки гүрриңи ҳәм үшинши бөлимине еки новелласы жайластырылған.

«Қуслар қайтқан күн» повестинде Парахаттың балалық жыллары, оның сезимталлығы, ҳәрекетшеңлиги, ойлаған ислерин әмелге асырыўға умтылыўшаңлығы, балалық қыял етиўи, ойлаўы, сезиўи, өзин сынап көриўи, қызығыўшылықлары, еликлеўшиликлери ҳәм басқа да психологиялық өзгешеликлери сөз етиледи.

Повесть Парахаттың әкеси жумыстан келемен дегенше тайын болған жуўери қырманды қорықлап турыўдан басланады. Усы қырманды қорыў ўақтында сырттан қараған адамға аңсаттай түйилген менен оның қыйыншылықларын сезинеди. Қырманға қарап умтылып турған ғарғалар оның ашыўын келтиреди. Бақырып та көреди, кесек атып та көреди, бәрибир ғарғалар қайтып келе береди. Ақыр соңында өзи бир атып көриўди ойлап жүрген, үйде дүт басып илиўли турған мылтықты алып, ғарғалардың топарына қарап турып шүрппени басады. Соңында өзиниң қулап түскенин, мылтығының жерде шаңға былғанып жатырғанлығын, қырманның үстинде бир қара ғарғаның сәррийип атырғанлығын көреди.

Парахаттың әкеси аўырып қалған күнлердиң биринде үйине Шегир мерген деген әкесиниң жорасы келип атқан қырғаўылынан биреўин «сорпа қылып бериў ушын» таслап кетеди. Әкесиниң «бес-алты ай усындай қустың етин жесем жазылып кетпес пе екенмен» деген сөзине бола, өзиниң мылтықты бурын бир мәрте атып көргенлигин нәзерде тутып Парахат аң аўлаўға шығып көреди. Шегир мерген менен де қула дүзде ушырасады. Мерген оған қус атыўдың өзине тән өзгешеликлерин үйретиўге ҳәрекет етеди.

Повестьте кишкенелерди ерксиз өзине тартатуғын «жасыл қорықшылар»дың ис-ҳәрекетлери кең түрде сәўлелендириледи. Олар қандай да бир атлы мергенниң тоғайдағы кусларды атып жүргенлигин сезеди, биледи, бирақ, оны дусластыра алмайды. Оның үстине, оның жанына және бир баланың да қосылғанлығынан хабары бар. Олар ара-тура жыйналысып тоғайға, ҳайўанат дүньясына зиян жеткериўшилерди қалай қолға түсириўдиң жолларын ойластырады. Изертлеў ислерин жүргизеди. Баланың оқыйтуғын мектебин анықлаўға ҳәрекет жасайды. Бақлаў жумысларын алып барады. Мектеп басшылары менен де ойласық қурады. Көрген-билгенлери ҳаққында мағлыўматларды берип турады. Бундай көринистеги сүўретлеўлер мектеп оқыўшыларын да сөзсиз ана тәбиятты қорғаўға болған ықласты, умтылыўды күшейтеди.

Шығармада Парахаттың балалық дәўириндеги психологиясы балаларға тән әдетлер бойынша гейде унамлы, гейде унамсыз тәреплерге аўып, қубылмалы формада өз сәўлелениўин табады. Баланың қус атыўға болған қызығыўшылығының басымлығы соншелли, ол Шегир мергенниң қус атыўдағы шеберликлерин өзлестирип аламан деген ой менен оның жанына бир айға шамалас ўақыт ерип жүреди. Усы жүргенинде ол, қырғаўылды қалай шақырыў, мылтықты қалай атыў, жасыл қорықшыларға қалайынша изди билдирмеў, тоғайдың ана мушы менен мына мушына не ушын орын алмастырып турыў зәрүрликлери ҳаққындағы мағлыўматларды алыў мүмкиншилигине ийе болады.

Деген менен, баладағы жасыл тоғайзарлыққа, ондағы жәниўарларға, әсиресе, қусларға болған сүйиспеншилиги мылтық атыўға болған қумарлығынан ўаз кешиўге мәжбүрлейди. Оған жараланған қырғаўылдың өлгенин көриўи, әкесиниң өз балалығы ҳаққында айтып берген гүрриңи күшли тәсир етеди. Түни менен уйықлай алмай шығады.

Әкесиниң айтқан гәплериндеги «О бийшара қуслар!... Сизлер ушып баратырсызлар. Бәлким келерсиз, бәлким келмессиз. Бирақ, сизлерден өтинерим – сәл еглениң, кейниңизге бир қарап кетиң!?

Өтинемен, меннен түңилмең, адам деген аттан түңилмең! Жер бетинде Адамнан уллы, оннан қүдиретли жанзат жоқ! Бәршесинен оның жүреги, нийети, ақылы уллы! Ен баслысы – оның кеўил сарайы, нийети, ақылы дүзиў болыўы керек! Сонда Адам өзи ойлап тапқан сум қуралды өзи жоқ та ете алады!!!» деген сөзлер оның ядынан шықпайды.

Ертеңине аў мылтығын алып шыққанында да бул гәплерди өз қәлбинде писиреди. Бул гәплерди өзи ядынан шығарып атырғандай сезинеди. Нәтийжеде, мылтығын ийнинен жулып алып, көлдиң ортасына қарай ылақтырып жибериўге де ериседи. Бала мылтықтың суў түбине кеткенине қыйналмайды. Оны қайтадан суў түбинен таўып алыў қыялына да келмейди. Керисинше, онда усы сум қуралдан қутылғанына қанаатланыўшылық ҳәм бахтыярлық сезимлери оянып, баланың жүрегин шексиз қуўанышқа бөлейди.

Шығарма да келтирилген гүрриңлердиң де өз алдына тәрбиялық тәсирлери басым. Әсиресе, «Дәслепки бес» гүрриңи барқулла төмен баҳа алып жүрген оқыўшылардың жүреклерин елжиретеди, өзлеринде «бес» баҳасын алыўға болған ҳәўесин, қызығыўшылығын арттырады. Оқыўға болған талпынысты раўажландырады.

«Жәнe бәҳәр келди» гүррińинде рогатка менен шымшық атыўға әдетлене баслаған Бахыт Кәраматдийиннен үлги алып қусларға уя соғады. Дәслепки соққан уясына сол жылы қуслар келмегенине өзин айыплы сезинеди. Себеби, ол рогатка менен сары шымшықты атып өлтирген еди. Бирақ, келеси жылдағы бәҳәрде соққан уясына қус келеди. Палапанлайды да. Нәтийжеде, Бахыт та уяларды көбейтиў тилеги пайда болады ҳәм уяларды көбейтиўге ериседи.

Жазыўшының «Сағыныш» атлы гүррińинде кемпир апалардың мийнеткешлиги, олардың өз ўақытларын босқа өткермеўге болған умтылыслары, ақлықларына, ул-қызларына болған сағынышлары, оларды рети менен көрип турмаса кеўиллериниң кеншимейтуғынлығы ҳаққында сөз етиледи. Деген менен, Асанның кемпир апасының абайсызда зейнине тийип алғанлығы, кемпир апасының үй бетине қайтып сол жақта қайтыс болғанлығы, келеси жылы Асанның кемпир апасын сағынғанлығы, оның өкинишлери ҳаққындағы

сүўретлеўлер мектеп оқыўшыларында үлкенлерди ҳүрметлеўге болған ҳәўести оятады.

«Қутлыаяқ», «Қус ҳаққында ертек», «Еки тайыншақ», «Сары сыйыр, қасқырлар жәнe кишкене Бердибай ҳаққында бир ўақыя» атамасындағы шағын гүрриңлер мектеп оқыўшыларының ана тәбият пенен жәниўарларға болған сүйиспеншилигин арттырыўға өз үлесин қосады

Сондай-ақ, жазыўшының «Ҳақыйқатлық фантастикасы», «Ала сыйыр» гүрриңлери менен «Жер монологи», «Күшик ҳәм бала» атлы новеллалары да өзиниң тәрбиялық әҳмийетлериниң басымлығы менен көзге тасланады.

Жуўмақлап айтқанда, жазыўшы Кеңесбай Алламбергеновтың «Қуслар қайтқан күн» атлы шығармасынан орын алған повесть, гүрриңлер ҳәм новеллалар мектеп оқыўшыларының жас ҳәм психологиялық өзгешеликлерине сәйкес жазылған шығармалардан есапланады. Бул китапты оқыған мектеп оқыўшыларында сөзсиз ана тәбиятқа, жанлы-жанўарларға, қусларға, үй ҳайўанларына болған меҳир-муҳаббат сөзсиз артып барады. Деген менен, ҳәзирги ўақытта көпшилик мектеп оқыўшыларының латын графикасында оқыйтуғынлығын есапқа алған ҳалда китап латын графикасында қайтадан бастырылып шығарылса, китап оқыўшылардың санының анағурлым дәрежеде артыўына да себепши болар еди дегимиз келеди.

РЕЗЮМЕ

Бу мақолада ўқувчиларнинг китобхонликка бўлган қизиқишини орттиришда болалар шоирлари ва ёзувчилари асарларининг роли ҳақидаги фикрлар баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматривается труды и произведения детских поэтов и писателей для формирования читательского интереса у учащихся.

SUMMARY

This article examines the works and works of children's poets and writers to form readers' interest in students.

ҚАРАҚАЛПАҚ ФОЛЬКЛОРЫ ПЕДАГОГИКА ИЛИМИНИҢ ТИЙКАРҒЫ ДЕРЕКЛЕРИ СЫПАТЫНДА

Т.А.Пазылов - *таяныш докторант*

Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: оғзаки адабиёт, Қорақалпоқ фольклори, ижодиёт, фольклористик асар, урф-одат, этнопедагогика, тарбия, достон, эртак.

Ключевые слова: устная литература, каракалпакский фольклор, творчество, фольклорное творчество, традиция, этнопедагогика, воспитание, эпос, сказка.

Key words: oral literature, Karakalpak folklore, creativity, folklore, tradition, ethnopedagogy, education, epic, fairy tale.

Өзбекстан Республикасы өз ғәрезсизлигине ерискеннен кейинги жыллар ишинде өзбек ҳәм қарақалпақ халықлары жәмийетлик-сиясый, экономикалық ҳәм мәдений тараўларда айрықша жетискенликлерге еристи. Өз тарийхына жаңаша көзқараста қатнас жасады. Совет дәўиринде қадаған етилген, уллы бабаларымыздың қалдырған оғада бай мәдений ҳәм руўхый мийрасларын қунт пенен үйрениўге мүмкиншиликлер жаратылды. Өткендеги қол жетпес уллы педагогикалық идеялар, тәрбия ҳәм тәлим бериўге байланыслы болған турмыслық тәжирийбелер, уллы ой-пикир ийелериниң ҳүрметин орнына қойыў ислери жанландырылды. Миллий педагогикамыз бенен миллий тәрбиямыздың жәмийетлик әҳмийети оғада артты. Жас қәнигелерди заман талабына ылайық таярлап шығарыўға болған талап қатаң күшейди. Себеби, ғәрезсизлигимиздиң дәслепки күнлеринен баслап-ақ ата-бабаларымыз тәрепинен көп әсирлер даўамында жаратылған, оғада үлкен, бийбаҳа руўхый ҳәм мәдений мийрасларын тиклеў мәселеси мәмлекетлик сиясат дәрежесине көтерилген, әҳмийетли ўазыйпалардың қатарынан орын алған еди. Биз руўхый қәдириятларды тиклеўди миллий өзлигимизди аңлаўдың «…өсиўинен, халықтың руўхый булақларына, оның тийкарына қайтыўдан ибарат өзгеше, табийғый қубылыс деп есаплаймыз» [1:133]. Соның ушында миллий педагогикамызды буннан былайда раўажландырыўға имканиятлар есиги ашылды.

Педагогика пәни бойынша түсиндирме сөзликте көрсетилиўинше «Миллий педагогика - …жүдә әййемги тарийхқа ийе болып, оның дәслепки тамырлары «Авесто»ға, Орхон-Енисей битиклерине, Селунгур мәдениятына барып тақалады. «Авесто»дағы «жақсы пикир – жақсы сөз – жақсы әмел» туўралы адамларға кеўил нурын бериў ҳаққындагы көзқараслар жазба миллий педагогикалық көзқараслардың дәслепки үлгилери болып, жетик инсанды қәлиплестириўге қаратылған» [2:227]. Сонлықтан да, миллий педагогика тәлим-тәрбия процеси арқалы баркамал әўлад тәрбиясын әмелге асырыў ислеринде қолланылатуғын бийбаҳа байлығымыз саналады.

Миллий педагогикада адамзат баласының тәлим ҳәм тәрбия мәселелерине байланыслы болған, ата-бабаларымыз тәрепинен әсирлер даўамында жыйналған өмирлик тәжирийбелери, олардың узақты гөзлеп, көрегенлик пенен айтып кеткен салмақлы ой-пикирлери, ақыл-нәсиятлары, әўладтан-әўладқа аўызеки түрде жеткерилиў жолы менен ҳақыйқый халық даналығына айланған. Халық даналығы – халқымыздың көркем аўызеки дөретпелери тийкарында қәлиплескен.

4. Бьюзен Тони. Карты памяти: уникальная методика запоминания информации [Текст]/Тони Бьюзен, Джо Годфри Вуд; [пер.с анг. О.Ю.Пановой] –М.: Росмэн, 2007. –С. 326.

5. Титова О.А., Головина И.В. Школьное образование: стандарты и инновации // Роль университетов и музеев в проведении гуманитарных научных исследований: материалы VI Международной научно-практической конференции. Отв. ред. О.Г.Вронской. –Тула: Изд-во ТГПУ им. Л.Н.Толстого, 2011. –С. 225-227.

6. Полат Е.С., Бухаркина М.Ю., и др. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования. –М.: Академия, 2000. –С. 65-68.

РЕЗЮМЕ

Мақолада педагогик олий таълим муассасаларида талабаларнинг мустақил ишини ташкил этишда педагогик технологиялардан фойдаланиш (астрономия курсини ўқитиш мисолида) масаласи муҳокама қилинади. Шунингдек, "Икки қисмли кундалик", "Мунозара ўйинлари" ва "Ақлий хариталар" усулларининг имкониятлари тўғрисида материаллар берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассмотрены применение педагогических технологии в организации самостоятельной работы студентов в педагогическом вузе (на примере преподавании курса астрономии). А также даны материалы о возможностях методов «Двухчастный дневник», «Дискуссионные игры» и «Интеллектуальная карта».

SUMMARY

The article discusses the use of pedagogical technologies in the organization of independent work of students in a pedagogical establishments (on the example of teaching a course in astronomy). And also materials are given about the possibilities of the methods "Two-part diary", "Discussion games" and "Mind map".

MOLEKULYAR FIZIKA VA TERMODINAMIKA ASOSLARIDAN NOSTANDART DARSLARNI MUSOBAQA SHAKLIDA TASHKILLASHTIRISH METODIKASI

E.B.Xujanov - *pedagogika fanlari bo‘yicha falsafa doktori*
Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti
J.Baratov - *o‘qituvchi*
Farg‘ona viloyati Uchko‘prik tumani 28-maktab

Tayanch so‘zlar: noan’anaviy dars, dars-musobaqa, molekulyar fizika, test, o‘yin, frontal anketa, temperatura, o‘lchov asboblari, ekspress - so‘rov, mantiqiy fikrlash, kuzatish, tajriba.

Ключевые слова: нетрадиционный урок, урок-конкурс, молекулярная физика, тест, игра, фронтальная анкета, температура, измерительные приборы, экспресс-анкета, логическое мышление, наблюдение, эксперимент.

Key words: non-traditional lesson, lesson-competition, molecular physics, test, game, frontal questionnaire, temperature, measuring instruments, express-questionnaire, logical thinking, observation, experiment.

Darsni takomillashtirish ta’lim tizimini modernizatsiya qilishda muhim rol o‘ynaydi. Darslarning sifatini oshirishning turli xil usullari mavjud: o‘quvchilarning bilim faolligini oshirish, guruh ishlarida, shu jumladan, darsda turli xil o‘qitish metodlaridan foydalanish. Darslarning sifatini oshirish usullaridan biri nostandart darslar hisoblanadi.

Ushbu darslar nima va ular an'anaviy darslardan nimasi bilan farq qiladi? An'anaviy darslarda, albatta, tanish elementlar mavjud: uy vazifalarini tekshirish, yangi materialni tushuntirish, mavzuni mustahkamlash, uyga vazifa berish. Albatta, har bir darsga hamma elementlarni kiritish mumkin emas, elementlar ketma-ketligi o'zgarishi mumkin, ammo o'qitish tuzilishi asosan bir xil bo'lib qoladi: yangi bilimlarni o'rganish, umumlashtirish, tekshirish [5].

Nostandart darslar o'quvchilarning fanga qiziqishini rag'batlantiradi, ijodiy qobiliyatlarini rivojlantiradi, bilimlari sustligi tufayli oddiy darslarda buni qila olmaydigan o'quvchilarga o'z fikrlarini bildirishga imkon beradi.

Noan'anaviy darslarga fizika va tasviriy san'at bo'yicha materiallar birlashtirilganda o'rnatilgan darslar kiradi. Fizika va musiqa. Ushbu dars ikki o'qituvchi tomonidan tayyorlanishi va o'qitilishi mumkin.

Nostandart darslar musobaqalar va o'yinlar shaklida bo'lishi mumkin: dars-musobaqa, dars-turnir, dars-estafeta musobaqasi, rolli o'yin, dars-sayohat.

Ba'zi nostandart darslar jamoat amaliyotida ma'lum bo'lgan ish shakllariga taqlid qilinadi: intervyu, reportaj, sharh. Darslar ommaviy aloqa shakllarini taqlid qiladigan tarzda o'tkazilishi mumkin: matbuot anjumanlari, auksionlar, uchrashuvlar, tok-shoular, munozaralar.

Albatta, har bir nostandart darsga puxta tayyorgarlik ko'rishingiz kerak: o'quvchilarga oldindan topshiriqlar bering, darsning tuzilishini, har bir ishtirokchining o'rni va vazifalarini tushuntiring, ko'rgazmali qurollar, xaritalar, didaktik materiallar tayyorlanadi. O'qituvchi dars davomida sinfning xususiyatlarini, shuningdek individual o'quvchilarning xususiyatlarini hisobga olishi muhimdir [1].

Nostandart dars o'quvchilar tomonidan bayram, yorqin, unutilmas voqea sifatida qabul qilinadi. Agar o'qituvchi keyin ushbu darsni o'quvchilar bilan muhokama qilib, ular bilan eslash uchun qaytib kelsa yaxshi bo'ladi

Muvaffaqiyatli lahzalar, boshqa nostandart darsni tayyorlash uchun istiqbollarni aytib bering.

Albatta, nostandart darslar maktab amaliyotida tez-tez bo'lmasligi kerak, aks holda o'quvchilarning hissiy jihatdan haddan tashqari qizishi yuzaga keladi, taassurotlar ko'pligi tarbiyaviy ishning asosiy maqsadi - chuqur va doimiy bilimlarni egallash, o'quvchilarning qobiliyatlarini rivojlantirishga soya soladi. Ammo bunday darslarsiz o'quv jarayoni monoton, zerikarli bo'ladi va shunga mos ravishda uning samaradorligini pasaytiradi.

Maqsadlar:

Ta'limiy: Molekulyar fizika va termodinamika asoslari mavzularidagi bilimlarni takrorlash va umumlashtirish, mavjud bo'lgan aloqalar asosida xususiyatlar va hodisalarni tahlil qilish qobiliyatini shakllantirish.

Tarbiyaviy: O'qituvchi va o'quvchi orasida munosabat so'zlashuv ohangining mutanosibligi, o'zaro hurmat hissini shakllantirish.

Rivojlantiruvchi: O'quvchilarning aqliy faolligini, kuzatish va mantiqiy fikrlashni rivojlantirish.

Dars uchun jihozlar: soat, stakanlar, raqamlar yozilgan kartalar, har bir stolda fizik hodisalarga oid kartalar.

Vazifa №1. Fizik hodisalar (maksimal 9 ball). Frontal anketa. O'quvchilar kartalarni ko'taradilar va o'qituvchilar yoki bolalarning hakamlar hay'ati to'g'ri javoblarni yozib olishadi. Har bir savolga 1 minut beriladi. Natijalar jadvalda qayd etiladi.

1. Yopiq idishda qanday bug' bor? (javob: to'yingan bug')

2. Qanday hodisa tana shaklining o'zgarishiga olib keladi? (javob: Vaznsizlik)

3. Temperatura o'zgarmasdan qoladigan jarayon? (javob: Izotermik)

4. Nasos havoni pompalaganda qanday jarayon sodir bo'ladi? (javob: Izoxorik)

5. Qanday hodisalar kapillyarlarda suyuqlik ko'tarilishiga olib keladi? (Javob: xo'llash, kapillyarlik)

6. Elektr akkor lampalarini ishlab chiqarishda qaysi gazdan foydalaniladi? (javob: simob bug'i)

7. Suyuqlik temperaturasi ko'tarilishi qanday jarayon bilan kechadi? (javob: issiqlik o'tkazuvchanlik)

8. Suyuq sirt qisqarishiga qaysi fizik hodisa sabab bo'ladi? (javob: sirt taranglik kuchi, kapillyarlik)

9. Qanday fizik miqdor atmosferada suv bug'ining mavjudligini ko'rsatadi? (javob: Absolyut namlik) [6].

Vazifa № 2. O'lchov asboblari (maksimal 6 ball). O'quvchilar kartalarni ko'taradilar va o'qituvchilar yoki bolalarning hakamlar hay'ati to'g'ri javoblarni yozib olishadi. Har bir savolga 1 minut beriladi. Natijalar jadvalda qayd etiladi.

1. Tana vaznini o'lchash uchun qanday qurilma ishlatiladi? (javob: tarozi)

2. Atmosfera bosimini o'lchash uchun qanday asbob ishlatiladi? (Javob: barometr, manometr)

3. Havoning namligini o'lchash uchun qanday asbob ishlatiladi? (Javob: psixrometrik jadval, gigrometr) [4].

4. Temperaturani o'lchash uchun qanday qurilma ishlatiladi? (javob: Termometr)

O'tkazilgan ikkita vazifaga ko'ra natijalarni umumlashtirish

Vazifa № 3. Test.

Sinov har bir guruhga oldindan taqsimlanadi, ishni bajarish vaqti 10 daqiqa.

1. Moddaning miqdori ma'lum jismdagi molekulalar sonining doimiyga nisbatiga teng

A) Plank B) Bolsman C) Avogadro D) Mendeleyev

2. Quyidagi kattaliklarning qaysi biri makroskopik parametrlarga taalluqli emas?

A) bosim B) molekula massasi B) hajm D) harorat

3. Qattiq jismlarning bug'lanishi… deyiladi?

A) vazgonka B) bug'lanish C) kondensatsiya D) erish

4. Qanday jarayonda ideal gaz bajaradigan ish nolga teng bo'ladi?

A) adiabatik B) izotermik C) izobarik D) izoxorik

5. Monokristallar bu …?

A) atomlar qat'iy tartibda joylashtirilgan B) kristall yuqori kuchga ega

C) kristallar katta qattiqlikka ega

Vazifa № 4. Guruhlarda ishlash.

1-guruh uchun topshiriq.

1. Nima uchun dengizdagi baliqlarda suzuvchi pufagi suvdan chiqarilganda og'iz orqali chiqib ketadi?

2. Nima uchun isitiladigan tibbiy kombinezon inson tanasiga yopishadi?

3. Termodinamikaning 1 qonuni matematik formulasini yozing.

4. Izobarik holatdagi 0,5 m^3 gaz kengayishi uchun unga 0,26 MJ issiqlik uzatildi. Agar gaz bosimi 200 kPa bo'lsa, gazning ichki energiyasining o'zgarishini hisoblang.

2-guruh uchun topshiriq.

1. Tibbiyot termometrlarida nima uchun spirt yoki suvdan ko'ra simob ko'proq ishlatiladi?

2. Ba'zida suv sut kabi «oq» bo'lib chiqadi. Buni qanday izohlash mumkin?

3. Elektr lampalarining silindrlari pasaytirilgan bosim va temperaturada azot bilan to'ldiriladi. Nega bunday sharoitda to'ldirish amalga oshiriladi?

4. 1 mol bir atomli gaz 100 K ga izobarik qizdirilganda qancha issiqlik miqdori sarflanadi?

3-guruh uchun topshiriq.

1. Nima uchun siqilgan gaz silindrlari portlaydi, lekin yuqori bosimli suv quvurlari portlamaydi?

2. Energiyaning saqlanish qonunini yozing.

3. Massasi 2 kg suvning temperaturasini 30 ^{0}C dan 12 ^{0}C gacha sovutish uchun temperaturasi 0 ^{0}C bo‘lgan muz parchalari suvga tashlandi. Suvni sovutish uchun qancha muz kerak? [2].

Vazifa № 5. Ekspress - so‘rov. Guruhlarda ishlagandan so‘ng, har bir o‘quvchi uchun ekspress so‘rov o‘tkaziladi (bitta savol bo‘yicha). Agar o‘quvchi javob berishni qiyin deb topsa, savol boshqa o‘quvchiga o‘tadi.

Har bir to‘g‘ri javob uchun belgi beriladi.

1. Agar doimiy haroratda gaz oddiy siqish orqali suyuqlikka aylantirilsa, u deyiladi (to‘yinmagan)
2. Suyuqlik va uning to‘yingan bug‘lari orasidagi fizikaviy farqlar yo‘qoladigan harorat deyiladi (kritik)
3. Agar boshqa gazlar bo‘lmaganida suv bug‘ining hosil bo‘lishi (bug‘lanish) deyiladi.
4. Insonning farovonligi uchun namlik o‘rtasida bo‘lishi kerak (40-60%)
5. Agar nam va quruq termometrlar xonada bir xil haroratni ko‘rsatsa, u holda xonadagi nisbiy namlik (100%)
6. Temperatura o‘zgarmasdan qoladigan jarayon (Izotermik)
7. Tabiatda suv bug‘ining kondensatsiyalanishi natijasida kuzatiladigan hodisalar (shudring, ayoz)
8. Fransiyalik fizik va muhandis birinchi bo‘lib maksimal FIKni hisoblab chiqdi. issiqlik dvigateli (S. Karno)
9. Ob-havoni o‘rganuvchi mutaxassis (sinoptik)
10. Doimiy bosimdagi gazdagi issiqlik jarayonining diagrammasi (Izobara)
11. Absolyut temperaturaning SI dagi o‘lchov birligi … deyiladi (Kelvin).
12. Sistemaning issiqlik muvozanatini harakterlovchi kattalik? (Temperatura)
13. Molekulalarning issiqlik harakati haroratda to‘xtaydi (0 K, -273 C)
14. 100^{0}C temperatura Kelvin shkalasidagi temperaturaga mos keladi
(100 + 273 = 373 K)
15. Xona havosidagi qanday gazlarning molekulalari (kislorod, vodorod, azot)
tezroq harakatlanmoqdami? (vodorod) [3].

Uyga vazifa: Dars davomidagi formulalarni yod olish, o‘tilgan mavzuga doir savollar tuzib kelish.

Darsni yakunlash. Ko‘zgu.

Men xammasini uddalayman! Shunday davom eting!

Nostandart darslar eng muhim shakllardan bo‘lib, ular o‘quvchilarning bilim olishga bo‘lgan doimiy qiziqishini shakllantiradi, stressni yengillashtiradi, o‘rganish ko‘nikmalarini shakllantirishga yordam beradi, bolalarga hissiy ta’sir ko‘rsatadi, buning natijasida ular yanada kuchli va chuqur bilimlarni shakllantiradilar. Nostandart darslarning o‘ziga xos xususiyatlari shundaki, o‘qituvchilarning o‘quvchining hayotini o‘zgartirish istagi: kognitiv aloqaga, darsda, maktabda qiziqishni uyg‘otish; bolaning intellektual, motivatsion, hissiy va boshqa sohalarni rivojlantirishga bo‘lgan ehtiyojini amalga oshirish hisoblanadi.

Adabiyotlar

1. Джораев М. Физика ўқитиш методикаси. – Т.: ABU MATBUOT-KONSALT, 2015. 256-б.
2. Хужанов Э.Б. Преподавание физики в общеобразовательных школах на основе статистического метода. Проблемы современного образования. № 1. 2019. http://www.pmedu.ru. – С. 175-182.
3. Khujanov E. Teaching Quantum Physics Elements in Secondary Schools Based on Statistical Method. // Eastern European Scientific Journal. – Germany: 2018. № 6. – P. 147-150.
4. Muller D. Designing Effective Multimedia for Physics Education. PhD Thesis, School of Physics University of Sydney/ – Australia: 2008. –P. 316.
5. Енохович А.С., Кабардин О.Ф., Коварский Ю.А. и др. Хрестоматия по физике. 8-10 классы. Учебное пособие для учащихся. Под ред. Спасского Б.И. -М.: «Просвещение», 1982. -С. 226.
6. Елькина В.И. Оригинальные уроки по физике и приёмы обучения. Сост. Э.М.Браверман. – М.: “Школа-Пресс”, 2001. –С.80.

REZYUME

Ushbu maqola umumiy o‘rta ta’lim maktablarida molekulyar fizika va termodinamika asoslarini o‘qitishda nostandart topshiriqlardan foydalanish hamda o‘qitish metodikasini takomillashtirishga qaratilgan.

РЕЗЮМЕ

В статье основное внимание уделяется использованию нестандартных заданий при обучении основам молекулярной физики и термодинамики в общеобразовательных школах и совершенствованию методов обучения.

SUMMARY

This article focuses on the use of non-standard tasks in teaching the basics of molecular physics and thermodynamics in general secondary schools and the improvement of teaching methods.

БЎЛАЖАК ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА НУТҚ ФАОЛИЯТИНИНГ ГРАММАТИК КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

У.У.Жуманазаров - *педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори*

Жиззах давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: нутқ, грамматика, маҳорат, компонент, билим, мулоқот, қобилият, лингвистика, услубият, психология.

Ключевые слова: речь, грамматика, умение, компонент, знания, общение, способности, лингвистика, методология, психология.

Key words: speech, grammar, skill, component, knowledge, communication, ability, linguistics, methodology, psychology.

Грамматик компетенцияни аниқ ва тўлиқ таърифлаш учун, назаримизда, энг аввало, чет тилидаги нутқ фаолиятининг грамматик томонини ўргатиш жараёнида талабалар нимани эгаллашлари кераклигини, бошқача қилиб айтганда, нутқнинг грамматик томонини ўргатишнинг мазмуни нимада эканлигини ойдинлаштириб олиш мақсадга мувофиқ.

Ф.Н.Шамов нутқнинг грамматик томонини ўқитиш мазмуни бўйича “улар грамматик кўникмаларнинг ривожланиши натижасида юзага келадиган ҳамма нарсани тушунадилар”, деган фикрни билдиради ва чет тилидаги нутқнинг грамматик томонини ўқитиш таркибидаги учта, яъни лингвистик, психологик ва услубий компетентни ажратиб кўрсатади [5:90]. Ушбу илмий қарашни биз ҳам маъқуллаб ҳар бир компонент ичида чет тилининг грамматик томонини ўқитиш мазмунини қисқача кўриб чиқамиз, тадқиқотни олиб бориш жараёнида аниқланган ва тажриба-синов ишларини бажаришда тасдиқланган бу борадаги баъзи бир кузатишларимизни муаллифлик ёндошуви асосида баён этишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Улар қуйидагилардан иборат:

а) чет тилидаги нутқнинг грамматик томонини ўқитиш мазмунининг лингвистик компонент таркиби биринчидан, ҳам морфологик, ҳам синтактик нуқтаи назаридан муайян бир тўпламни, хусусан, грамматик шакллар, бирлаштириш қоидаларини ўз ичига олган грамматик ҳодисаларни ўз ичига олади. Иккинчидан, грамматик ҳодисанинг ўзига хос хусусиятларини ҳамда оғзаки ва ёзма мулоқотда маълумотларни амалга

ошириш кетма-кетлигини тасвифловчи грамматик ҳодисаларнинг маълум бир рўйхатидан ташкил топган грамматик қоидаларни ҳам қамраб олади. Н.Д.Гальскова, Н.И.Гезлар тўғри қайд этганидек, грамматик қоидаларда грамматик ҳодисанинг расмий хусусиятлари, унинг маъноси, яъни, семантик хусусиятлари, нутқ контекстидаги вазифалар ва улардан фойдаланиш хусусиятлари ҳақида маълумотлар мавжуд [1:313].

Лингвистик компенентнинг барча қисмлари грамматик билимларни ўз ичига олади, бу чет тилини ўрганаётган соҳа талабасига грамматик ҳодисанинг ўзига хос хусусиятларини яхшироқ тушуниш ва грамматик материални ассимиляция қилиш, нутқий вазиятни ишлаб чиқишда онгли равишда ҳаракат қилиш имконини беради.

б) *чет тилидаги нутқнинг грамматик томонидан ўқитиш мазмунининг психологик таркибий қисми* фонетик ва лексик кўникмалар билан бир қаторда, чет тилидаги нутқ фаолиятини амалга ошириш қобилятига асосланадиган самарали ва рецептик грамматик кўникмаларни ҳам ўз ичига олади. Бундан ташқари, А.Н.Шамановнинг белгилаб берган омиллардан бири - талабаларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларини ҳам ўз ичига олади. Бу эса нутқнинг ушбу томонини эгаллашга турки берадики, келажакда талабанинг нутқ фаолиятига аҳамият бериш ва семантик йўналишни кўрсатишга имкон беради, шу билан бирга чет тилида мулоқот қилишга ундайди [5:90]. Муаллифнинг бу фикрини қўллаб-қувватлаб, муаллифлик ёндашуви асосида уни мантиқий давом эттирганимиз ҳолда, чет тилидаги нутқнинг грамматик томонини ўзлаштириш учун ўқув фаолиятининг иштирокчилари сифатида талабаларнинг субъектив хусусиятларини ҳам киритиш лозим. Талабанинг субъектив хусусиятлари ҳақида гапирганда, биз “режалаштириш, ўз фаолиятини ташкил этиш, тўлиқ ўзлаштириш, мулоқот қилиш ва ўз фаолияти натижалари учун жавобгар бўлиш қобилятларини ўргатиш зарурлиги”ни [2:185] тушунамиз. Шу билан бирга, талабаларнинг қизиқишлари, эҳтиёжлари ва субъектив хусусиятлари нутқ фаолияти содир бўлган ижтимоий жиҳатдан аниқланган вазиятларнинг аксидир. Шу муносабат билан уларни хорижий тил нутқининг грамматик томонини ўқитиш мазмунининг психологик таркибий қисмига киритиш мақсадига мувофиқ эмас, деб ҳисоблаймиз.

Бу борадаги илмий-амалий кузатишларимизни янада ойдинлаштириш мақсадида самарали ва рецептив грамматик кўникмаларни ўз ичига оладиган, чет тилидаги нутқнинг грамматик томонини ўқитиш мазмунининг психологик таркиби ҳақидаги мулоҳазаларимизга батафсилроқ тўхталишни лозим топдик. Е.Н.Пассовнинг таъкидлашича, грамматик маҳорат деганда оғзаки нутқдаги грамматик ҳодисаларни тўғри, коммуникатив асосли, автоматлаштирилган вазиятда фойдаланиш тушунилади [6:66]. Мазкур олимнинг бошқа ишларида ҳар бир граммматик маҳорат алоҳида, нисбатан мустақил операциялардан синтез қилинган бутун бир йўлакдаги ҳаракат сифатида ўрганилган. Бу операцияларнинг бажарган вазифалари қуйидагилардан иборат:

а) танлов операциясида муайян вазиятда суҳбатдошнинг нутқий мақсадига мос келадиган синтактик моделини танлаши асос қилиб олинади;

б) расмийлаштириш операциясида танланган синтактик моделни берилган тил меъёрлари ва муайян вақт параметрларига мувофиқ тўлдирадиган нутқ бирликларининг морфологик тузилиши асос сифатида қабул бўлади.

в) баҳолаш операциясида синтактик моделни танлашнинг етарлилигини ва нутқ бирлигини морфологик тузилишининг тўғрилигини баҳолаш [7:6] тизими асос бўлади.

Биз назарда тутаётган лисоний асослар нутқ фаолиятининг муваффақиятини юзага чиқаради, бошқача қилиб айтганда, биз тўхталаётган граммматик ҳаракатлар талаба граммматик маҳоратининг шаклланишини таъминлайди. Талабанинг грамматик маҳоратига келсак, Е.И.Пассов фикрига кўра, улар “автоматлаштириш, барқарорлик, мослашувчанлик каби фазилатларга эга бўлиши керак” [7:7-8].

Агар нутқ ҳаракатларини амалга ошириш пайтида маърузачининг диққатини у қандай бажарилаётганига эмас, балки ҳаракатнинг ўзига қаратилса, маҳорат автоматлаштирилган ҳисобланади, ҳаракатлар автоматик равишда амалга оширилади, бу унинг маълум тезлиги, яхлитлиги ва равонлигини таъминлайди.

Грамматик ҳодиса нутқ таркибида ва унинг бошқа грамматик ҳодисалар билан “тўқнашуви” пайтида нутқ ҳаракати тўғри бажарилиши учун маҳорат барқарор бўлиши керак. Ниҳоят, маҳорат мослашувчанлик бирлашиши, яъни эски материал асосида янги вазият билан шуғулланиш, янги нутқ материаллари асосида ишлашга кўникма шаклланиши керак. Етарли даражада вазиятлар ва уларнинг ўзгарувчанлиги мослашувчанликни шакллантиришга ёрдам беради. Агар грамматик маҳоратлар ушбу хусусиятларга эга бўлсагина, улар талаба учун асосий йўналиш бўлган унумдорлик, динамик ва саводхонлик хусусиятлари билан нутқ қобилятини таъминлай оладилар.

г) *чет тилидаги нутқнинг грамматик томонини ўқитиш мазмунидаги услубий компонент* талабаларнинг мустақил ишлаш кўникмалари ва грамматик материаллар устида ишлашнинг барча босқичларида бошқа талабалар билан ўзаро муносабатда бўлиш кўникмаларини шакллантиришни таъминлайди. Ушбу ўринда тадқиқотни олиб бориш жараёнида аниқланган ва тажриба-синов майдонларида тасдиқланган, биз томонимиздан ишлаб чиқилган ва илмий жамоатчиликка тавсия этилаётган ҳар бир босқичнинг ўз мақсад-вазифаси, талабани мутахассис педагог сифатида шакллантириш ҳақида муаллифлик ёндашуви асосида фикр юритмоқчимиз. Энг муҳими, бу босқичларнинг бўлажак инглиз тили ўқитувчилари грамматик компетенциясини шакллантиришдаги ўрни ҳақида тўхталишни лозим топдик.

1. *Танишиш ва дастлабки босқичида* методистлар таъкидлаганидек, янги грамматики материаллар киритилади, унинг расмий хусусиятлари, мазмуни, нутқ контекстидаги вазифаси ва фойдаланиш хусусиятлари аниқланади, тушуниш ва бирламчи консолидация назорати таъминланади [1:312]. Бошқача қилиб айтганда, танишиш босқичида талабалар чет тилидаги нутқнинг грамматик томони таркибидаги лингвистик компонент бўйича иш олиб боришади. Талабалар қоидалари билан танишганда назарий маълумотларни ёзма равишда оладилар. Муҳокама ва чуқур таҳлилдан сўнг қоидалар амалиётга жорий этилади, таҳлилий машқларда қўлланилади. Кўриниб турибдики, педагогик университети ва институтларнинг “хорижий филология (инглиз тили ва адабиёти)” йўналишида грамматик материални ўрганишнинг дедуктив усули устунлик қилади: қоидадан бошлаб фойдаланиш ва мустаҳкамлашга бўлган фаолиятга қадар. Бундан ташқари, ўқув –амалий машғулотларда барча турдаги машқларни бажариш жараёнида талабалар ўз хатосини тушуниш ёки бошқа грамматик ҳодисани ишлатишда йўл қуйилган хатоларни бошқаларга тушунтириш учун доимий равишда қоидаларга мурожаат қилишлари керак.

2. *Грамматик кўникмаларни шакллантириш босқичида* талабалар ўрганилаётган ходисани, унинг

ишлаши учун хос бўлган вазиятларда, баённинг етарлича грамматик шаклланишини талаб қиладиган алоқа шароитларини ўзгартириб, нисбатан аниқ такрорлаш қобилиятини ривожлантиради. Бунинг учун методист Е.И.Пассивнинг таклифига кўра, “амалий машғулотларда ҳар хил шартли нутқ машқлари қўлланилади: тақлид қилувчи, ўрнини босувчи, трансформатцион ва репродуктив” [7:6] каби.

3. *Грамматик маҳоратни такомиллаштириш босқичида* нутқ шароитларига мувофиқ равишда фаоллаштирилган грамматик ҳодиса қўлланилади. Ф.Ш.Мустафинанинг фикрига кўра [4:65], коммуникацион вазиятларда диалогик ва монологик баёнотлар қисми сифатида ўқув жараёнидаги суҳбатда янги грамматик тузилмани фаоллаштириш орқали грамматик маҳоратни такомиллаштириш; тайёрланган нутқда ҳар хил грамматик тузилмалардан фойдаланиш; ўзлаштирилган грамматик материални янги вазиятларга киритиш; грамматик тузилмаларнинг узилишларсиз қарама-қаршилиги ва бошқалар тавсия этилади.

Юқоридаги айтилганларнинг ҳаммаси соҳа талабларининг чет тилидаги нутқнинг грамматик томонини ўқитишнинг барча босқичларида кўп миқдордаги ўқув фаолияти ва ўзаро муносабатларни ўзлаштиришлари зарурлигини кўрсатади. Фақат бир ҳолатда талабалар мустақил равишда ҳаракат қилишлари мумкин, яъни нутқнинг грамматик томонини ўзлаштиришда автаном бўладилар.

Грамматик материаллар устида талабаларнинг мустақил ишлашида режалаштириш, белгиланган вазифани бажариш ва ўзини ўзи бошқариш ҳатти-ҳаракатларини пухта ўзлаштириш мақсадида ўқув жараёнининг барча босқичларида, яъни мотивацион-йўналтирилган, ижро ва бошқарув-баҳолаш ишларида фаол қатнашадилар. С.С.Куклина илгари сурган ғояга кўра, ўқув жараёнининг бошқа иштирокчилари билан ўзаро алоқада бўлган талабалар қуйидаги ҳамкорлик турларига жалб қилинади: кўрсатманинг мақсадлари, вазифалари ва натижаларини ҳисобга олган ҳолда режалаштиришнинг ўзаро таъсири [3:21], яъни режалаштириш, бажариш ва бошқаришнинг ўзаро таъсирини пухта ўзлаштиришдан иборат. Буларнинг ҳаммаси мазмун-моҳиятига кўра, талабаларнинг грамматик билим, кўникма ва қобилиятлар устида ишлаш усулини ташкил этади, улар бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган ҳодисадир.

Ушбу компонент вазифасига кўра, талабага бир томондан, нутқ ишларини ўрганишда мустақил равишда ишлашга, олинган билимларга, шаклланган кўникмаларга ва эришилган нутқ тажрибасига таянишига; иккинчи томондан, чет тилида нутқ фаолиятини амалга ошириш жараёнида бошқа талабалар билан ўзаро коммуникатив мулоқотда бўлишига имкон беради.

Юқорида таъкидланган ўқув компетенциясининг таърифини асос қилиб олиб, нутқнинг грамматик томонини ўқитишни ҳисобга олган ҳолда, биз грамматик компетенцияни талабаларнинг турли хил ижтимоий вазиятларда, хусусан, чет тили нутқ фаолиятини амалга ошириш учун тушуниш ва грамматик жиҳатдан тўғри сўзларни тузиш қобилияти ва истаги сифатида кўриб чиқишни таклиф қиламиз. У ўз моҳиятига кўра, грамматик билимлар, кўникма ва қобилиятларга, шунингдек, улар билан ишлаш усулларига асосланади. Уларни талабалар чет тилини ўрганиш объекти сифатида ўрганишлари керак. Бизнинг назаримизда, ушбу педагогик ҳодисани педагогика университетлари ва институтларининг тил мутахассислиги 1-курс талабаларига дарс беришда катта аҳамият бериладиган ЧТККнинг асосий камчиликларидан бири сифатида фойдаланилса, мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар

1. Гальскова Н.Д., Гез Н.И. Теория обучения иностранным языкам: Лингводидактика и методика: Учеб.пособие для студ. Лингв. Ун-тов и фак. ин.яз. высш. пед. учеб. заведений. –М.: Издательский центр «Академия», 2004. –С. 313.
2. Зимняя И.А. Педагогическая психология. Учебник для вузов. Изд. вторе, доп., испр. и перераб. –М.: Издательская корпорация «Логос», 1999. –С. 185.
3. Куклина С.С.Колективная учебная деятелъность как организационная форма овладения иноязычным общением. –Киров: Изд-во ВятГГУ, 2007. –С. 21.
4. Мустафина Ф.Ш. Методика преводавания иностранных языков. –Уфа: 2004. –С. 65.
5. Методика преподавания иностранных языков: общий курс: учеб. Пособие. 2-е изд.,перераб. И.доп. –М.: АСТ МОСКВА: Восток –Запад, 2008. –С. 90.
6. Пассов Е.Основы коммуникативной методики обучения иноязычному общению. –М.: Русский Язык, 1989. –С. 66.
7. Пассов Е.И. Условно-речевые упражнения для формирования грамматических навыков. Пособие для учителей немецкого языка сред.школы. –М.: «Просвещение», 1978. –С. 6.

РЕЗЮМЕ

Мақолада чет тилидаги нутқнинг грамматик томонини ўқитиш мазмунининг лингвистик, услубий ва психологик таркибий қисми, шунингдек, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида грамматик кўникмаларни шакллантириш босқичлари ҳақида сўз юритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается лингвистическая, методологическая и психологическая составляющая содержания обучения грамматической стороне речи на иностранном языке, а также этапы формирования грамматических навыков у будущих учителей английского языка.

SUMMARY

The article discusses the linguistic, methodological and psychological components of the content of teaching the grammar principals of speech in a foreign language, as well as the stages of formation of grammatical skills in future English teachers.

БЎЛАЖАК ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА ГРАММАТИК КОМПЕТЕНЦИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БОСҚИЧЛАРИ

У.У.Жуманазаров - *педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори*

Жиззах давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: грамматика, компетенция, лингвистика, когнитив, мотивация, мезон, даража, лингвомаданият.

Ключевые слова: грамматика, компетенция, лингвистика, познавательная способность, мотивация, критерий, степень, лингвокультура.

Key words: grammar, competence, competence, linguistics, cognitive, motivation, criterion, degree, linguoculture.

Европа Кенгашининг ҳужжатларига кўра, грамматик компетенция деганда “тилнинг грамматик элементларини билиш ва уларни нутқда қўллаш қобилияти” тушунилади. Грамматик компетенция

маълум бир маънони тушуниш ва ифодалаш қобилиятини ўз ичига олади, уни муайян тил қоидаларига биноан тузилган иборалар ва жумлалар шаклида расмийлаштиради (ёдланган намуналарни механик такрорлашдан фарқли ўлароқ)" [3:107-108]. Грамматик компетенцияни бундай тушуниш унинг таркибидаги қуйидаги қисмларнинг мавжудлигини назарда тутади:

а) лексик бирликларни мазмунли нутқ сўзлашувига айлантирадиган грамматик қоидаларни билиш;

б) грамматик воситалар билан ишлаш қобилияти ва кўникмалари, коммуникатив масалаларни хал қилиш учун турли хил мулоқот вазиятларида чет тилидаги нутқ фаолиятида грамматик ҳодисаларни етарли даражада ишлатиш;

в) маълум бир маънони тушуниш ва ифодалаш қобилияти ва тайёргарлиги, унинг нутқий ифодасининг оғзаки ва ёзма шаклда, муайян тил қоидаларига биноан тузилганлиги [4:116].

Кўриниб турибдики, грамматик компетенциянинг тузилиши учта: назарий, лингвистик ва нутқ таркибий қисмларидан ташкил топган. Бироқ, бир қатор тадқиқотчилар, масалан, Л.К.Бобожанова, Р.А.Будагов, Г.В.Елизарова, Л.И.Карпова, Н.А.Кафтайлова, М.В.Лебедева, С.Г.Тер-Минасова, Т.К.Цветкова ва бошқалар ижтимоий-маданий (социокултурологик) тузилмани грамматик компетенция таркибига киритиш зарурлигини таъкидлайдилар. Лингвокултурологик ёндашувнинг ҳолатидан келиб чиқиб, лингводидактиклар грамматик жиҳат ва тилини ўрганиладиган мамлакат маданияти ўртасидаги боғлиқликнинг муҳимлигини таъкидлашади, улар нафақат когнитив асосни яратишга ҳисса қўшибгина қолмай, балки талабалар онгида турли хил лингвомаданий ташувчилар дунёси тассавурини шакллантиради, менталитет тафовутлари туфайли юзага келадиган хатоларни камайтиради, деган илмий ғояни илгари сурадилар. Методист И.В.Чернецкаянинг таъкидлаганидек, ушбу ёндашув контекстида грамматик компетенциянинг ижтимоий-маданий таркибий қисми энг аввало, бу ўрганувчиларнинг муаян коммуникатив таркибини мулоқотнинг ижтимоий-маданий контекстига етарлича етказиш учун мулоқот жараёнида турли хил грамматик воситаларни фарқлаш қобилияти ва хоҳишидан иборатдир [5:43].

Юқорида айтилган чет (инглиз) тили коммуникатив компетенциянинг таркибий қисми сифатида грамматик компетенциянинг муҳим хусусияти тушунчаси бизга грамматик компетенцияни "оғзаки ва ёзма шаклларда нутқ сўзини тушуниш ва тузиш қобилияти, билиш, таҳлил қилиш ва тушуниш кўникмалари, чет эл маданий тушунчаларни она тилда ўхшаш тушунчалар ва уларнинг ифода воситалари билан таққослаш жараёнида талқин қилиш, грамматик воситалар билан ишлаш кўникмалари, уларни маданиятлараро мулоқот жараёнида коммуникатив муаммоларни қўллаш қобилияти бўйича таққослаш" [2:80-83] ни аниқлашга имкон беради.

Грамматик компетенциянинг шаклланиш ва ривожланиш жараёни таркибий асоси чет (инглиз) тилининг амалий грамматикаси саналади, унда грамматик ҳодисаларни коммуникатив бирликни шакллантириш вазифалари билан биргаликда тавсифлайди. Грамматик компетенцияни шакллантириш иш методи педагогика олий ўқув юртларининг ҳорижий филология факультети (йўналиши)да чет тилини ўқитишнинг анъанавий ва муқобил усулларини бирлаштириш орқали амалга оширилади. Албатта, ҳар иккаласининг хам ўз вазифалари ва мақсадлари бор. Масалан, анъанавий ўқитиш усуллари инглиз тили грамматик материалини сунъий нутқ ўрганиш вазиятлари орқали ўрганишни таъминлайди. Ўқитишнинг алтернатив усулларига интенсив амалий машғулотлар, муаммоли ўқитиш, лойиҳа усули, коммуникатив вазиятларни моделлаштириш, мунозара (дискуссия) ва ўйин усуллари, замонавий ахборот технологиялари ва бошқаларни киритишни таҳлил ва тавсия этамиз.

Тадқиқотни олиб бориш жараёнида бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг чет тили коммуникатив компетенциясининг таркибий қисми сифатида грамматик компетенцияни шакллантиришнинг *процессуал модели босқичларини* белгилаб олишга ҳаракат қилдик. Тадқиқот давомида аниқланган ва тажриба-синов ишларида тасдиқланган бу модел босқичлари қуйидагилардан иборат бўлди: а) тақдимот ва грамматик материални бирламчи мустаҳкамлаш; б) грамматик кўникмаларни шакллантириш ва автоматлаштириш; в) коммуникатив амалиёти; г) грамматик компетенция даражасини назорат қилиш ва рефлексия.

Ушбу босқичларнинг ҳар бири ўзига хос лингвистик ва педагогик хусусиятларга эга, ҳар бирида муайян қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун турли хил методлар, усуллар ва воситалар қўлланилишини таъкидлаймиз. Қуйида уларнинг ҳар бирини муаллифлик ёндашуви асосида алоҳида-алоҳида тавсифлаб чиқишни лозим топдик.

1. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида грамматик компетентликни шакллантиришнинг биринчи босқичи. Бу босқичида грамматик компетенциянинг билим таркибий қисмини ривожлантиришга, яъни чет тилида нутқни тўғри тузиш учун мўлжалланган грамматик қоидалар бўйича билимларни ўзлаштиришга ва турли хил коммуникатив вазиятларда чет тили грамматик кўникмаларини шакллантириш учун индикатив асос яратишга қаратилади. Ушбу босқичда янги грамматик материалнинг тақдимоти ўтказилади, унинг лисоний хусусиятлари ва мазмуни очиб берилади, талабалар эътиборини одатий нутқ контекстида ўрганилаётган грамматик структуранинг ишлашига қаратилади. Янги грамматик материаллар билан танишиш ўқув-нутқий вазиятларда (кўргазма (визуал), чет тилидаги контекст, ролли ўйин, таржима тил воситалари ва бошқалар талабаларнинг лингвистик муваффақияти даражасига қараб индукция ёки дедукция методлари орқали амалга оширилади. Бизнинг назаримизда, бу босқичга таъқидланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш билан чекланиб қолмаслик зарур, деб ҳисобладик.

Ушбу босқичнинг иккинчи вазифаси ҳам мавжудлигини қайд этиш лозим яъни талаба ўрганилаётган грамматик материални лингвистик тахлилий машқларда бирламчи манба сифатида мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бундай машқларнинг муваффақиётли бажарилиши учун талаба олдига қуйидаги вазифалар берилса ва уларнинг бажарилиши қатъий назоратга олинса, талабада грамматик компетенциянинг биринчи босқичи шаклланади, деб ҳисоблаймиз. Тадқиқотни олиб бориш жараёнида аниқланган ва тажриба-синов ишларида қўлланилган вазифалардан айрим намуналарни бу ўринда келтиришни лозим топдик: а) тақдим этилган вазиятларни таққосланг ва грамматик шаклларнинг маъносида умумийлик ва фарқларни топинг; б) қуйидаги жумлаларда грамматик ҳодисанинг шаклларини кўрсатинг; в) гапнинг таркибидаги грамматик шаклларнинг вазифаларини айтинг; г) қуйидаги гапларда грамматик тузилишларнинг ишлатилишини тушунтиринг ва уларни рус тилига таржима қилинг; д) берилган бир нечта маълумотлардан тегишли грамматик шаклни танланг; е) қуйидаги мисолларни таҳлил қилинг ва грамматик ҳодисани қўллаш қоидасини асосланг ва ҳ.к.

Ушбу турдаги лингвистик машқлар талабаларнинг

аналитик фикрлашларини ривожлантиради, бунинг учун энг муҳими, қўйилган мақсаддан келиб чиқиб умумлаштириш ва тилларaро трансференция қилиш қобилияти ва тайёргарлигини оширишга ёрдам беради.

2. Бўлажак инглиз тили ўқитувчисида грамматик компетентликни шакллантиришнинг иккинчи босқичи. Бу босқичда талаба ўрганилаётган грамматик структурани унинг фаолияти учун хос бўлган нутқ вазиятларида бошқаради. Ушбу босқичда назарий билимларни амалий чет тили фаолиятига ўтказиш, грамматик кўникмаларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш талаб қиладиган мулоқот шароитларига қараб ўзгартириш, фикрнинг грамматик бўёғининг адекватлигини талаб қилади. Белгиланган мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун қуйидаги лингвистик машқ турлари қўлланилишини тавсия этамиз:

1. *Имитацион машқлар*нинг вазифалари бўйича намунавий топшириқларнинг шартлари: а) суҳандон ортидан жумлаларни ўқинг; б) хор занжир тарзида жумлаларни ўқинг; в) грамматик шаклни белгилаб, қуйидаги жумлаларни қайта ёзинг ва ҳ.к.

2. *Алмаштириш (заҳира) машқлар*нинг вазифалари бўйича намунавий топшириқларнинг шартлари: а) алмаштириш (заҳира) жадвали ёрдамида гаплар тузинг; б) берилган сўзлардан гаплар тузинг; в) намуна бўйича гаплар тузинг; г) жадвал ёрдамида гаплар тузинг; д) аналог бўйича диалог тузинг; е) саволларга намуналар бўйича жавоб беринг ва ҳ.к.

3. *Трансформацион машқлар*нинг вазифалари бўйича намунавий топшириқларнинг шартлари: а) иккита содда гапдан мураккаб гап тузинг; б) гапларни ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилинг; в) жавоблардан фойдаланиб, диалогнинг бошланғич жумлаларини беринг; г) ўрганилган грамматик структура ёрдамида матнни гапириб беринг; д) диалог / полилог мазмунини грамматик шаклда фойдаланган ҳолда монологик шаклда етказинг ва ҳ.к.

Кўрамизки, таъкидланаётган босқичда қўйилган мақсад ва вазифалар, тавсия этилган лингвистик машқларнинг амалиётда бажарилиши талабанинг лингвистик компонентлигини шакллантиришга замин тайёрлайди, муайян маънода асос сифатида хизмат қилади.

3.Бўлажак инглиз тили ўқитувчисида грамматик компетенцияни шакллантиришнинг коммуникатив амалиёти босқичи. Бу босқичнинг мақсади ишлаб чиқариш ва рецептив хорижий тилнинг грамматик кўникмаларини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, илгари босқичларида шаклланганларини мумкин бўлса тузатиш, коррекция қилиш, грамматик кўникмалардан грамматик қобилиятларга ўтишдан иборат. Ушбу босқичда нутқ ҳолатига қараб фаоллаштирилган грамматик ҳодисани ишлатиш учун коммуникатив вазифалар устунлик қилади. Айтилаётган мулохазаларимизни исботлаш мақсадида намунавий топшириқларнинг шартларини қуйида келтирамиз ва улар ўқув жараёнида ўз тасдиғини топганлигини таъкидлаймиз:

а) ҳикояни ўқинг ва диалог тарзда саҳналаштиринг;

б) интернет ресурсларидан фойдаланган ҳолда, чет эллик меҳмонлар учун шаҳар / музейга сиртдан (виртуал) экскурсия ташкил этинг;

в) томоша қилинган филмнинг бош қаҳрамонларининг ҳаракатларига шарҳ беринг;

г) ҳикояни тингланг ва тушунтиринг, нега...?;

д) ушбу грамматик шакллардан фойдаланиб, ҳикоянинг хулосасини тузинг ва ҳ.к.

Шундай қилиб, коммуникатив амалиёт босқичи талабага ўрганилаётган грамматик материални тизимлаштиришга ёрдам беради, самарали ва рецептив грамматик кўникма ва қобилиятларни ривожлантиришга имконият яратиб беради. Грамматик компетенцияни шакллантириш коммуникатив вазифалар, шу жумладан, реал мулоқот элементлари ва ижодий шаклдаги вазифалар билан таъминланади. Буларнинг ҳаммаси бўлажак инглиз тили ўқитувчисида грамматик компонентликни шакллантиришга, энг муҳими, лингвистик компетенцияни ривожлантиришга муайян даражада замин тайёрлайди.

4. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида грамматик компетентликни шакллантиришнинг назорат қилиш ва ифодаланган (реқлексия) босқичи. Бу босқич талабаларнинг грамматик компетенциянинг шаклланиш даражаси тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилишни, шунингдек, ўзлаштирилган грамматик материални ўзларининг баҳолаш натижаларини ўз ичига олди. Энг ишончли натижаларга эришиш учун мураккаблигига кўра, назоратнинг хилма-хил даражадаги вазифалар масалан, тестлар, мунозаралар, гуруҳ баҳслари, расмий ва ролли ўйинлар, лойиҳаларни тайёрлаш ва ҳ.к. тавсия этилади ва улар амалиётда қўлланилади, талабаларнинг грамматик компетенциясини шакллантириш даражасини ҳисобга олган ҳолда назоратга дифференциал ёндошишга имкон беради. Тадқиқотнинг тажриба-синов майдонларида қўлланилган назорат вазифаларига оид топшириқлардан намуналар келтирамиз:

а) феълнинг замон шаклини қўллаш учун машқ тузинг;

б) қуйидаги гапларда феълнинг тўғри шаклини танланг;

в) грамматикани энг яхши билиш бўйича танлов уюштиринг;

г) грамматик викторина учун саволлар тузинг;

д) компьютердаги *Power Point* дастуридан фойдаланган ҳолда грамматикага оид тадқимотни тайёрланг;

е) ўрганилган грамматик материал бўйича тест тайёрланг ва ўтказинг. Хатоларни тузатинг ва шарҳланг;

ё) слайдлардан фойдаланиб, грамматик шаклни тасвирлаш учун грамматик жадвал / диаграмма тайёрланг ва ҳ.к.

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган ва илмий жамоатчиликка тавсия этилган назорат чора-тадбирлари ва вазифаларнинг ижобий натижалари чет (инглиз) тилининг грамматик жаҳатларини ўқитишнинг ушбу босқичида грамматик материални муваффақиятли ўзлаштирганлигидан ва шаклланган грамматик компетенциядан далолат берди. Яна шуниси муҳимки, салбий натижаларни таҳлил ва талқин қилиш ишлари талабаларнинг грамматик компетенциясини шакллантиришдаги бўшлиқларни аниқлаш, талабалар грамматик компетенциясини шакллантириш даражасига мослаштирган ҳолда вазифалар тизимини тузатиш имконини беради, алоҳида “йўл харитаси”ни ишлаб чиқишимизга сабаб бўлди.

Хуллас чет (инглиз) тилининг грамматик компетенциясини шакллантириш жараёни биз томондан ишлаб чиқилган ва амалиётда синаб кўрилган босқичларнинг кетма-кетлигида янада долзарблашади. Ҳар бир кейинги босқичнинг мазмуни-моҳияти, қўйилган мақсад ва вазифаси грамматик компетенциянинг шаклланиш даражасини ва талабанинг ўқув ва когнитив жараёнда коммуникатив фаолияти ортиб бораётган ҳолатини ифодалай берди. Таъкидланган босқичларнинг ҳар бирида қўйилган вазифалар бир-бири билан узвий чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларни ўқитиш босқичига ва грамматик компетенцияни шакллантириш даражасига қараб параллел равишда қўллаш имкониятини таъминлайди.

Энди навбатдаги муҳим муаммонинг ечимини аниқлашга тўғри келади: бўлажак инглиз тили

ўқитувчисида грамматик компетентликнинг шакллантириш кўрсаткичларининг аниқлаб олишимиз зарур. Бу борада хорижий илмий-методик адабиётлар ўрганиб чиқилди, улардаги тегишли фикр-мулоҳозалар назарий асос сифатида танлаб олинди ва умумлаштирилди. Натижада, бизнинг назаримизда, талабаларнинг грамматик компетенциясининг шаклллантириш кўрсаткичларини 4 та мезондан иборат, деб белгиладик. Улар: *когнитив, операцион-фаоллик, мотивацион ва рефлексив* мезонларидир. Илмда хилма-хил фикр-мулохазалар бўлгани учун биз бу ўринда баъзи изоҳларни таъкидлашни лозим топдик. Методистлар фикрига кўра, *когнитив мезон* грамматик билимлар мажмуини қамраб олади. *Операцион-фаолият мезони* грамматик кўникма ва қобилиятлар гуруҳини ҳамда касбий йўналтирилган чет тилида нутқ фаолиятини амалга оширишга тайёргарликни ўз ичига олади. *Мотивацион мезон* чет тилининг грамматик жиҳатини ўзлаштиришга бўлган мотивацион эҳтиёжнинг ўсишини кўрсатади. *Рефлексив мезон* талабанинг бу жараёнда ўзининг таълим, билим, когнитив ва коммуникатив фаолиятига ҳамда шахсий фазилатларига баҳо беришни назарда тутади [1:4]. Бундай даражадаги тавсифларни бошқа илмий-методик адабиётларда ҳам хилма-мил вариантларда учратамиз. Лекин уларнинг хаммаси бир-бирини муайян маънода тўлдиради ёки бири-иккинчиси такрорлайди. Биз юқорида таъкидлаганимиздек, тўртта мезонлар билан чегараландик ва тадқиқотни олиб бориш жараёнида уларга асосландик.

Хулоса қилиб айтганда, қуйидагиларни таъкидлаш лозим:

а) Бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг чет тили коммуникатив компетентциясининг таркибий қисми сифатида грамматик компетенция муайян грамматик билимлар, кўникмалар, қобилиятлар ва коммуникатив ҳамда касбий вазифаларни ҳал қилиш учун етарли даражада, ўкув амалиётида самарали фойдаланишга тайёр бўлган мураккаб интегратив таълимдир.

б) Биз томонимиздан ишлаб чиқилган, тадқиқот давомидаги тажриба-синов ишларида тасдиқланган ва амалиётга тавсия этилган бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг грамматик компетентлигини шакллантиришнинг босқичма-босқич технологияси ўзини мутлоқ оқлади. Унинг когнитив, фаоллиги, мотивацион ва рефлексив кўрсаткичлари турли лингвомаданий тушуниш ва идрок этишга қаратилган дидактик-методик стратегияларни шакллантиришга асос бўла олади.

в) Биз томонимиздан ишлаб чиқилган ва тавсия этилган босқичларнинг кетма-кетлиги ва уларнинг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари грамматик компетенцияни шакллантириш даражасининг талаб даражасида бўлишига, талабанинг чет тилидаги коммуникатив ва бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг касбий фаолиятидаги ролини оширишга ёрдам беради.

Адабиётлар

1. Гитман Е.К., Долматова Н.С. Модель формирования иноязычной коммуникативной компетенции студентов на основе блочно-модульной технологии (Электрон ресурс) // Фундаментальные исследования. 2014. № 12-4. URL: http://www. Fundamental-research.ru/ru/article/view?id=36199 (дата обращения: 19.06.2018). –С.4

2. Кашенкова И.С. Роль грамматической компетенции при определении целей обучения грамматической стороне иноязычной речи специалистов-международников // Филологические науки. Вопросы теории и практики. 2013. № 8(26): в 2 ч. ч. I. –С. 80–83.

3. Обще европейские компетенции владения иностранным языком: изучение, обучение, оценка/ Департамент по языковой политике, Страсбург. -М.: МГЛУ, 2005. –С. 107-108.

4. Рябцева О.М. Формирование грамматической составляющей иноязычной компетенции // Изв.Юж. фед. ун-та техническкие науки. 2010. №10.Т. – С.11. 116.

5. Чернецкая И.В. Профессионально-направленное обучение грамматике английского языка студентов старших курсов филологических факультетов педагогических вузов (английский язык как вторая специальность): дис. … канд. пед. наук. СПб., 2001. –С.43.

РЕЗЮМЕ

Мақолада бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида грамматик компетенцияни шакллантириш босқичлари, лингвистик топшириқларнинг ўзига хос хусусиятлари, когнитив, операцион-фаоллик, мотивацион ва рефлекцив мезонлар ҳақида сўз юритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются этапы формирования грамматической компетентности у будущих учителей английского языка, особенности языковых задач, познавательные, операционально-деятельностные, мотивационные и рефлексивные критерии.

SUMMARY

The article discusses the stages of formation of grammatical competence in pre-service English teachers, the peculiarities of linguistic tasks, cognitive, operational-activity, motivational and reflexive criteria.

BIOLOGIK FAOL QO`SHIMCHA MAHSULOTLARNING TURLARI VA ULARNI SPORTDA QO`LLASH TAMOYILLARI

B.B.Kipchakov - *dotsent*

Samarqand davlat universiteti

P.J.Mamutov – *assistent o'qituvchi*

Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti

Таянч сўзлар: спорт, соғлом турмуш тарзи, жисмоний маданият, фармокология, реабилитология, диетология.

Ключевые слова: спорт, здоровый образ жизни, физическая культура, фармокология, реабилитология, диетология.

Key words: sport, healthy lifestyle, physical education, pharmacology, rehabilitology, dietetics.

Inson bu tabiatning bir qismi bo'lib, inson va tabiyat bir- biriga bog`liq va muhtojdir. Biz xujayralarimizga zarur bo`lgan energiya, suv va quruvchi moddalarni tabiyatdan olamiz.

Shunday qilib, birinchi navbatta bizga havo bilan kislorod kerak. Kislorod yordamida hujayralarda energiya hosil bo`ladi. Ikkinchidan, bizga suv kerak, shunki suv barcha hujayralarimizning yashashi uchun universal biologik muhit hisoblanadi. Uchinchidan, organizmga uzluksiz ravishda, tabiyatdan, quvvat hosil bo`lishi, hujayra shakllanishi, garmon va fermentlar hosil bo`lishi, suyak, paylar, bo`g`inlar, teri, tirnoq va sochlar hosil bo`lishi uchun ozuqa moddalari kirishi lozim.

Biz nima uchun biologik foal qo`shimchalar bilan ovqat ratsionimizni to`ldirish yoki o'larni qo'llashni anglashimiz uchun, avval biz insonga ovqat nima uchun zarurligini tushunib olishimiz kerak.

The theoretical and practical experience gained over the centuries carries a great didactic potential that should be used in designing and implementing of modern models of bilingual education.

As noted by E.S. Pavlova, from the beginning of the 90s of the XX century, bilingual education is a leading direction of educational policy in many countries of the world [2:155].

According to L.L. Salekhova, there are four national models of bilingual education: Canadian, American (H. Barrick, M. Sven, H. Hammerli, et al.), German (H. Christ, et al.) and a pan-European concept - "Euroschool".[3:24].

According to observations of Shirina A.G., in Russia in the "burst" of the aspiration for an open society and integration into the international and European cultural and educational field, the first experience of bilingual education has happened, scientific and methodological centers on this problem are being created, and there is a natural interest in countries that are followers of the movement of bilingual schools [4:155].

These include Belgium, Switzerland, and Canada, where the usual bilingual environment has existed for a long time. For example, in the USA, where an intensified move is to unite representatives of different national groups.

The studies were reflected in a number of sources showing professionally oriented teaching of a foreign language. For example, I.E. Bryksina developed a concept of forming bilingual competence of specialists ensuring the synthesis of linguistic, objective and intercultural components in preparing students for professional work and the concept is the basis for the internationalization of higher education in line with the Bologna process [5:386].

As part of forming a multicultural linguistic personality through Internet communication, L.P. Khalyapina developed a system of this process [6:426].

The researchers conclude: multilingual education and the received multilingual education have a great personal incentive, which contributes to the formation of not only polylingual skills of students, but also the formation of a culture of interethnic communication.

Thus, in addition to linguistic reflection, linguistic intelligence, linguistic intuition, etc., the skills necessary for establishing contacts in a multinational environment at the workplace are formed.

In fact, the second foreign language contributes to the formation of bilingual competence, its transformation into a metalanguage characteristic of a person, with a high level of abstraction, analytics, systematization, which are new qualitative transformations in the development of a linguistic personality [7:155].

For the modern period of development of current society, the special significance of bilingual education lies in its philosophical and pedagogical foundations: tolerance for dissidence, rejection of prevailed stereotypes, the desire for a wide exchange of values and ideas, dialogue of cultures.

Bilingual education, being a means of obtaining education, is also a process of forming a personality open to interactions with the outside world. In addition, in line with the Bologna process, it is a reliable basis for internationalization of higher education.

Besides, the important condition for effective bilingual education is a high level of competence of a university teacher, both in the subject area and in the language, which makes specialized requirements for the process of professional education.

Bilingual education will ensure the formation of a communicative-oriented personality in future specialists, capable of intercultural communication.

“Bilingual competence, as an integral characteristic of a specialist’s personality, includes both a linguistic aspect implemented on the example of professional information, taking into account the specifics of specialist’s thesaurus quality, and the acquisition of certain standards of behavior by students in a multilingual professional environment, and disclosing the structure of competence, reflecting the communicative component, organizational behavior, aspects of self-development in a foreign language professional work, the systematic implementation of professional functions in a foreign language field” [8:24].

The language reflects views of a native speaker and is in constant development. “Teaching a foreign language as well as special disciplines in a bilingual education has a number of specific features. First, the second language is artificial, in contrast to the international experience of bilingual education, where bilingualism is natural (or teaching is carried out according to the "partial immersion" method). Second, students have a heterogeneous level of foreign language proficiency. Therefore, the use of a foreign language not as a goal of learning, but as a means, an instrument of cognition, a means of professional communication within the framework of teaching sessions encounters certain difficulties. In this regard, there is a need for a psychological and pedagogical validation of conditions for effective teaching specialists studying in a bilingual mode. One of these conditions is to form a positive motivation for students to master a foreign language” [9:44-45].

The present stage of reforming higher professional education can be defined as rapidly developing innovative and technological processes aimed at integration with the global education.

Under these conditions, the actualization of bilingual education is hyper actual, when the learning foreign language, simultaneously with the native language, acts as a way of recognizing and understanding the surrounding multinational world, as well as developing specialized knowledge, self-education, multinational and intercultural interaction contributing to the formation of a culture of interethnic communication.

“The use of a foreign language as a way of comprehending the world of special knowledge, familiarizing with the culture of different nations, a dialogue of different cultures, contributing to people's awareness of belonging not only to their country and civilization, but also to the wide cultural community - all these ideas are important for Russian higher education.” [10:226].

Thus, teaching future specialists to implement intercultural communication, the task is to educate a bicultural personality.

The tasks can be solved effectively through organizing the process of forming bilingual competence among future specialists, which determines the student's ability to enrich the knowledge and experience that he acquires first in his

native language and in subsequent professional training the knowledge and experience of foreign countries in a foreign language.

The bilingual form of teaching a foreign language is an important approach to mastering the foreign language, when the subject of study is the reorganization of the speech mechanisms of the student's personality and the use of the ways of switching from one language to another. Great attention in bilingual learning is given to the development of memory.

Bilingual education is the simultaneous teaching in a unified theory in parallel to two languages. Scientists studying the phenomenon of bilingualism believe that this training affects not only directly the formation of students' speech, but has a diversified effect on the development of intellectual qualities.

Bilingual education involves the creation of an approving environment for development of mental qualities necessary for the evolution of thinking, the accelerated development of the intellect of speech and mental activity, as well as broadening one's horizons. By communicating with foreigners, the student acquires a good incentive and impetus for the formation of curiosity and an intellectual, linguistic outlook, which, in turn, leads to the formation of a culture of interethnic communication.

References

1. Ryabchenko N.N. H.H. Forming the culture of international communication in students of pedagogic universities. // Education of personality. 2013. № 4. -P. 59 - 76.

2. Pavlova E.S. Methods of bilingual teaching of chemistry to primary school students: dis. ... Candidate of Pedagogical Sciences: 13.00.02 / Pavlova Elena Sergeevna. - St. Petersburg: 2011, -P. 155.

3. Salekhova L.L. Didactic model of bilingual teaching of mathematics in the higher pedagogical school: author. dis. ... Candidate of Pedagogical Sciences: 13.00.00 / Salekhova Lyaylya Leonardovna. – Kazan: 2007. –P. 24.

4. Shirin A.G. Bilingual education in Germany: dis. ... Candidate of Pedagogical Sciences: 13.00.01 / Shirin Alexander Glebovich. - Veliky Novgorod: 1999. –P. 155.

5. Shubin S.V. Motivation for mastering a foreign language in conditions of bilingual education at a university / S.V. Shubin - SPb, 2008. - P. 44-45

6. Shirin A.G. Bilingual education in Germany: dis. ... Candidate of Pedagogical Sciences: 13.00.01 / Shirin Alexander Glebovich. - Veliky Novgorod: 1999. –P. 155.

7. Bryksina I.E. The concept of bilingual / bicultural language education in higher education (non-linguistic specialties): dis. ... Dr. Pedagogical Sciences: 13.00.08 / Bryksina Iraida Evgenievna. – Tambov: 2009. –P. 386.

8. Khalyapina L.P. Methodological system for the formation of a polycultural linguistic personality through Internet communication in the process of teaching foreign languages: dis. … Dr. Pedagogical. Sciences: 13.00.02 / Khalyapina Lyudmila Petrovna. - St. Petersburg: 2006. –P. 426.

9. Vasilyeva A.A. Formation of a student's tolerant personality by means of a foreign language in a multicultural space of a university: dis. ... Candidate of Pedagogic Sciences: 13.00.01 / Vasileva Aida Alegovna. – Kazan: 2009. –P. 226.

РЕЗЮМЕ

Ushbu maqola ikki tilli yondashuv asosida talabalar o'rtasida millatlararo muloqot madaniyatini rivojlantirish masalalariga bag'ishlangan. Maqolaning maqsadi ikki tilli talabalar o'rtasida millatlararo muloqotning pedagogik mexanizmini takomillashtirishdir. Ishda bilngval yondashuvini Rossiya Federatsiyasi va O'zbekistonda qo'llash bo'yicha qiyosiy tahlil usuli qo'llanilgan. Shunday qilib, bu pedagogik sohadagi tadqiqotchilar uchun aniq hissani anglatadi.

РЕЗЮМЕ

В данной статье речь идет о развитии у студентов культуры межнационального общения на основе билингвального подхода. Целью статьи является процесс совершенствования педагогического механизма межнационального общения у студентов билингвистов. В работе использован метод сравнительного анализа по применению бильнгвального подхода в Российской Федерации и в Узбекистане. Тем самым представляет собой определенный вклад для исследователей педагогической сферы.

SUMMARY

In this article we discuss development of intercultural communication among students based on bilingual method. The aim of the article is to improve the process of pedagogical mechanism for better intercultural communications among bilingual students. Comparative analysis has been used based on RF and Uz and their appliance of bilingual method. Therefore this article may represent a value for researchers in pedagogical sphere.

PSIXOLOGIYA ILIMLERI

ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИНГ МОҲИЯТИ ВА ДЕВИАНТ ХУЛҚНИ БАРТАРАФ ЭТИШДАГИ ЎРНИ

Г.А.Абдуқаҳҳорова – *катта ўқитувчи*
Қашқадарё вилояти ХТҲҚТМОҲМ

Таянч сўзлар: хулқ, агрессив, девиант, хулқ-атвор, ижтимоий норма, хатти- ўсмир, ота-она, оила, омил, ижтимоий муҳит, ҳаракат бузилиши.

Ключевые слова: социальная среда, девиантное поведение, социальная норма, расстройство поведения, подросток, родитель, семья, фактор.

Key words: social norm, behavioral disorder, adolescent, parent, family, factor, social environment, deviant, behavior.

Девиант хулқ-атвор масаласи фанлараро муаммо мақомига эга бўлганлиги боис, ҳозирга қадар у қатор фанлар жумладан, психология, педагогика, социология, биология, криминалогия ва тиббиёт фанлари тадқиқот предметини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 майдаги "Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазмуни ҳамда қарор иловасида кўрсатилган Ўзбекистон Республикасида психологик хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш бўйича, чора- тадбирлар режалари ижросига кенг хизмат қилади. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли ёшлар таълим-тарбиясига оид юртимиз келажаги учун юқори малакали мутахассисларни, юксак интеллектуал, маънавий-ахлоқий салоҳиятга эга бўлган ёшларни тарбиялаш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017- 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш", "Ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш" каби муҳим вазифаларнинг белгилангани фикримиз далилидир [1:38].

Девиант хулқ-атвор масаласига оид дастлабки тадқиқотлар социология ва криминалогия фанлари тизимида амалга оширилган. Бироқ, муаммо дориасидаги кенг кўламли хорижий тадқиқотлар кўпроқ фалсафий-методологик мазмунда амалга оширилган бўлиб, улар орқали яратилган концептуал асосларга: Дж.Келли,Ч.Ломборзо,Э.Кречмер,У.Шелдонларнинг антропоцентрик назарияси, З.Фрейд, К.Юнг, Э.Эриксон каби олимларнинг психоаналитик назарияси, Э.Дюркгейм, Р.Мертонларнинг ахлоқсизлик назарияси, С.Миллер, Э.Сатерландларнинг маданий-мантиқий ривожланиш назарияси, А.Бандуранинг ижтимоий ўрганиш назарияси, Г.Беккернинг стигматик назарияси, А.Турнинг низолар типологияси назарияси, Н.Смелзеранинг хулқ-атвор қоидалари ҳақидаги назарияси, С.Линга ҳамда У.Харреларнинг девиация масаласига оид ижтимоий-психологик ёндошувлари кабиларни киритиш мумкин [2:155]. Умуман олганда, мамлакатимиз психологиясида девиант хулқ-атвор муаммосини бартараф этишда ижтимоий-психологик хизматнинг ролини ошириш, янги психодиагностик ва психокоррекцион услубий дастурларни ишлаб чиқиш нуқтаи назардан, мазкур тадқиқот иши ўта муҳим ва долзарб илмий ишлар туркумидан бўлиб ҳисобланади.

Маълумки, жамият ҳар доим инсоннинг ўзини тутиши муаммосига алоҳида эътибор беради, чунки инсоннинг баъзи ҳаракатлари жамиятда умум қабул қилинган ёки расмий равишда белгиланган ижтимоий нормаларга доим ҳам мос келавермайди. Девиант хулқ-атвор масаласининг долзарблиги махсус йўналишдаги психология - девиант хулқ-атвор психологияси доирасида амалга оширилаётган муҳим илмий тадқиқотлар билан узвий боғлиқдир. Девиант хатти-ҳаракатлар – бу инсон хатти-ҳаракатларининг жамият ёки гуруҳлар фаолиятига, меъёрлар, хулқ-атвор қоидаларига, ғоялар, ва муносабатларга ҳамда жамият қадриятларига мос келмаслигидир. Жамият нормалари - бу доимий ўзгаришлар олдида ижтимоий тизимни, ҳаётий мувозанатни ушлаб турувчи механизмдир.

Психологияда девиант хулқ ва унга олиб келувчи омиллар бўйича кўплаб хориж тадқиқотлари амалга оширилган. Амалга оширилган кенг қамровли тадқиқотлар девиант хулқ - атвор келиб чиқишининг ижтимоий-психологик, ижтимоий-педагогик, криминологик ҳамда социологик жиҳатларига бағишланган. Биз тадқиқ этаётган муаммога оид эътиборга молик ёндошув сифатида, Т.Парсонс ва В.Майсакларнинг тадқиқотларини мисол қилиш мумкин. Муаллифлар девиант хулқли шахсларни ўрганишда бихевиористик ҳамда психоаналитик ёндошувни энг самарали услуб сифатида кўрадилар. Яъни девиант хулқнинг намоён бўлиши инсон онги ости соҳасида қолган яширин агрессиялар, бошқаларга қаратилган ўч олиш истаклари билан ҳам боғлиқдир. Шунингдек, оиладаги тарбия муҳитининг яхши эмаслиги, нотўлиқ оилавий ҳаёт ва тарбияга таъсир этувчи асоссиз низолар ҳам девиант хулқ намоён бўлишининг шарт –шароитлари саналади [3:336].

Замонавий психологик тадқиқотларда шахсдаги девиацияни тадқиқ этишнинг биологик ва психологик назариялари кўпроқ эътироф этилиб, мазкур назариялар деликвент (жиноий) хулқ сабабларини аниқлаш, жиноятни содир этиш учун асос бўладиган ирсий ва психологик омилларни очиб бериш кабилар билан характерланади [4:59].

Биологик назария тарафдорлари С.Ломброзо ва Ф.Галларнинг мулоҳазаларига кўра, жиноятчи шахсни ўрганишда унинг туғма хусусиятларини ҳисобга олиш, феъл - атвор ва антропологик ўхшашликларни солиштириш ўта самарадор усуллар ҳисобланади Айтиш жоизки, айнан шу ёшдан бошлаб, ўз-ўзини англаш, болалик ҳис-туйғуларини катталар дунё қарашига ўзгариши, шахсни ички «мени» ва уни англаш даври бошланади. Ўсмирлик даври энг мураккаб босқич ҳисобланади [5:118]. Уларнинг жисми, ақли, онгида бўлаётган ўзгаришлар безовталик, ҳис- туйғуларнинг беқарорлиги, ички курашлар сабабчиси бўлиб қолади. Ўсмирлар кўп ҳолларда нафақат жисмоний ривожланишдан, балки бир қанча ижтимоий инсонлараро муносабатларда ҳам безовталик, ноқулайликларни бошдан кечирадилар. Девиант хулқ-атвор муаммосининг назарий масалалари юзасидан мазкур амалга оширилган маълумоларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирга қадар ушбу феномен моҳияти борасида ягона нуқтаи-назар мавжуд эмас.Чунки девиант хулқ муаммоси фанлараро тадқиқотлар предмети саналади. Бироқ, муаммонинг фанлараро тадқиқи, девиант хулқ борасидаги кейинги тадқиқотлар учун янги имкониятлар яратади.

Томас шахс сўровномаси умумий ўртача кўрсаткичлари (Колмогор-Смирновнинг z-мезони бўйича) N=110

Кўрсаткичлар	Рақобатлилик	Ҳамкорлик	Келишув-чанлик	Тортишувдан қочиш	Мослашув-чанлик
N	110	110	110	110	110
M	2,90	5,70	10,10	6,95	6,25
Стандарт оғиш	0,85	1,34	1,29	0,99	1,37
Позитив	0,25	0,16	0,18	0,18	0,14
Негатив	-0,19	-0,18	-0,21	-0,17	-0,15
Колмогоров-Смирнов	1,13	0,84	0,98	0,80	0,70

Тажовуз ҳолати сўровномаси умумий ўртача кўрсаткичлари (Колмогор-Смирновнинг z-мезони бўйича)

Кўрсаткичлар	Жисмоний тажовуз	Вербал тажовуз	Билвосита тажовуз	Негативизм	Тажанглик	Шубҳаланув-чанлик	Хафагарчилик	Айбдорлик
N	110	110	110	110	110	110	110	110
M	3,50	6	3,50	1,55	3,50	3,05	2,75	2,80
Стандарт оғиш	1,19	1,55	1,10	0,94	1,46	1,39	1,20	1,28
Позитив	0,16	0,20	0,22	0,17	0,13	0,16	0,18	0,18
Негатив	-,016	-0,16	-0,16	-0,23	-0,14	-0,13	-0,16	-0,16
Колмогоров-Смирнов	0,72	0,89	1	1,04	0,65	0,73	0,81	0,82

Девиант хулқли ўсмирлар ва уларнинг шахс хусусиятлари

1. Омиллар	Девиант хулқ-атворга эга ўсмир шахси хусусиятлари
2. Тажанг ўсмир	Рақобатси, тажовузкор, хафа бўлишга мойил, тажанг
3. Мослашувчан	Хамкорликка тайёр, мослашади, жисмоний тажавузга мойил
4. Келишувчан	Тажанг, хафагарчиликка мойил, мустақил, келишувчи, ҳамкорликка тайёр
5. Тажовузкор	Тортишувдан қочувчи, айбдорлик хисси паст, тажавузкор
6. Шубҳаланувчи	Масъулиятли, ҳамкорликка тайёр, жисмоний тажовуз юқори шубҳаланувчи
7. Вербал агрессив ўсмир	Рақобатчиликка мойил, тортишувдан қочувчи, вербал тажовузи юқори, шубҳаланишга мойил

Хулоса қилиб айтиш жойизки, Ўмирлар хатти-ҳаракатларидаги бузилишлари ота-оналар, ўқитувчилар, бошқа ўқитувчилар билан бўлган салбий алоқалари тушунилади. Бундай хулқ-атвор хусусиятлари нафақат умумий қабул қилинган қоидалардан оғиш, балки ҳаётий мақсадларни йўналтира олмасликдан келиб чиқади. Бугунги ҳар бир мактаб амалиётчи психологининг вазифаси шуки, ўз вақтида тарбияси оғир ўсмирлар билан ишончли муносабатларни ўрнатиш ҳамда улардаги оғишган хулқни профилактика қилишда, турли психологик илғор чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ўз амалий фаолиятига тадбиқ этишдан иборатдир.

Адабиётлар

1. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017. – 6 (766)-сон. 38-б.
2. Асадов Ю, Р. Мусурманов “Ўсмирлар девиант хатти-ҳаракатининг ижтимоий-психологик хусусиятлари” -Т.: “Сано стандарт”, 2011, 155-б.
3. Асмолов, А. Г. Психология личности: учеб. / А. Г. Асмолов. –М.: Изд-во Моск. ун-та, 1990.–С. 336.
4. Афанасьев В.С. Девиантное поведение несовершеннолетних: социологическая характеристика состояния и механизма детерминации . // Актуальные проблемы социологии девиантного поведения и социального контроля. –М.: 1992. –С. 59-100.
5. Ахутина Т.В. Психолого-педагогическое обеспечение коррекционно-развивающей работы в школе: пособие для администрации школ, педагогов и школьных психологов. –М.: 1997. –С. 118.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада замонавий психологик тадқиқотларда шахсдаги девиацияни тадқиқ этишнинг биологик ва психологик назариялари кўпроқ эътироф этилиб, девиант хулқ-атвор ҳақида маълумотлар изоҳлаб ўтилган.

РЕЗЮМЕ

В этой статье представлена информация о девиантных поведенческих расстройствах у подростков и факторах, которые к ним приводят.

SUMMARY

This article provides information on deviant behavioral disorders in adolescents and the factors that lead to them.

ЖАМОАДА ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ

Э.Ёзиев – *катта ўқитувчи*
Қарши давлат университети

Таянч сўзлар: бошқарув, раҳбар шахси, характер, шахсий фазилатлар, темперамент, қобилият, шахслараро муносабат, мулоқот, ахлоқ.

Ключевые слова: управление, личность руководителя, характер, личные качества, темперамент, способность, межличностные отношения, общения, мораль.

Key words: management, personality leader, character, the personal quality, temperament, ability, interpersonal relations, contacts, moral.

Юксак ривожланган кичик гуруҳлар ичида жамоа алоҳида аҳамият касб этади. “Жамоа” сўзининг этимологиясига эътибор қаратадиган бўлсак, у йиғилган, тўпланган, бирлашган деган маъноларни беради. Жамоа бугунги кунда ижтимоий ҳаётда ўзаро боғлиқ бўлган умумий иқтисодий, ижтимоий ва маданий эхтиёжларини қондириш учун бирлашиб фаолият кўрсатувчи кишилар йиғиндисидир. Кишилар ўртасида умумий ҳамкорликка, бир-бирини қўллаб-қувватлашга, умумий мақсад сари бирлашиб фаолият олиб боришга мойиллик инсонлар жамоасини вужудга келтиради. У ўзаро ёрдам, ҳамкорлик, ҳамдардлик, жипслик, масъулият, жавобгарлик ҳисларининг юксаклиги билан гуруҳдан фарқ қилади. Жамоа мулки учун фахр, ғурур, фидойилик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик туйғуларини намойиш этиш жамоанинг шаклланганлигидан далолат беради.

Жамоа тўғрисидаги дастлабки фикрлар ўтган асрнинг биринчи ярим йиллигида прогрессив оқим намояндалари А.С.Макаренко, А.С.Залужный, Л.С.Выготский, В.А.Сухомлинский, В.М.Бехтеров ва бошқалар томонидан илгари сурилган эди. Улар шахснинг шаклланишида ижтимоий муҳит, жамоа ва таълим-тарбиянинг ролини очиб беришга ҳаракат қилганлар. Кейинчалик бу борада П.П.Блонский ва Д.Б.Элькониннларнинг қарашлари алоҳида аҳамият касб этиб, улар томонидан йўлбошчилар психологияси, уларнинг типологияси ва роллари ҳақида муҳим маълумотлар илгари сурилган.

Атоқли педагог А.С.Макаренко жамоа муаммосини энг кўп ва самарали ўрганган олимлардан ҳисобланади. Унинг фикрича, жамоа шундай шароитда бўладики, бунда у кишиларни жамият учун аниқ, фойдали бўлган мақсад ва вазифалар асосида бирлаштиради. Муаллифнинг асарларида жамоа ва шахс, жамоавий таъсир, фаолиятда шахс шаклланиши, ўзини ўзи назорат қилиш ва бошқариш, жамоанинг бошқарув типлари, муомала услублари ҳақида кўпгина қизиқарли фикрлар баён қилинган. Улар ижтимоий гуруҳларни ўрганишнинг методологик принциплари тариқасида фаолиятлилик, тизимлилик, тараққиёт сингарилларга асосланган.

Демак, юқорида билдирилган фикрлар асосида жамоага қуйидагича таъриф беришимиз мумкин. Жамоа деб, фаолият жараёнида жамият манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, умумий мақсад ва вазифалар қўйиб биргаликда ишлайдиган кишилар бирлигига айтилади.Жамоага хос бир қанча муҳим белгилар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: 1) жамоада кишилар жамият учун фойдали бўлган фаолият мақсадлари асосида бирлашадилар; 2) жамоа аъзолари ўз олдида турган мақсад ва вазифаларни аниқ англаган ҳолда ўз манфаатларини жамият манфаатлари билан қўша оладилар; 3) жамоа аъзолари керакли пайтда шахсий манфаатдан жамият манфаатини устун қўя оладилар.

Жамоанинг кичик гуруҳлардан фарқли томони қуйидагилардан иборат:

1. Кичик гуруҳларда мақсад умумий бўлиши мумкин, жамоада эса у ижтимоий характерга эга бўлади.
2. Жамоада шахсий ва ижтимоий манфаатларнинг мослиги кичик гуруҳлардагидан кўра юксакроқ бўлади.
3. Кичик гуруҳлар ёпиқ бўлса, жамоа эса очиқ, яъни бошқа жамоалар билан муносабатда шаклланади.
4. Жамоа уюшган бўлади, кичик гуруҳлар эса нисбатан тарқоқроқ бўлади.
5. Жамоа кучли турғунликка эга, кичик гуруҳлар эса нисбатан турғунсизроқдир.
6. Жамоа ва кичик гуруҳлар таъсир қилиш характери билан ҳам фарқ қилади. Масалан, жамоа кичик гуруҳга нисбатан кучли таъсир кучига эга.
7. Жамоада ўзаро муносабатлар асосан тарбия кўринишида, кичик гуруҳларда эса муомала кўринишида бўлади.

Кичик гуруҳни жамоа деб аташ учун у бир қатор юксак талабларга жавоб бериши керак. Унга юклатилган топшириқларни муваффақиятли бажариш, юксак ахлоқлилик, юқори инсоний муносабатлар, ҳар қандай аъзосининг шахс сифатида шаклланиши учун зарурий шарт-шароитлар яратиш, ижодиётга қобилиятли бўлишни таъминлаш ва ҳоказо. Яъни алоҳида ишловчи индивидларга миқдорий йиғинди тарзида қарагандан кўра, гуруҳ сифатида одамларга кўпроқ эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Демак, юксак ахлоқий меъёрлар асосида қуриладиган шахсий ва ишбилармонлик ўзаро ҳар хил муносабатларнинг дифференциаллашган тизими шаклланган, психологик жиҳатдан камолотга эришган кичик гуруҳларни жамоа деб атасак ўринли бўлади. Бундай кўринишдаги ўзаро тушунув ва ҳамдардлик негизига қурилган муносабатлар жамоавий дейилади.

Жамоавий муносабатлар ахлоқийлик, масъулият, очик-ойдинлик, жамоавийлик, мулоқотмандлик, ташкиллашганлик, самарадорлик, бохабарлик ҳис-туйғулари орқали аниқланади. Ахлоқийлик деганда умуминсоний қадриятлар, меъёрлар ва анъаналарга суянган ҳолда жамоа ичида ва ундан ташқаридаги муносабатларни мақсадга мувофиқ тарзда амалга ошириш ҳодисаси тушунилади. Масъулият деганда шахс мазкур жамоа аъзоси ёки аъзоси эмаслигидан қатъи назар унинг тақдирига жамият олдида ихтиёрий равишда ахлоқий ва бошқа масъул вазифаларни жамоанинг ўз зиммасига олиши англашилади. Масъулиятлилик яна шундай тарзда намоён бўлиши мумкинки, бунда жамоа аъзолари ўз сўзларини иш билан тасдиқлайдилар. Ўзига ва бир-бирига талабчан, ўзларининг ютуқ-муваффақиятсизликларини холисона баҳолайдилар. Интизомга онгли муносабатда бўладилар, ўзларининг шахсий қизиқишларини бошқа кишиларникидан устун қўймайдилар, ижтимоий мулкка жиддий ёндашадилар ҳамда уни авайлаб-асрайдилар.

Маълумки, жамоанинг барча аъзолари муштарак мақсадларни якдиллик билан тушуниши, уларнинг иш жараёнида биргаликда аниқ ҳаракат қилиши ва ўзаро ёрдами, зиммаларига юкланган вазифаларни бажаришда фаоллик ва ташаббус кўрсатишлари таъминланган, қулай психологик муҳит яратилган тақдирдагина, жамоа самарали ишлаши мумкин. Бу эса жамоанинг ишлаб чиқариш фаолиятига маҳсулот реализация қилиш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, рентабеллик кўрсаткичларига қараб баҳо берганда, кадрларни мустаҳкамлаш, меҳнат ва турмуш шароити, жамоа аъзоларининг жипслиги, биргаликда ишлаш натижаларидан уларнинг қаноат ҳосил қилиши, меҳнат интизоми ва бошқа ижтимоий омилларни эътиборга олишни тақозо қилади.

Жамоавий аҳиллик жамоани ташкил этишдаги муҳим белгилардан бири бўлиб, у битта корхона, ташкилот ёки муассасада ишлайдиган жамоа аъзоларининг ўзаро муносабатларида намоён бўладиган фазилат ҳисобланади. Бунда жамоа аъзолари ишда бир-бирига беғараз, холис ёрдам кўрсатади. Жамоада муайян вазифани бажариш ниятида амалга ошириладиган ижобий хатти-ҳаракатлар унинг аъзолари томонидан маъқулланиши мазкур жамоанинг аҳиллигидан дарак беради. Айниқса, ҳамкасблар ўртасидаги бир-бирини қўллаб-қувватлаш, дўстона ёрдам бериш, касб сирларини ўртоқлашиш каби муҳим муносабатлар жамоа аъзолари аҳиллигининг юксак кўрсаткичидир. Агар жамоа аҳил бўлмаса, белгиланган

режани бажара олмайди. Натижада корхона инқирозга учрайди ёки жамоа раҳбари вазифасидан четлатилади.

Жамоанинг самарали фаолият юритиши уни бошқараётган раҳбар шахси ва унинг бошқарув салоҳиятига ҳам боғлиқдир. Бугунги тараққиёт раҳбардан нафақат ўз соҳасини яхши билишни, балки ўзи бошқараётган меҳнат жамоасининг фаолиятини оқилона ташкил этиш маҳоратига ҳам эга бўлишни талаб қилмоқда. У яхши ташкилотчи, психолог ва мураббий бўлиши, жамоага аъзо бўлган ҳар бир шахснинг қалбига йўл топа билиши ва шуларга асосланиб бошқарув фаолиятини ташкил этиши мақсадга мувофиқдир. Меҳнат жамоасида соғлом психологик иқлимни яратиш учун ҳар бир ходимининг шахсий фазилатлари, ёши, тажрибаси, билими ва маҳорати ҳисобга олиниши, ходимлар ўртасида ҳамжиҳатлик, ўзаро ёрдам ва рақобат муҳитини яратиш, корхона ривожига дахлдорлик туйғусини ҳосил қилиш муҳим вазифалардандир.

Ҳар бир раҳбар фаолияти давомида жамоа ҳаётига баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшиб борса ва ундан ўзи учун ҳам бирор янгилик топа олсагина, замини мустаҳкам жамоа вужудга келади. Демак, раҳбар шахсларнинг маънавий дунёси қанчалик юқори бўлса, жамоа ҳаёти мазмунан шунчалик бой, қизиқарли бўлади. Замонавий муассасада, энг аввало, маънавий-психологик якдиллик, ҳамжиҳатлик, манфаат ва интилишлар бирлиги вужудга келган бўлиши лозим. Баъзан бу бирлик унчалик мустаҳкам бўлмаслиги ҳам мумкин. Борди-ю, жамоада тарқоқлик, ўринсиз тортишув юз бериб, бу можаро узоқ вақт давом этса, бундай муассаса ўз барқарорлигини йўқотади ва оқибатда инқирозга юз тутади.

Маълумки, ҳар бир ишлаб чиқариш жамоасида ходимларнинг ўзаро муносабати икки таркибий доирада: расмий ва норасмий доирада амалга ошади. Расмий гуруҳ ходимларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолиятидаги маъмурий жиҳатдан мустаҳкамланган расмий алоқаларини кўрсатиб беради. Расмий гуруҳ кишиларнинг лавозим бурчларидан келиб чиқувчи ўзаро муносабатларига кўра белгиланади. Норасмий гуруҳ эса шахсий симпатия ва антипатиялар асосидаги норасмий муносабатларни, манфаатларнинг умумийлигини, характерларнинг ўхшашлигини, ўзаро бир-бирини тушунишни ифодалайди. Ҳар иккала гуруҳ доимо бир-бирига таъсир қилиб туради ва шу жараёнда низоли ҳолатлар ҳам вужудга келиб туради.

Меҳнат жамоалари орасида низо чиқарувчи айрим шахслар бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Бундай шахслар иш пайтида фойдали меҳнат билан шуғулланиш ўрнига, ўзларининг ўринсиз эътирозларини гапириб, ҳам ўзларини, ҳам бошқаларни ишдан чалғитиб, ишлашга халақит беради. Бундай вазиятда раҳбар низонинг моҳиятини баҳслашувчи томонларнинг позицияси ва нуқтаи назаридан аниқлаб, уни ҳал қилишнинг мақбул йўлини топишга ҳаракат қилиши керак бўлади. Айниқса, бу жараёнда жанжални ҳал этиш учун раҳбар ўша ходимларини, уларнинг характери ва темпераментининг кучли ва заиф томонларини яхши билган ҳолда тарбиявий таъсир кўрсатиши жуда муҳимдир. Раҳбарнинг бор маҳоратини ишга солган ҳолда томонларни муросага келишга ундаши, агар зарурат бўлса, жанжаллашувчиларни уялтириши, уларнинг илгариги яхши фазилатлари ва ишларини эслатиб ўтиши ҳам мураккаб вазиятлардан чиқишда қўл келади.

Айниқса, раҳбарнинг ўз жамоаси ичида меҳнат жараёнида вужудга келадиган ҳар хил низоларни жамоада жамоат ташкилотлари билан бирга, юқори ташкилотларга мурожаат қилмасдан жойида ҳал қилиши муҳим аҳамиятга эга. Бу эса раҳбарнинг жамоа томонидан тан олиниши ва ҳурмат-эътиборининг ошишига олиб келади. Айни пайтда ҳар бир раҳбар ўзидан юқори турувчи раҳбарлар олдида ҳам, ўзига бўйсунувчи ходимлар олдида ҳам, ўзи билан ҳуқуқи тенг бошқа раҳбарлар олдида ҳам обрўга эга бўлиши лозим. Обрў ҳалол меҳнат, ташаббускорлик ва ўз вазифасига масъулият билан муносабатда бўлиш, жамоа аъзоларига талабчанлик ва ғамхўр бўлиш, ўз ишини чуқур билиш билан орттирилади ҳамда раҳбар учун зарур ишонч ва қалқон вазифасини ўтайди.

Раҳбарнинг меҳнат жамоасига нисбатан муносабатини тенглик ва ҳурмат асосида ташкил этиши муҳим аҳамиятга эга. Жамоада раҳбарнинг ходимларга нисбатан тенглик муносабати уларнинг моддий ва маънавий тенг ҳуқуқлиликларини таъминлаши, барчага тенг иш шароитлари яратиши, ошна-оғайнигарчилик билан ўзига яқин одамларга алоҳида эътибор қаратмасдан, балки барчага баравар инсоний муомала қилиши, касб ахлоқи, жамиятда қабул қилинган қонунлар ва адолат устуворлигига риоя этишида намоён бўлади. Меҳнат жамоасига нисбатан раҳбарнинг ҳурмати жамоа аъзоларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиши, уларга муносиб меҳнат шароитлари яратиб бериши, жамоа ўртасида ҳар хил миш-мишлар тарқалиши, ғийбатчилик, порахўрлик, чақимчилик, лаганбардорлик, адолатсизлик, ноҳақлик каби иллатларга йўл қўймаслиги ва буларга нисбатан муросасиз бўлиши, ҳақ билан ноҳақнинг, ҳалол билан ҳаромнинг фарқини ажрата билиши, катта ёшдагилар ва аёлларни эъзозлаши, тарбиялилиги, хушмуомалалиги, кичикларга иззатли бўлиши, жамоанинг ҳар бир аъзосида фаол ҳаётий муносабатни шакллантиришга ҳаракат қилиши, адолатпарварлик, инсонпарварлик сингари ижобий маънавий сифатларга амал қилиши билан белгиланади.

Шундай қилиб, жамоа гуруҳнинг сўнгги ва энг тараққий этган босқичи бўлиб, у ижтимоий аҳамиятга эга бўлган умумий мақсад асосида ташкил топади. Жамоа томонидан амалга оширилаётган фаолият унинг олдига қўйилган мақсад мазмунини ифода этади. Жамоа аъзолари ўртасида қарор топган ўзаро бирлик, шунингдек, улар ўртасида ташкил этилувчи муносабат жараёнидаги тенглик жамоага раҳбарлик қилиш, жамоа аъзоларининг гуруҳ етакчиларига бўйсунишлари, шунингдек, улар томонидан жамоа олдидаги жавобгарлик ҳиссини англашлари учун замин яратади.

Адабиётлар

1. Андреева Г.М. Социальная психология. -М.: “Аспект Пресс”, 1999.
2. Боймуродов Н. Раҳбар психологияси. -Т.: “Янги аср авлоди”, 2005.
3. Каримова В. Ижтимоий психология. -Т.: “Фан ва технология”, 2012.
4. Маҳмудов И. Бошқарув психологияси. -Т.: “YUNAKS-PRINT МЧЖ”, 2006.
5. Эргашев И. Бошқаришнинг ижтимоий-фалсафий асослари. -Т.: “Akademiya”. 2006.
6. Ғозиев Э. Умумий психология. -Т.: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти”, 2010.

РЕЗЮМЕ

Мақолада жамоада шахслараро муносабатларни ташкил этишнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари ўрганилган. Муаллиф томонидан ўтказилган тадқиқотлар мазкур муаммони бугунги кунда ҳам чуқур ўрганиш кераклигини кўрсатади.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена рассмотрению проблемы социально-психологических особенностей организации личностных взаимоотношений. На основании проведенного исследования автором было выявлено, что на сегодняшний день эта проблема требует тщательного изучения.

SUMMARY

The article is devoted to the consideration of the problem of socio-psychological characteristics of the organization of personal relationships. On the grounds of studies by author was revealled that for present-day day this problem requires the close examination.

USTAZLAR SHEJIRESI

Ҳ.ҲАМИДОВТЫҢ ӘДЕБИЙ – КӨРКЕМ ДӨРЕТИЎШИЛИГИНИҢ ӨЗГЕШЕЛИГИ

К.Алламбергенов – *филология илимлериниң докторы, профессор*
Т.Торткулбаева - *филология илимлери бойынша философия докторы*
Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты



Өткен әсирдиң 60-жыллары қарақалпақ әдебиятының ҳәр тәреплеме раўажланыў дәўири болды: әййем-әййем дәўирлерден берли дәстүри бар ески поэзия жанры жаңаша мазмун алып, реалистлик сыпаты тереңлесип, жанрлық, формалық, көркем-поэтикалық усыллары жағынан рәңбәрең бояўларда байып толыса баслады. Сүйикли Қаҳарман шайыр-жазыўшыларымыз болған Ибрайым Юсупов, Төлепберген Қайыпбергеновлардың изи менен әдебиятымызға М.Сейтниязов, Д.Айтмуратов, Ш.Сейтов, Т.Мәтмуратов, К.Рахманов, У.Хожаназаров, С.Салиев, У.Пиржанов, Т.Сәрсенбаев, Т.Қабулов, С.Пиржанов, Ә.Атажанов, К.Мәмбетов, С.Баҳадырова, К.Худайбергенов, Ж.Нарымбетов, Қ.Камалов, Г.Есемуратова, К.Смамутов, Т.Халмуратов сыяқлы дүркин-дүркин талантлы жас шайырлар менен жазыўшылар, драматурглер, әдебият изертлеўшилери менен сыншылар кирип келди.

Бул талантлардың әдебиятқа ҳәрқыйлы бағдарларда, жеке стиллик өзиншеликлерде кирип келиўи, ҳақыйқатында да, қарақалпақ әдебияты аспаны әлемин ләрзеге келтирип, үлкен раўажланыў қозғалысын пайда еткен бәҳәр паслының гүлдирмамасы киби болды. Олардың көпшилиги дерлик ҳәзир арамызда жоқ болыўына қарамастан ХХ әсир қарақалпақ әдебиятында өшпес из қалдырып кетти. Атап айтсақ, сол әсир лирикалық поэзиясындағы нәзик поэтикалық шеберликти Төлепберген Мәтмуратов, Теңелбай Сәрсенбаев, Узақбай Пиржанов, Әскербай Әжиниязовларсыз, поэзиямыздағы сюжетлик ҳәм еркин қатарлы лириканы Шаўдырбай Сейтовсыз, лирикадағы ойшыл-философиялық бағытты Мәтен Сейтниязов, Кеңесбай Рахманов, Улмамбет Хожаназаровларсыз, лириканың сатиралық-тымсал формасын Дәўлен Айтмуратовсыз, поэзиядағы терең халықшыллықты Толыбай Қабуловларсыз түсиниў ҳәм баҳалаў мүмкин емес.

Усындай жанрлық, көркемлик, стиллик изленислер ХХ әсир қарақалпақ әдебияты ушын формалық жақтан пүткиллей жаңа заманагөй жанр болған 60-жыллар реалистлик прозасында, әсиресе повестлерде айқын көзге таслана баслады. 60-жыллар қарақалпақ прозасын бурыннан қәлем тербетип киятырған Ж.Аймурзаев, Х.Сейтов, Т.Қайыбергенов, К.Султанов, И.Қурбанбаев, А.Алиев, О.Бекбаўлов, Ғ.Сейтназаров, А.Бекимбетов, Ө.Хожаниязов, Ә.Тәжимуратовлардың қатарына Ш.Сейтов, У.Пиржанов, С.Сәлиев, Г.Есемуратова, Ә.Атажанов, К.Мәмбетов, Қ.Камалов, С.Баҳадырова, Т.Халмуратов сыяқлы талантлы жас жазыўшылар келип қосылды. Прозамыз усының нәтийжесинде жаңа повесть, романлар ҳәм жаңа прозалық топламлар менен де байып толыса баслады.

Қ.Жуманиязов «Қызылқум қоңыраўлары» (1969), Ө.Хожаниязов «Қыс балладасы» (1970) топламлары менен шарўалар турмысын жетик билетуғын жазыўшылар екенлигин көрсетти. Усындай тематикалық рәңбәреңлик 20-30-жыллардың тарийхый ўақыяларына бағышланған, заман ҳәм адам тәғдириниң бирлиги сәўлеленетуғын А.Алиевтиң «Күткен күн» (1961), К.Султановтың «Ағалардың әңгимеси» (1968), А.Бекимбетовтың «Сырлы излер изинен» (1961), Б.Бекниязованың «Қызлар тәғдири» (1964), Ш.Сейтовтың «Қашқын» (1969), жаңа тарийхый темаларға бағыш етилген, дөретиўши тарийхый тулғалардың өмирин сәўлелендириўге арналған О.Бекбаўловтың «Тарас Аралда» (1964), урыс дәўириндеги балалар ҳәм жаслар турмысының сыпатлы белгилери менен урыс ақыбетлериниң адам тәғдириндеги ҳәсиретли, суўық таңбаларын сәўлелендиретуғын Т.Қайыпбергеновтың «Суўық тамшы» (1964), «Уйқысыз түнлер» (1965), Ш.Сейтовтың «Көп еди кеткен тырналар» (1966), Т.Нәжимовтың «Жаўынгерлик жылларда» (1968), ҳәм жаңа, ҳәм гөне тема болған муҳаббат темасы сөз етилген И.Қурбанбаевтың «Бир аўыз сөз» (1968), Ж.Сапаровтың «Үстиртке ҳүжим» (1962) повестлеринде ҳәр қыйлы қырлары менен көринис таба баслады.

60-жыллар повестьлеринде тематикалық өсиўшиликке қарағанда формалық жаңашыллық көбирек көзге тасланады. Повестьлердеги формалық бул сыпатларды дәслепки автобиографиялық, мемуарлық, тарийхый повестьлердиң пайда болыўы, лиро-эпикалық, лиро-психологиялық сыпатлардың кирип келиўи деп қысқаша баҳаласақ болады. Мысалы, О.Бекбаўловтың «Тарас Аралда» повести дәслепки тарийхый-биографиялық повесттиң үлгиси болса, Т.Қайыбергенов, Ш.Сейтовлар өз повестьлери менен прозаға лиро-эпикалық, лиро-психологиялық сыпатлар бағыш етти.

60-жыллар повестьлериндеги бул ҳәр тәреплеме өсиўшилик қубылысы роман жанрында және де айқынырақ көринис тапты. Дурыс, бул жылларда дөрелген айырым тарийхый революциялық ро-

манлар (Т.Қайыпбергенов «Соңғы ҳүжим» (1960), А.Бекимбетов «Гүрес» (1970)) 20-30-жыллардың тарийхый ўақыяларын сәўлелендириўде зорабанлық етип турған тоталитар-бюрократиялық жәмийет, мәмлекет сиясаты тәсирлеринен жеткиликли дәрежеде шығап кете алмады. Деген менен, тарийхый темаларда жазылған романлар ҳақыйқый халықлық, миллий ғәрезсизлик идеялары руўхында жазылды. К.Султановтың «Әжинияз» (1967) романы, мине усындай көзқараслар нәтийжеси болып дөрелди. К.Султановтың «Ақдәрья» романы (1962) урыс дәўириндеги урыс ҳәм тылдағы халықлық бирликти сәўлелендирген қарақалпақ романшылығының ең әжайып үлгиси болып дүньяға келди.

Т.Қайыпбергенов қарақалпақ прозасында бириншилерден болып еки китаплы роман-дилогия «Қарақалпақ қызы» (1963-1965) пайда етти ҳәм оның айырып повесть, романларының өзбек, рус, эстон тиллерине аўдарылыўы 60-жыллар әдебияты ушын үлкен әдебий қубылыс болды. Жазыўшы 1968-жылы «Қарақалпақ дәстаны» тарийхый трилогиясының «Маман бий әпсанасы» биринши китабын жәриялады.

Улыўма, 60 – жыллар прозасында романшылық
қарақалпақ миллий көркем ойының жаңа басқышқа көтерилгенин көрсетип бере алатуғын дәрежеге жетти. Усы жылларды дөрелген тарийхый романлар бул пикирдиң айқын гүўасы болып хызмет етти.

Деген менен, 60-жыллар прозасында повестьлер прозамыздың ең раўажланған формасы ҳәм жетекши жанры сыпатында ҳәр тәреплеме раўажланды. Усы жерде айта кететуғын бир қызықлы факт – бир ғана 1966-жылдың өзинде «Әмиўдәрья» журналы бетлеринде талантлы жас прозаиклердиң 10 повести жарық көрди. Мине, сол жарық көрген повестлердиң ишинде сол жылғы ең сайландылары болған Шаўдырбай Сейтовтың «Көп еди кеткен тырналар» («Адасқан ақ қуў») повести менен бир қатарда биз бүгин 85 жыллық юбилейин нышанлап атырған Қарақалпақстанға мийнети сиңген илим ғайраткери, академик-жазыўшы Ҳүсниддин Ҳамидовтың «Естелик» повести де бар еди.

Әлбетте, бул повестте де, көпшилик жазыўшыларымыздың тарийхый-революциялық тематикада жазылған шығармаларында орын алғаны сыяқлы, повесть дөреген дәўир сиясатының басымы, тәсири, сол дәўир әдебиятындағы класслық, партиялық көзқараслардың салқын унамсыз леби тәсирлери орын алғанлығы тәбийий.

Деген менен, бул повестьте автордың көркем сөз бенен көркем образ жаратыўға уқыбының күшли екенлиги, яғный оның көркем әдебиятқа үлкен таярлықлар менен келген талант ийеси екенлиги айқын сезилип турады. Себеби, повестьте ХХ әсирдиң дәслепки он жыллықларындағы қарақалпақ халқының турмысы фонында сол дәўир адамлары болған, ҳәр қыйлы социаллық қатлам ўәкиллери есапланатуғын Палўан ҳәм Омар, Пиржан ахун ҳәм оның баласы Жәмий қусаған қаҳарманлар образлары өз характерли белгилери менен сомланған дара тулға-типлер сыпатында геўделендирилген. Онда ҳәр бир қаҳарман өз минез-қулқы, характери, ишки ой-сезимлери, психологиясы жағынан бир-биринен сезилерли дәрежеде парық етип турады.

Повестиң композициялық қурылысында да автордың сюжет қурыўға оғада шебер екенлиги көзге тасланады. Шығармада ўақыялар, логикалық байланыста избе-из раўажланыў тапқан. Бунда оқыўшыны зериктирерликтей көп сөзлилик, тийкарғы сюжеттен шетке ылағып кетиўшилик қусаған нуқсанлар сезилмейди. Ўақыялар эпик планда тартымлы диалог, монологлар ҳәм авторлық баянлаўлар арқалы шебер сүўретленип берилген. Шығарманың тили тартымлы. Буннан биз автордың халық тилиниң нәзик қашырымларын пухта үйренгелигин көриўимизге болады. Повесттеги усындай жетискенликлерден әдебиятшы-сыншы илимпазлар И.Сағыйтов, Қ.Мақсетов, З.Насруллаева, Қ.Камалов қусаған жазыўшылар ўақтында бул повесть ҳаққында оғада унамлы пикирлер билдирди.

Повесть қаҳарманлары тилиндеги усындай лирикалық қашырымлар, жыллы лиризм, айырым лирикалық шегинислер автордың прозаға поэзияның үлкен тәжирийбе мектебинен өтип келгенлигин аңлатып турады. Болажақ жазыўшының «Өмир ышқы» (1980), «Илҳам» (1984), «Өмир мәнзиллери» (2007) топламларына кирген ҳәр қыйлы жылларда жазылған қосықлары бул пикиримиздиң айқын дәлили. Шайыр өзиниң «Күн ҳәм өмир», «Өмир сааты», «Дала», «Асаў Әмиў», «Мийнеткеш аўылым», «Жаз ақшамы», «Гүзги таң», «Төртликлери», «Жылама, ана», «Дала гүли», «Түс» сыяқлы қосықларында аўыл адамларынын турмысын, екинши жер жүзилик урыс зардапларын тартқан қаҳарман ата-аналар, ул-қызлар келбетин, қарақалпақ халқының өзине тән менталитетин, бай тәбияты менен жайдары минезин, мийнеткешлик, инсаныйлық қәсийетлерин, мийнет, муҳаббат, поэзия гөззаллығын Ўатан сағынышы ҳәм халықлар дослығы сыяқлы муқаддес қәдирият туйғыларын жырлаўға арналған.

Оның бул поэзиялық дөретпелеринен фольклорлық
ҳәм классикалық әдебият дәстүрлерин де, шығыс ҳәм батыс поэззиясын синтезлеген әжайып формалық жана қәсийетлерди де аңлаўға болады. Сонлықтан да, оның айырым қосықларында жайдары лирика менен төртликлерге тән сыпатлар аңласылса, айырымларында рубайы менен ғәззеллердиң, сонетлер менен баллада, эллегиялардың руўхы сезилип турады. Мысалы, оның «Дала гүли» қосығы мазмуны жағынан сюжетли еркин лириканы да, формасы жағынан новелла яки элегия, балладаны ядқа түсиреди. Қосықтың мазмуны бойынша бозай өскен аўыл қызы қалаға келин болып түседи. Өзи қәлеп қосылған өмирлик жолдасы менен бахытлы өмир де сүреди. Мал-дүнья, шәрт-шараят бәри, бәри жеткиликли. Бирақ, бәрибир бир нәрсе жеткиликсиздей. Шайыр қосық жуўмағында бул жеткиликсиз зат – еркинликти былайынша тәриплеп, прозадағы новеллалық, поэзияда балладалық формаға бейим элегиялық жуўмақ жасайды:

Бозай өскен аўылдың қызы,
Көнлиге алмай гөззал қалаға.
Кетип қалды ақыры изи,

Өзи өнип өскен далаға.
Айыпламаң неге кетти деп,
О адамлар, абайлаң буны.
Сөзсиз оның кетиўи керек,
Ол ақыры даланың гүли. («Дала гүли», 21-б.)

Мине, усындай терең мәнили қосықлар шайыр поэзиясының тийкарғы мазмунын қурайды. Бундай қосықлар қурғақ шақырық сүренлерди, жалаң жасалма сиясатларды үгит-нәсиятлаўдан аўлақ. Бул қосықлар әпиўайы жайдары көринислерди, қубылысларды сүўретлеў арқалы-ақ терең философиялық мәни бере алады.

